

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БҮЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ-2016

Мазқур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апредидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Н.К.Светличная
К.Д.Рахимқұлов

Тақризчи:

**Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
Кенгашининг 2016 йил _____даги __-сонли қарори билан тасдиққа
тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари
III. Назарий материаллар
IV. Амалий машғулот материаллари
V. Кейслар банки
VI. Мустақил таълим мавзулари
VII. Глоссарий
VIII. Адабиётлар рўйхати.....

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи ўқув дастури адаптив жисмоний тарбиянинг назарий ва амалий ўрганилишини, воситалари, услублари, тузилиши, ёши, жинси, шуғулланувчининг жисмоний имкониятларини, соғлигини инобатга олган холда режалаштириш ва ўтказиш, юкламаларни бир меёрда режалаштириш, ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва ўтказишасосларини ўз ичига олади.

Ўқув модулининг мақсад ва вазифалари

Мақсади модульни ўрганиш билимлар тизимини эгаллашдан иборат бўлиб, амалий қўникмалар тизимини эгаллаш, шунингдек тингловчиларда адаптив жисмоний тарбия воситаларини комплекс қўллаш профессионал ва умумий маданий компитентлигини тарбиялашдан иборат.

Вазифалари модуллар - билимлар доирасини кенгайтиришда анъанавий ва инновацион жисмоний - соғломлаштириш, фитнесс ва спорт технологиялар, усуслари, тизимлари, адаптив жисмоний тарбия; такомиллаштириш саломатлигини ва оптималь ишлашини таъминлаш, асосий жисмоний фазилатларни ривожлантиришда адаптив жисмоний тарбиядан фойдаланиш бўйича асосий далилларга асосланган билим бериш; соғлиқни сақлаш, онтогенезда ривожланиши ва инсон организмига машқлар соғломлаштириш таъсири механизмларини ҳақида назарий билимларни чуқурлаштириш; адаптив жисмоний тарбия воситаларини дам олиш ва реабилитация имкониятларидан фойдаланишни ўргатиш (ривожлантирувчи, профилактик, қайта тиклантирувчи) олдини олиш ва касалликларни даволаш учун; профессионал даражасини ошириш ва жисмоний машқлар қўллаш соҳасида фаолиятсизлик муаммосига ёндашувлар ўз назарий билимларини қўникма ва қобилиятларини ривожлантиришга.

Модуль бўйича тақдим этиладиган билим, қўникма ва малакаларга талаблар

Тингловчи, “Адаптив жисмоний тарбия” модули вазифалари доирасида қўйидагиларни амалга ошириши керак:

Тушунчага эга бўлиши ва тавсифлаб бера олиши:

- адаптив жисмоний тарбиянинг назарий ва амалий асосларини;
- соғлиқ ва касалликнинг умумий холати, ишchanлик даражаси йўқотилганлигининг баҳолаш мезонларини;
- адаптив жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий вазифаларини;
- адаптив жисмоний тарбиянинг воситалари ва класификациясини;
- турли жисмоний юкламаларга ва ишchanлик даражасига организмнинг реакцияси хусусиятларини;

- адаптив спорт фаолиятининг тузилиши, хусусиятлари ва воситаларини;
- адаптив жисмоний тарбия ва спорт фаолияти, илмий ва услубий муаммолари ҳамда тадқиқот истиқболлари методикасини;

бажара олиш ва билиши:

- адаптив жисмоний тарбия воситалари ва методларидан соғломлаштиришда, касалликларни зўриқиб кетишига йўл қўймасликда, ишchanликни таъминлашда фойдалана олиш;
- адаптив жисмоний тарбия бўйича машқлар мАЖТуаларини тайёрлаш;
- жисмоний ва функционал тайёргарлигини бошқариш, режалаштириш ҳамда назорат қилиш;
- шуғулланувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, жисмоний ривожланиши, тайёргарлик ва соғлик даражаси инобатга олган ҳолда машғулотлар олиб бориш;
- адаптив жисмоний тарбия машғулотлари ва мусобақалар жараёнида илмий, ташкилий ва педагогик ишларни тадбиқ қилиш;

Малакаларга эга бўлиши:

- жисмоний-соғломлаштирувчи технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари олиб бориш ва ташкил этиш;
- организмнинг физиологик юкламаларга нисбатан имкониятларини баҳолаш ва жисмоний тайёргарликни назорат қилиш;
- соғлом турмуш тарзини шакиллантириш;
- адаптив жисмоний тарбия бўйича ўқув-услубий материалларини ишлаб чиқиш.

Ўқув модулининг бошқа модуллар билан боғликлиги

“Адаптив жисмоний тарбия” модули адаптив жисмоний тарбия фани бўйича мутахассисларни тайёрлашда асосий манба хисобланади. Ушбу модул “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”, “Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбияси”, шунингдек жисмоний маданият назарияси ва услубиёти, жисмоний маданият ва спорт, ёш ва спорт физиологияси, спорт ва махсус психология, педагогика соҳасида илмий тадқиқот ишларини тадқиқ қилиши билан ўзаро боғлик.

Ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш

Ўқитишида замонавий методлар, педагогик ва ахборот-комуникацион технологиялардан фойдаланиш режалаштирилган.

- маъruzalар замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдимотлар шаклида маъruzalар ўтказиш режалаштирилган:

- амалий машғулотлар интерфаол усуллари (кейс-стади, махсус ўйинлари, интервью ва х/к) ёрдамида амалга ошириш кўзда тутилган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ўқув юклама, соати				Мустакил тайёргарлик	
		Жами	Аудитория соатлари				
			Маруза	Амалий машғулот лар			
1.	Адаптив жисмоний тарбиянинг назарий-методик асослари. Адаптив жисмоний тарбияга жисмоний тарбиянинг тамоилларини жорий этиш хусусиятлари	4	2	2			
2.	Адаптив жисмоний тарбия воситалари ва усуллари. Адаптив жисмоний тарбияда методикаларнинг корекцион-ривожлантиришга йўналтирилганлиги.	4	2	2			
3.	Адаптив харакатлантирувчи рекреация ва реабилитация. Касалликлар ва жарохатларда тикланиш бўйича индивидуал дастурлар яратиш.	6	2	2	2		
	Жами	14	6	6	2		

МОДУЛНИНГ НАЗАРИЙ МАЗМУНИ

1 - мавзу: Адаптив жисмоний тарбиянинг назарий-методик асослари.

“Маданият”, “Жисмоний тарбия”, “адаптив жисмоний тарбия”, “турмуш тарзи”, “Соғлом турмуш тарзи”, “аксиологик тамоиллар: ўхшашлик ва фарқлар”; “реабилитация”, “ижтимоилашув”, “ижтимоий интеграция” ва бошқалар.

Адаптив жисмоний тарбия фани мазмунининг предмети, мақсад ва вазифалари. Компенсация, коррекцион ҳамда профилактик вазифалари. Соғламлаштирувчи, таълимий ва тарбиявий вазифалари.

Адаптив жисмоний тарбия соғлигига имконияти чекланган шахсларни реабилитацияси ва ижтимоий интеграциялашувида тутган ўрни ва ахамияти.

Адаптив жисмоний тарбиянинг жисмоний тарбия, тиббиёт, коррекцион педагогика, валеология, гигиена ва бошқалар, соҳа билимлари ва амалий фаолияти ҳамда бошқа илмий йўналишлар билан алоқадорли, ахамияти ва турган роли.

Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий таркиблари (турлари): адаптив жисмоний тарбия, адаптив мотор рекреация, адаптив спорт, адаптив жисмоний реабилитация, креатив (санъат ва мусиқа) амалда танага йўналтирилган, жисмоний фаолликнинг экстремал турлари.

Адабиётлар:

1. Б.16-36; 2. Б.5-20; 3. Б.29-35, 51-35; 4. Б.17-25.

2 - мавзу: Адаптив жисмоний тарбия воситалари ва усувлари

Режас:

- 1) Адаптив жисмоний тарбияда педагогик таъсирларда объектнинг тафсифи
- 2) Адаптив жисмоний тарбияда воситаларни ва машғулотлар шаклини танлаш ҳамда ташкил этиш хусусиятлари

Адаптив жисмоний тарбия педагогик таъсир объектининг хусусиятлари:

сенсор тизимлари (кўриш орқали, эшитиш орқали, вестибулар), таянч-харакат тизими (нотўғри ҳолат, ривожланишдаги нуқсонлар, парезлар ва фалаж, жароҳатлар, ампутасия), интеллектуал соҳа (психик ривожланишнинг тўхталиши, ментал танқислиги), вегетатив (нафас олиш, юрак-қон томир, овқат ҳазм қилувчи, эндокрин) тизимлар.

Имконияти ва соғлиги холати чекланган шахсларнинг одатий ҳаракат соҳаси бузилиши. Касаллик даражаси ва ҳаётий имкониятлари чекланганлиги (соғломлаштириш гурухлари, имконияти чекланганлар гурухи); носологик хусусиятларига қараб (қўриш қобилиятига қараб, эшитиш қобилиятига қараб, нутқи бузулишига қараб, таянч-ҳаракат тизимини, ақлий, ва х/к). Махсус тиббий гурухлар.

Адаптив жисмоний тарбияда воситалар ва машғулотлар шаклини танлаш хусусиятлари

Адаптив жисмоний тарбияда ташкиллаштириш шакллари. Машғулотлар тизими. Имконияти чекланган шахслар билан мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, академик лицей, ўрта маҳсус касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида ишлаш хусусиятлари.

Таълим дастурларини замонавий тенденсия асосидаги таълим билан интеграциялашуви сифатида.

Адабиётлар:

1. Б.135-158; 2. Б.55-67; 3. Б.229-249; 4. Б.26-42; 5. Б.19-42.

3 - мавзу: Адаптив ҳаракатлантирувчи рекреация ва реабилитация.

Режса:

- 1) Адаптив ҳаракатлантирувчи рекреация ва реабилитациянинг шакллари.
- 2) Адаптив жисмоний тарбиянинг методлари.

Адаптив мотор рекреацияси ва реабилитация шакллари.

Мотор рекреацияси, реабилитация ва ўзини-ўз тиклаш бўйича индивидуал дастурлар шакллантириш. Турли адаптив жисмоний тарбияда мотор ҳаракатларни ўқитишидаги ўхшашлика ва фарқлари (адаптив жисмоний тарбия, адаптив спорт, адаптив мотор рекреация ва жисмоний реабилитация). Мотор рекреацияси, коррекцияси ва реабилитацияси методикалари. Имконияти чекланган одамларнинг жисмоний фаолиятини ривожлантиришда оила ва жамиятнинг иштроки.

Комплексное применение методов адаптивной физической культуры.

Адаптив жисмоний тарбия методлари. Метод – усул, бу мақсадга эришиш учун йўл сифатида; методик усул методни жорий қилиш сифатида, коррекция қилишнинг аниқ вазифаси, компенсация, профилактика, таълимий-тарбиявий, соғломлаштирувчи сифатида. Билимларни шакллантириш методлари. Мотор ҳаракатларни ўқитиши методикаси. Жисмоний сифатларни ва қобилиятларни (тeng кучли, ўзгарувчан, такрорий, оралиқ масофали, ўйинли, мусобақавий, айланма) ривожлантириш методлари. Шахсни тарбиялаш методлари. Адаптив жисмоний тарбия методжларини комплекс жорий қилиниши.

Адабиётлар:

1. Б.135-158; 2. Б.55-67; 3. Б.229-249; 4. Б.26-42, 214-218; 5. 583-603.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотларда тингловчиларда адаптив жисмоний тарбиянинг назарий асослари ўрганилади ва амалий масалалар ечилади.

Билим ва кўникмалар тарқатма материаллар, дадарсликлар ва ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, илмий мақолалар ва тезислар ёрдами мустахкамланади.

1-Амалий машғулотлар.

Особенности реализации принципов физического воспитания в адаптивной физической культуре.

Адаптив жисмоний тарбияда ижтимоий (инсоний йўналтирилганлигига, ижтимоилашувига, жисмоний таълимнинг узликсизлиги, интеграция, кичик ижтимоий гуруҳларнинг устувор ахамиятлари) умумметодик (илмийлиги, фаоллиги ва онглилиги, кўргазмалилик, мавжудлиги, тизимлилиги, ишончлилиги) ва маҳсус тиббий методик (ташхисли, индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, корекцион ривожлантирувчи йўналганлиги, тўлдирувчи йўналтириш, ёш хусусиятларини инобатга олиш, профилактик йўналганлик, адекватлик холати, оптимал ва вариативлик) тамоилларни қўлланиш хусусиятлари.

Декартнинг координатлар тизимида – 1) адаптив жисмоний тарбия турлари, 2) касаллик турлари (ногиронлик), 3) инсон ҳаётининг ёш давлари.

Адабиётлар:

1. Б.135-158; 2. Б.55-67; 3. Б.257-273; 4. Б.26-42; 5. Б.19-42.

2-Амалий машғулот.

Адаптив жисмоний тарбиянинг коррекцион-ривожлантирувчи методикалари йўналганлиги.

Сенсор тизимининг ривожланиш функциялари, коррекцияси ва профилактикаси (кўриш, эшитув, кинестетик, тактил, вестибуляр ва бошқалар).

Психик бузулишларнинг коррекцияси (хотира, диққат, нутқ, идрок, ҳиссий ва иродали, хулқ, мотивация, шахсий установкалар).

Саматик ва вегетатив нерв тизимлари бузулишларнинг коррекцияси (гавда холати, яssi оёқ ва бошқа тана деформациялари, нафас олиш тизимидағи, эндокринли, юрак-қон томир касалликлари, ва ҳоказо);

Кординацион имкониятларнинг коррекцияси (тананинг индивидуал қисмлари ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилганлиги, қўл ҳаракатлари моторикаси аниқлиги, мувозанат, дам олиш ва бошқалар).

Ҳаракат фаоллигини чекловчи пассив даражадаги жисмоний тайёргарликни ва жисмоний сифатларни коррекция қилиш.

Асосий ҳаракатлар техникасини коррекциялаш (фазовий, вақтли, динамик, ритмик ҳаракатлар хусусиятлари).

Адабиётлар:

1. Б.135-158; 2. Б.40-45; 4. Б.120-173; 5. Б.29-34.

3-Амалий машғулот.
Қасаллик ва жароҳатларда тикланиш бўйича индивидуал
дастурларни яратиш

Адаптив жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар холатини (тиббий-психологик-педагогик) режалаштириш ва комплекс назорат қилиш. Адаптив жисмоний тарбияда жорий, босқичли ва циклик педагогик назоратнинг хусусиятлари.

Реабилитация бўйича индивидуал дастур ва шифокор тавсиялари кележакда кутилаётган, қисқа ва босқичлар муддатларида режалаштириш сифатида.

Шуғулланувчиларни тиббий-психологик назоратини ташкиллаштиришнинг педагогик жараёнига нисбатан ташки омиллар сифатида (тиббий-ижтимоий экспертиза, тиббий ва реаблитал ёрдам кўрсатиш марказлари, спорт-тиббий класификатцияси бўйича комиссиясиялар) кўрилади.

Адабиётлар:

1. Б.99-115; 2. Б.67-81; 3. Б.229-235; 4. Б.214-263.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги ишлар шакли кўзда тутилган:

- кичик маъруза ва сухбатлар (диққатни жамлашни шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, билишга бўлган қизиқишини ривожлантиради);
- дидактик ва ролли ўйинлар, айланма столи, (тақдим этилган қоидалар асосида ҳаракат қилишни, ҳамкорлик қилишни, эшитиш ва тинглашни, мантиқий хуносалар чиқаришни ўргатади);
- диспут ва дискуссиялар (аргумент ва исботларни келтиришни ривожлантириш, эшитиш ва тинглашни билиш);
- тренинг элементлари (ижобий муносабатни ривожлантиради, эмоционал турғунлик).

Баҳолаш мезонлари

“Олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини ыайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг аттестациясини щтказиши ва баҳолаш тартиби” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузаридаги Идоралараро комиссиянинг 2015 йил 3 ноябрдаги 2-сон мажлис баёнида белгиланган тартибда амалга оширилади.

№	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс Тест Лойиха (реферат)	2,5	0,5 балл 1,5 балл 0,5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИЩДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

1 - МОДУЛНИНГ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИДА қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → “Ўкув жараёнини самарадорлиги ва сифатини оширишда қандай ишларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблайсиз?”

2) Тингловчиларнинг илғор хорижий таълим тизимига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “**Б /Б /Б**” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → илғор хорижий таълим тизими бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

“Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилади.

“Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Кўшимча маълумот
Модулли таълим		
Модул блоклари		
Модулли-кредит таълими		
ECTS кредитлари		

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТДА қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар бўйича билим ва кўнималарини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш ғоясини таҳлил қилиш.

“SWOT - таҳлил” жадвали

S (кучли томони)	W (кучсиз томони)
O (имкониятлар)	T (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг анъанавий ва замонавий таълим бўйича билим ва кўнималарини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

Концептуал жадвал

Аспект таҳлили	Анъанавий таълим	Модулли таълим
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишининг ҳаракатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

 **2-МОДУЛНИНГ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИДА** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → “Талабаларнинг ўзлаштирувчилик, алгоритмли, қисман изланувчилик ва тадқиқотчилик фаолиятларини қандай ўқитиш методлари таъминлайди?”

Ўзлаштирувчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Альгоритмли фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Қисман изланувчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Тадқиқотчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари

2) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологиясига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “**Б /Б /Б**” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → Кейс-стади таълим технологиясига бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

“Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологиясига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилади.

“Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Кўшимча маълумот
Кейс		
Кейс-стади		
Кейснинг педагогик паспорти		
Кейснинг педагогик аннотацияси		
Кейснинг дастурий картаси		

 АМАЛИЙ МАШГУЛОТДА қуидаги интерфаол үқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологияси бўйича билим ва кўнималарини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → Иқтисодий фанларни үқитишда замонавий таълим ва инновацион технологиялар сирасига киравчи Кейс-стади таълим технологиясидан фойдаланиш ғоясини таҳлил қилиш.

“SWOT - таҳлил” жадвали

S (кучли томони)	W (кучсиз томони)
O (имкониятлар)	T (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг анъанавий ва замонавий таълим бўйича билим ва кўнималарини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

Концептуал жадвал

Аспект таҳлили	Анъанавий таълим	Кейс-стади таълим технологияси
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишининг харакатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маъруза. АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Режса:

- 1) Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий тушунча ва атамалари;
- 2) Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий компонентлари (турлари).

Таянч сўзлар: адаптив жисмоний тарбия, жисмоний маданият, реабилитация, ижтимоий интеграция, турмуши тарзи, АЖТ компонентлари, адаптив жисмоний тарбия, адаптив жисмоний рекреация, адаптив спорт, адаптив ҳаракатли двигательная реабилитация, креатив (бадиий-музықий) танага мўлжалланган амалиётлар, ҳаракатли фаолликнинг экстремал турлари.

1.1. Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий тушунча ва атамалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, ҳар бир фуқаронинг саломатлигини муҳофаза қилиш, эркак ва аёлларнинг тенглиги, ҳар томонлама ривожланиш, фаровонлик ва ижтимоий ҳимояга шароитлар яратилиши давлат томонидан кафолатланади. (40, 42, 45, 46, 63, 64, 65-м). Жисмоний маданият ва реабилитациянинг замонавий меъёрий-хуқуқий ва институционал асосларини шакллантириш (“Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида”ги қонун, 1992 й., Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонун, 1992 й., “Фуқароларнинг саломатлиги муҳофазаси тўғрисида”ги, 1996 й., “Бола хуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун, 2008 й.) сконцептуал асосларни ишлаб чиқиш билан мос келади.

“маданият”, “жисмоний маданият” ва “адаптив жисмоний тарбия” тушунчалари – жуда мураккаб, кўп қиррали тушунчалар бўлиб, кўплаб таъриф ва талқинларга эга.

Маданиятнинг жисмоний маданият назариясига бирмунча яқин қўйидаги таърифлари фарқланади:

- инсон ижоди бўлиб, табиатда бундай кўринишдаги ижод намунаси яратилмаган;
- инсонни ривожлантириш усули ва чораси;
- инсон ва жамият фаолиятининг сифат тавсифи;
- моддий ва маънавий қадриятларни сақлаш, ўзлаштириш, ривожлантириш ва тарқатиш жараёни ва натижаси.

Ҳар бир таъриф “жисмоний маданият” тушунчасини кўриб чиқишида асос сифатида олиниши мумкин.

Маданият фаолият ва эҳтиёжлар билан узвий боғлик.

Фаолият – оламни ўзлаштириш, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун уни ўзгартириш жараёнининг турли-туман усул ва турларидан иборат. Эҳтиёж – бирор-бир нарсага муҳтожлик, ҳаётӣ ёки майший зарурат, шахс ва жамиятни ривожлантириш бўйича муҳим манба ва шароитлар, кишилар ижтимоий фаолиятининг мажбурий шартлари.

Одатда эҳтиёжларнинг икки – табиий ва ижтимоий тоифаси фарқланади.

Дастлабки эҳтиёжларга озиқ-овқат, сув, ҳаво, ҳаракат, кўпайиш ва авлодни ҳимоялашга эҳтиёж киради. Улар инсон ҳамда ҳайвонларга хос. Ижтимоий эҳтиёжларни шахс ва жамият эҳтиёжларига ажратиш мумкин.


Жамиятнинг янада муҳим эҳтиёжлари қаторига соғлом, яшовчан ва ҳаракатчан миллат яратиш, ҳар томонлама ривожланган ва баркамол инсон, унинг куч, қобилият ва истеъдодини эркин ва ҳар томонлама ривожлантириш зарурати киради. Шахс эҳтиёжлари орасида, масалан, инсонпарварлик нуқтаи назаридан (А. Маслоу), ҳавфсизлик ва ҳимоя, мансублик ва муҳаббат, ўзини ҳурмат қилиш, ўз-ўзини намоён этиш ёки шахсий такомиллашувга эҳтиёжларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расм).



1-расм. А.Маслоупирамидаси

Жисмоний маданият – инсон ва жамият маданиятининг бир тури. У инсоннинг ҳаётга ҳар томонлама тайёрлиги, унинг ҳолати ва ривожланиш даражасини мақбуллаштириш бўйича фаолият, унинг ижтимоий ва алоҳида аҳамиятли натижалари; инсон фаолиятининг ўзига хос натижаси ва жараёни, шунингдек, жисмоний машқлар, табиий-муҳитли ва гигиеник омиллар ёрдамида шахснинг ҳамма (жисмоний, ҳиссий-иродали, эстетик, ахлоқий) хусусиятларини такомиллаштириш ва уйғун ривожлантириш бўйича усул ва воситалардан иборат.

Мотор ҳаракат турлари



Жисмоний маданиятдан фарқли ўлароқ, адаптив жисмоний тарбияда соғлом кишилар эмас, балки бемор кишилар, шу жумладан ногиронлар ўрганиш ва ўзгартириш объекти ва ўзини-ўзи такомиллаштириш субъекти ҳисобланади. Бу ҳолат асосий фаннинг вазифа, принцип, восита ва усуларини жисмоний маданият учун ноодатий шуғулланувчиларга татбиқан сезиларлича, баъзан эса қатъий ўзгартириш (мослаштириш, тузатиш ёки ўзгача, мослаштириш)ни талаб этади. Бундан “адаптив жисмоний тарбия” тушунчаси юзага келади.

Адаптив жисмоний тарбия – саломатлик ҳолатида маълум нуқсонларга эга инсон, жумладан ногирон ва жамиятнинг жисмоний маданият тури (соҳаси). Бу соғлигида баъзи нуқсонларга эга инсон, жумладан ногироннинг ҳаётга ҳар томонлама тайёрлиги бўйича фаолият ва унинг ижтимоий ва алоҳида ахамиятли натижалари; комплекс реабилитация ва ижтимоий интеграция жараёнида унинг ҳолатини яхшалаш ва ривожлантириш; инсон фаолиятининг ўзига хос жараёни ва натижаси, шунингдек, саломатлигига маълум нуқсонларга эга шахснинг ҳамма жиҳат ва (жисмоний, интеллектуал, ҳиссий-иродавий, эстетик, ахлоқий) хусусиятларини жисмоний машқлар, табиий-муҳитли ва гигиеник омиллар ёрдамида такомиллаштириш ва уйғунлаштириш бўйича усул ва воситалардан иборат.

Адаптив жисмоний тарбия (АЖТ) – Бу жисмоний-соғломлаштирувчи ва спорт ҳарктерига эга бўлган мажмуа, имконияти чекланган шахслар соғлигида ижтимоий ҳаётга йўналтириш, ребилитация ва адаптацияси, психик тўсиқларни енгиб ўтиш, тўлақонли ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган омилларни енгишга тарбиялашдир.

“Адаптив” атамаси жисмоний тарбияси воситалари имконияти чекланган шахсларни соглигини тиклашга қаратилганлигини такидлайди. Бу жисмоний тарбия ҳамда унинг барча имкониятлари билан организмнинг ижобий функционал ҳарактанишига қизиқтирувчи, шу билан бирга ҳаракат координацияларини, жисмоний сифатлари ва қобилияtlари, ҳаёт хавфсизлигига қаратилган, организмни ривожлантириш ва такомиллаштиришдир.

“Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда (2015 й.) 31-модда “*Адаптив жисмоний тарбия ва адаптив спорт. Ногиронлар*

ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний реабилитацияси” киритилган. Бу қонунда акс эттирилган таърифларга мувофиқ:

“адаптив жисмоний тарбия жисмоний маданиятнинг ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний реабилитацияси бўйича воситалар комплексидан фойдаланувчи қисми ҳисобланади”;

“жисмоний реабилитация – жисмоний маданият ва спортнинг усул ва воситалари ёрдамида ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятга лаёқатлари ҳамда инсон организмидаги ўзгаришлар ёки вақтинча йўқотилган функцияларни тиклаш (ўзгартириш ва мувозанатни бирмунча тиклаш)”.

“адаптив спорт ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний реабилитацияси ва жисмоний мослашувига қаратилган”.

Адаптив жисмоний тарбия(АЖТ)ни ижтимоий амалиётнинг соғлигида нуқсонларга эга шахсларнинг психик камчиликларига “қарши кураш” бўйича йўналиши сифатида тавсифлаш мумкин.

“Реабилитация”, “ижтимоий интеграция”, “турмуши тарзи” тушиунчалари

“Реабилитация” атамаси лотинча *re* янгидан + *habilis* қулай, мослашган сўзларининг ҳосиласи бўлиб, қобилиятни тиклаш маъносини англатади.

У Тиббий атамалар энциклопедик луғатида “организмнинг бузилган функциялари, шунингдек, bemor ва ногиронларнинг меҳнат қобилияти ва ижтимоий функцияларини тиклаш (ёки қоплаш)га қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чоралар комплекси” сифатида таърифланади.

Айнан адаптив жисмоний тарбияда асосан соғлигида нуқсонларга эга шахс, жумладан, ногироннинг жисмоний (тана) компонентларига фаолият йўналиши ва мутахассис ҳамда шуғулланувчининг мос эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Бунда инсонда мавжуд нуқсонни тузатиш учун адаптив жисмоний тарбиянинг мавжуд усул ва воситаларини жалб этиш, мавжуд имкониятларни ишлаб чиқиш, ёндош касалликлар ва асосий нуқсон натижасида келиб чиқувчи

иккиламчи нуқсонларнинг олдини олиш муаммолари, бошқача айтганда, жамиятда шуғулланувчининг комплекс реабилитацияси ва интеграцияси муаммолари асосий ўринга чиқади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ҳаётидаги ўзгаришлар соғлигига нуқсонларга эга шахслар реабилитацияси муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш, ногиронлар реабилитациясини давлат даражасидаги муҳим вазифа сифатида англашни талаб этади.

Хозирги кунда **ижтимоий интеграция**, коида тариқасида, соғлигига нуқсонларга эга шахслар ва ногиронлар реабилитациясининг мақсади сифатида кўриб чиқилиб, у, биринчидан, статик жиҳатдан ногиронларнинг жамиятда эришилган ва қайд этилган ўрнининг, иккинчидан, алоҳида олинган ногиронларга татбиқан (яъни фақат якка ҳолатда) ҳам маълум ҳолати сифатида тушунилади.

“Ижтимоий интеграция” категорияси социологиянинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади ва “бошқарув ва ҳукуматнинг ижтимоий институтлари, гуруҳлари, эшишелонлари орасида мақбул алоқа боғлаш жараёни”ни белгилайди. Демак, ногиронларнинг ижтимоий интеграцияси ўз табиатига кўра, жараёнли бўлган ҳолда уларни реабилитация қилишнинг мақсади (яъни натижаси) сифатида намоён бўла олмайди

“Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида”ги қонун янги таҳрирининг (2015 й.) 31-моддасида қуйидагилар белгиланган: “*Тегишли таълим муассасаларида таҳсил олувчи ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар учун уларнинг алоҳида қобилийтлари и саломатлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда адаптив жисмоний тарбия ва адаптив спорт воситаларидан фойдаланиб, машғулотлар ташкил этилади*”.

Ижтимоий интеграция икки ижтимоий субъект, ушбу ҳолатда меъёрда ривожланаётган кишилар жамиятига қўшилишга интилаётган саломатлик ҳолатида нуқсонларга эга ва ногиронларнинг қарама-қарши ҳаракати, ўзаро икки томонлама яқинлашувни намоён этиб, соғлом кишилар бундай жараён учун қулай шароит яратишлари керак. Шу тариқа, ногиронлар

реабилитациясининг мақсади уларнинг меъёрда ривожланаётган кишилар турмуш тарзини амалга ошириш қобилиятини таъминлашдан иборат.

Шунинг учун ижтимоий реабилитациянинг мақсади сифатида “турмуш тарзи” тушунчасидан фойдаланиш таклиф этилади. У социологиянинг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланиб, кишиларнинг якка ва гурухий ҳаёт фаолиятининг уларнинг хатти-харакати, мулоқоти ва амалиётини ифодаловчи муайян ижтимоий-тарихий шароитларига хос ва ҳақиқатда мавжуд ва эскирган шаклларини белгилайди.

Шундай қилиб, саломатлик имкониятлари чекланган кишилар реабилитациясининг мақсади меъёрда ривожланаётган кишилар турмуш тарзини амалга ошириш қобилиятини таъминлашдан иборат.

Саломатлигида нуқсонларга эга шахсларнинг ижтимоий интеграцияси ижтимоий даражали ўлчамларда намоён бўлади.

Улардан биринчиси якка шахсий даража (масалан, ОЎЮ таҳсил олувчи имконияти чекланган талаба) ҳисобланади.

Иккинчиси кичик ижтимоий гурухни акс эттиради (масалантурли даражалардаги мусобақаларда иштирок этувчи имконияти чекланган спортчилар).

Учинчи ўлчам катта ижтимоий гурух даражасидаги имконияти чеклан шахсларни (гурухли жамоани) намоён этади. Турли ижтимоий институтлар, ҳукумат ва қонунчилик тузилмалари билан ўзаро таъсирда тегишли жамоатчилик ташкилотларига(кўзи ожизлар, карлар ва имконияти чекланганлар жамиятларига) бирлаштирилган имконияти чекланган кишилар мамлакатимизда айнан шундай тақдим этилган.

Демак, имконияти чекланган кишилар реабилитацияси – ижтимоий сиёsat соҳасидаги ўзига хос фаолият бўлиб, тибиёт, муҳандислик, психология ва педагогика технологияларини комплекс қўллаш асосида меҳнат, майший хизмат ва маданият соҳаларида имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий лаёқатлилик даражасини оширишни кўзда тутади ва бу аҳоли категориясининг ушбу ижтимоий-тарихий шароитлар учун норматив турмуш тарзини амалга оширишга тайёрлигини таъминлаш мақсадига эга.

Адаптив жисмоний маданиятнинг мақсади – табиатан инъом этилган ва мавжуд тана-харакат тавсифлари ва ирода кучидан фойдаланган ҳолда мақбул харакатланиш тартиби, ижтимоий ва алоҳида аҳамиятли субъект сифатида ўз-ўзини имкон қадар намоён этиш учун уларни уйғуллантириш ҳисобига саломатлигига жиддий нуқсонларга эга инсоннинг яшаш қобилиятини иложи борича ривожлантиришдан иборат.


Адаптив жисмоний маданиятнинг мақсади шуғулланувчилар билан бирга педагогнинг (ўқитувчи, мураббий, инструктор, услубчининг) ҳам бу соҳадаги фаолиятининг асосий мақсадини ифодалаш имконини беради.

Адаптив жисмоний маданият восита ва усуслари ёрдамида инсоннинг яшаш қобилиятини имкон қадар ривожлантириш, унда мақбул руҳий-жисмоний ҳолатни сақлаб туриш имкони чекланган ҳар бир инсонга ўз ижодий имкониятларини намоён этиш ва нафақат соғлом инсонларнинг натижалари билан тенглаштирилувчи, балки улардан ҳам ортиқроқ юксак натижаларга эришиш имкониятини тақдим этади.

Бунда саломатликдаги баъзи нуқсонлар иродали, мақсадга интилевчан ва руҳан тетик кишиларни тўхтата олмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун Амир Темур (Тамерлан), Франклин Рузвельт, Валентин Дикуль сингари инсонларни ёдга олиш етарли. Инсон фаолиятининг ҳар бир тури ва субъекларнинг ўзаро муносабатида зарур укув ва кўникмалар, хусусият ва қобилияtlарга эга бўлиш имконини берувчи адаптив жисмоний тарбия бу жараёнда (ҳаёт давомида имконияти чекланиб қолган кишилар учун) биринчи босқич бўлиши керак.

Адаптив жисмоний тарбиянинг мухим жихатларидан бири шуки, унда нерв-мушак харакати механизmlарини атрофлича чукур билиш ва назорат қилишдан иборат.

Адаптив жисмоний тарбияда ҳал этилувчи вазифалар ҳар бир инсоннинг аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши керак, баъзи вазифаларнинг устуворлиги қўп жиҳатдан адаптив жисмоний тарбиянинг компоненти (тури), таълим жараёнининг моддий-техник таъминоти ва ўкув материаллари ҳамда бошқа омиллар билан ифодаланади.



Умумий кўринишда адаптив жисмоний тарбиядаги вазифаларни икки гурухга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ шуғулланувчилар – имконияти чекланган кишиларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, булар коррекция, компенсатор ва профилактика вазифаларидир. Иккинчи гурухга жисмоний тарбия учун анъанавий – талим, тарбия ва соғломлаштириш-ривожлантириш вазифалари киради.

Адаптив жисмоний тарбияда имконияти чекланган инсон эътибор обьекти бўлгани учун бу фаолият турининг улкан имкониятларидан фойдаланиб, мавжуд какмчиликни тузатиш, имкни бўлса, унинг асосий нуқсонини коррекциялаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, бирор-бир нуқсон қанча эрта аниқланса, уни тузатиш имконияти шунча каттадир.

Коррекция вазифалари хақида фикр билдирилганда, нафақат таянч-харакат тизимидағи номутаносибликлар (гавдани тутиш, яссиоёқлик, семириш), балки сенсор тизимлар (кўриш, эшитиш), нутқ, интеллект, ҳиссий-иродавий соҳа,

жисмоний функционал тизимлар ҳам назарда тутилади. Масалан, кўзни ҳаракатлантириш мушакларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар кўриш қобилияти яхшиланишига сабаб бўлиши мумкин; моддий шаклда ақлий ҳаракатларни шакллантириш босқичи бу жараённинг самарадорлигини сезиларлича оширади; мушакларни ихтиёрий бўшата олишга ўргатиш психологик “сиқилишлар”ни бартараф этиш, ҳиссий ҳолатни яхшилаш имконини беради.

Коррекциялаш ишлари асосий нуқсон билан бирга ёндош касалликлар, шунингдек, асосий нуқсон натижасида юзага келган иккиламчи камчиликларга нисбатан қўлланиши мумкин.

“Нуқсон тузилмаси” тушунчасига бирламчи, иккиламчи нуқсонлар ва сақланиб қолувчи функциялар киради, яъни мутахассислар текширув натижасида биологик бузилишлар – қобиқнинг зараланиши, иккиламчи нуқсон – жамият ва социум билан боғлиқ жиҳатларни аниқлашлари керак. Энг ёмони бирламчи нуқсонлар коррекцияга тортилади, иккиламчиларини эса тузатиш мумкин. Коррекция сақланиш функциясида кечади.

2 та: бирламчи ва иккиламчи нуқсон фарқланади. Бирламчи нуқсонлар касаллик туридан келиб чиқиб, биологик омил (миянинг органик шикастланиши) билан боғлиқ. Биологик номутаносибликлар жуда оғир бўлиб, касаллик кўринишидан келиб чиқади. Иккиламчи нуқсонлар бола ривожланишининг ижтимоий вазияти билан тўлиқ ифодаланади. Агар ижтимоий вазият ўзгартирилса, иккиламчи белгилар бўлмайди. Иккиламчи нуқсонлар шаклланишида ижтимоий депривация – ижтимоий алоқаларнинг чекланиши алоҳида ўринга эга. Коррекцияни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, компенсаторли вазифалар (кўзи ожизларда муҳит-вақт мўлжалини шакллантириш, сақланган сенсор тизимларни “машқ қилдириш”, протезларда юришга ўргатиш ва ҳоказолар) дастлабки ўринни эгаллайди.

Нихоят, бирор-бир нуқсон, бирор-бир касаллик мажбурий профилактика ишлари(профилактика вазифаларини ҳал этиш)ни талаб этади. Масалан, инсоннинг ҳаракатчанлигини чеклаш гиподинамиявагипокинезия билан

ифодаланувчи касалликлар профилактикаси бўйича мақсадли фаолиятни қатъий талаб этади.

Қайд этилган вазифалар баъзи билим, укув ва қўникмаларни ўргатиш (таълим вазифалари); шуғулланувчиларнинг баъзи шахсий хусусиятларини тарбиялаш (тарбия вазифалари); уларнинг жисмоний сифат ва қобилиятларини ривожлантириш, оёқ мушакларини мустаҳкамлаш, гавдани тутишни такомиллаштириш (соғломлаштириш-ривожлантириш вазифалари).

Адаптив жисмоний тарбияда педагог ва шуғулланувчиларнинг касбий фаолият предмети имконияти чекланган кишилар билан ишлаш, уларни комплекс реабилитация қилиш жараёнида қўрсатиб ўтилган вазифаларни мақсадли ҳал этиш, шунингдек, муайян тарихий шароитларга хос турмуш тарзини амалга ошириш, унинг тегишли даражасига эришиш ҳисобланади.

1.2. Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий компонентлари(турлари)

Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий турлари –имконият чекланган кишининг ушбу ижтимоий-тарихий шароитлар учун меъёрий турмуш тарзини амалга ошишга тайёрликни таъминловчи табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини фарқлашдан иборат. Имконияти чекланган шахслар эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда адаптив жисмоний тарбиянинг қўйидаги компонентлари(турлари)ни фарқлаш мумкин.

Адаптив жисмоний тарбиянинг компонентлари (турлари)



Адаптив жисмоний тарбия –адаптив жисмоний тарбиянинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларда маҳсус билим, ҳаётий ва қасбий жиҳатдан зарур ҳаракатли укув ва малакаларни шакллантириш; асосий жисмоний ва маҳсус сифатларнинг кенг доирасини ривожлантириш, турли орган ва тизимларнинг функционал имкониятларини ошириш; уларнинг мавжуд тана-ҳаракат сифатларидан фойдаланиш ва сақлаш ҳисобига меҳнат майший фаолиятни амалга оширишда шахс эҳтиёжларини қондира олади.

Адаптив ҳаракат реакцияси адаптив жисмоний тарбиянинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларда дунёқараш, гедонизмнинг фалсафий қарашларини шакллантириш, уларнинг рекреация тизимидағи асосий усул, восита ва йўлларни ўзлаштириш ҳисобига шахснинг дам олиш, қўнгилочиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фаолият турини ўзгартиришга эҳтиёжини қондира олади.

Адаптив спорт как адаптив жисмоний маданиятнинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларни спорт маданияти билан таништириш, уларнинг муайян спорт турининг техникаси, тактикаси ва бошқа

компонентларини ўзлаштириши ҳисобига шахснинг мусобақа ва коммуникация фаолияти, ўз қобилиятларини намоён этиш, уларни бошқа кишилар қобилиятлари билан қиёслашга эҳтиёжини қондира олади.

Адаптив жисмоний реабилитация адаптив жисмоний маданиятнинг тури сифатида имконияти чекланган кишининг организмни тезроқ тиклашни рағбатлантирувчи табиий, экологик жиҳатдан ўзини оқлаган воситаларни ўзлаштириши; унга тегишли машқлар комплекси, чиниқтирувчи ва термик муолажалар ва бошқа АЖТ воситаларидан фойдаланишга ўргатиш ҳисобига унинг вақтинча йўқотилган ёки бузилган функцияларни (асосий касаллик туфайли узоқ вақт йўқотилган ёки бузилган функциялардан ташқари) тиклашга эҳтиёжини қондира олади.

Креатив(бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётлар тур сифатида имконияти чекланган кишиларнинг танага мўлжалланган эртак орқали даволаш, ўйин орқали даволаш, шакл ўзгартирувчи ритмик пластикани ўзлаштириш ҳисобига ижодий такомиллашув, ҳаракатлар, мусиқа ва тимсоллар (шу жумладан, бадиий тимсоллар), санъатнинг бошқа турлари орқали маънавий моҳиятни ифодалашга эҳтиёжларини қондира олади.

Ҳаракат фаолигининг экстремал турлари тур сифатида имконияти чекланган кишиларнинг хавфсизликни таъминлаш техникаси, тактикаси ва воситалари ҳамда ҳаракат фаолиятининг экстремал турларидаги компонентларни ўзлаштириш ҳисобига саломатлик учун объектив ёки субъектив жиҳатдан хавфли хатар, ўзини ноодатий, экстремал шароитларда синашга уринишга эҳтиёжларини қондира олади.

АЖТ турлари	Соғлиги суст ва имконияти чекланган шахсларнинг эхтиёжлари
Адаптив жисмоний тарбия	Жисмоний маданиятга ижобий ва фаол муносабатлар шаклланиши, хаёт фаолиятига таёргарликка бўлган эхтиёжлар
Алаптив спорт	Комуникатив фаоллик ва ижтимоилашув, ўз дорзаблигига, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга бўлган эхтиёжлар
Адаптив ҳаракатлар рекреацияси	Сухбат, фаолият турини ўзгартириш, дам олиш, қўнгил хушликка бўлган эхтиёжлар
Адаптив жисмоний реабилитация	Вақтинчи ишлатилиб бўлан функциялар, даволанишга бўлган эхтиёжлар
Танага йўналтирилган креактив амалиёт	Маънавий ахамиятнинг намоён бўлишига, ўз долзарблигига, ижодий ривожланишга бўлган эхтиёжлар
Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари	Юқори босимда таваккал қилишга бўлган эхтиёжлар

Адаптив жисмоний тарбий компонентлари(турлари)ни тўлиқроқ кўриб чиқайлик.

Адаптив жисмоний тарбия (таълим) – адаптив жисмоний маданиятнинг компоненти (тури) бўлиб, имконияти чекланган шахснинг турмуш, майший ва меҳнат фаолиятига тайёргарлик; адаптив жисмоний маданиятга ижобий ва фаол муносабатни шакллантиришга эҳтиёжини қондира олади.



Адаптив жисмоний тарбияжараёнида имконияти чекланган кишиларда маҳсус билим, ҳаётин ва қасбий жиҳатдан муҳим сенсорли-перцептив ва ҳаракатли уқув ва кўникмалар шаклланади; асосий жисмоний ва руҳий хусусиятлар ривожланади; турли орган ва тизимларнинг функционал имкониятлари ошади; мавжуд тана-харакат тавсифлари янги қўринишида ривожланади, сакланади ва улардан фойдаланилади.

Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий мақсади шуғулланувчиларда ўз кучларига онгли муносабатда бўлиш, уларга қатъий ишонч, дадил ва қатъий ҳаракатларга тайёрлик, субъектнинг тўлақонли ҳаракатланиши учун зарур жисмоний юкламаларни енгиш, шунингдек, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш ва валеология тавсияларига биноан соғлом турмуш тарзини амалга оширишга эҳтиёжни шакллантиришдан иборат.

Агар Л.П.Матвеев таклиф этаётган атамаларни ёдга олсак, у ҳолда адаптив жисмоний тарбия(таълим)нинг мазмунига адаптив асосий (мактаб) ва адаптив қасбий-амалий жисмоний тарбиянинг мазмuni ҳам киритилганини назарда тутиш лозим.

Адаптив жисмоний тарбия жараёни, бола туғилиши ёки унда бирор-бир нуқсоннинг аниқланишидан бошланиб, асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи камчиликларни тузатиш, ҳаёт фаолиятини амалга ошириш бўйича компенсацияли механизmlарни ишлаб чиқиш, агар тузатишнинг иложи бўлмаса, профилактика ишларига муҳим эътибор қаратиш зарур.

Айнан шу ерда жисмоний машқлар бўйича машғулотлар жараёнида ақлий, сенсор-перцептив, ҳаракатли таъсир ва тушунчалар ўзлаштирилиб, ақлий, ахлоқий, эстетик, меҳнат ва бошқа тарбия турлари амалга оширилганда фанлараро алоқа деб аталувчи соҳага муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Б.16-36; 2. Б.5-20; 3. Б.29-35, 51-35; 4. Б.17-25.

АЖТ жараёнининг концептуал мазмуни



Инсон ҳаётий ва касбий жиҳатдан муҳим уқув ва қўнималар (протезда юриш, кўриш қобилияти йўқотилганда муҳитни мўлжаллаш)ни қайтадан ўрганишига тўғри келганида, орттирилган нуқсон вазиятида адаптив жисмоний маданиятнинг бу компоненти жуда муҳимдир.

Адаптив спорт – адаптив жисмоний тарбиянинг компоненти (тури) бўлиб, шахснинг ўзини намоён этиш, ўз қобилиятларини акс эттириш, уларни бошқа кишилар қобилиятлари билан қиёслаш, умуман ижтимоийлашувда коммуникатив фаолиятга эҳтиёжларни қондиради.

Кўпгина касалликлар ва ногиронлик турларида адаптив спорт инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири – ўзини намоён этиш эҳтиёжини қондиришнинг деярли ягона имконияти ҳисобланади, чунки касбий меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолият турлари ноқулай бўлиб қолади.

Адаптив спортнинг мазмуни (асосий шунингдек, юқори ютуқлар сифатида) аввало, имконияти чекланган кишиларда (айниқса, истеъододли ёшларда) юқори спорт маҳоратини шакллантириш ва саломатлигида шундай муаммоларга эга кишилар билан мусобақаларда унинг турли шаклларида энг юқори натижаларга эришишга қаратилган.

Адаптив спортнинг моҳиятли асосини мусобақа фаолияти ва унга мақсадли тайёргарлик, қулай биологик даражада максимал адаптив-компенсаторли имкониятларга эришиш, сақланиб қолган функциялар ҳисобига якка ҳолдаги спорт техникасини такомиллаштириш ташкил этади. Мусобақаларга тайёргарлик шифокорлик-педагогик жараёни сифатида кўриб чиқилиб, бунда имконияти чекланган спортчининг жисмоний, интеллектуал, ҳиссий-рухий имкониятларини амалга ошириш, эстетик, ахлоқий, маънавий эҳтиёжларини қондирувчи, жисмоний барқамоликка интилишни таъминловчи даволаш ва педагогика воситалари мақбул нисбатда қўлланилган.

Ҳозирги кунда адаптив спорт асосан йирик халқаро паралимпия, маҳсус олимпия ва сурдолимпия ҳаракатлари доирасида ривожланади.

Ижтимоий-маданий ўлчамда инсон танаси муаммоларини кўриб чиқувчи концепциядан келиб чиқсан ҳолда айнан адаптив спорт ўқув-машқ жараёни ва турли (халқаро мусобақаларни киритган ҳолда) мусобақалар тизимида имконияти чекланган кишиларнинг мажбурий иштироқи билан улар танасининг айнан маданий мавжудлиги учун кўпроқ мос келувчи шароитлар яратиб, унинг муҳим атрибути мулоқот икки “Мен”нинг сухбатдаги иштироқи ҳисобланади.

Адаптив спортнинг асосий мақсади имконияти чекланган кишининг спорт маданияти шаклланиши, уни ушбу соҳадаги ижтимоий-тарихий тажрибага ошно қилиш, жисмоний маданиятнинг ҳаракатчан, технологик, интеллектуал ва бошқа қадриятларини ўзлаштиришдан иборат.

Адаптив спортниижтимоий ҳодиса сифатида имконият чекланган шахсларга жамиятда амалга оширилувчи муносабатларнинг аксиологик концепциясига объектив баҳо бериш имконини берувчи лакмусли қоғозга қиёслаш мумкин: уларни ҳақиқатда ўзини-ўзи намоён этишда ривожланиш йўлини мустақил танлаш ҳукуқига эга кишилар сифатида ўзимизга тенг ҳисоблаймизми ёки уни фақат юзаки эълон қиласизми?

Адаптив ҳаракат рекреацияси –адаптив жисмоний тарбия компонент (тури) бўлиб, имконияти чекланган кишининг дам олиш, кўнгилочиш, бўш вақтни қизиқарли ўтказиш, фаолият турини алмаштириш, хаётдан баҳра олиш, мuloқотга эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Адаптив ҳаракат рекреациясининг мазмуни имконияти чекланган кишининг бирор-бир фаолият тури (мехнат, ўқиш, спорт ва ҳоказо) билан шуғулланиш вақтида сарфланган жисмоний кучини тиклаш ёки сақлаб туриш, фаоллаштириш, чарчоқни профилактика қилиш, кўнгилочиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва умуман, соғломлаштириш, кондицияни яхшилаш, қониқиши орқали ёки чин дилдан яшовчанлик даражасини оширишга қаратилган.

Адаптив ҳаракат рекреациясидан кўпроқ самара, унинг асосий ғояси машғулот воситалари, шакл ва усулларини эркин танлаш ҳисобига шуғулланувчиларнинг манфаатдорлиги ва руҳий хотиржамлигини таъминлашдан иборат, зарур бўлса, уни профилактик тиббиётнинг соғломлаштирувчи технологиялари билан тўлдиришни кутиш лозим.

Адаптив ҳаракат рекреациясининг асосий мақсади имконияти чекланган шахсни тарихий амалиётда текширилган гедонизм фалсафаси (принципи)ни тарғиб этган Эпикурнинг дунёқарашни сингдириш, унинг рекреациянинг асосий усул ва йўлларини ўзлаштиришидан иборат.

Унга хос хусусиятлар восита ва ҳамкорларни эркин танлаш, бошқа фаолият турларига ўтиш, алоқалар кенглиги, ўзини-ўзи бошқариш, ўйин фаолияти, ҳаракатдан баҳра олиш ҳисобланади.

Имконияти чекланган кишилар учун адаптив ҳаракат рекреацияси – нафақат ўзини биологик жиҳатдан оқлаган ўзини-ўзи тартибга солувчи ҳаракат

фаоллиги, қувват берувчи ҳиссий ҳолат, саломатлик ва иш қобилияти, балки ёпиқ муҳитни енгиш, руҳий ҳимоя, мулоқот имконияти, машғулотлар шакли ва турини танлашда истаклар, таъб ва шахсий манфаатларни қондиришдан иборат.

Орттирилган ногиронлик ва оғир касаллик ҳолатида адаптив ҳаракат рекреациясиадаптив жисмоний маданият(адаптив жисмоний тарбия, адаптив спорт)га ошно қилиш ва стрессни енгишда дастлабки қадам, биринчи босқич бўлиши мумкин ва бўлиши шартдир. Атама нуқтаи назаридан тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия институтлари учун ўқув қўлланмада Л.П.Матвеев жисмоний маданиятнинг ушбу турини (кундалик турмуш тартиби доирасида) гигиеник жисмоний маданиятга киритган ҳолда фонли жисмоний тарбия деб номлайди.

Адаптив жисмоний реабилитация—адаптивжисмоний маданият компоненти (тури) бўлиб, имконияти чекланган кишида даволаниш, вақтинча йўқотилган (асосий касаллик сабабли узоқ муддатга йўқотилган ёки бузилган ёки умуман йўқотилган функциялардан ташқари) функцияларинитиклашга эҳтиёжини қондиради.

Адаптив жисмоний реабилитациянинг асосий мақсади имконияти чекланган кишиларнинг бирор-бир касалликкка нисбатан руҳий таъсирини шакллантириш, организмни тезроқ тиклашга рағбатлантирувчи табиий, экологик жиҳатдан ўзини оқлаган воситалардан фойдаланиш, уларни жисмоний машқларнинг тегишли комплекслари, гидровиброуқалов ва ўзини-ўзи уқалаш, чинқитиравчи ва термик муолажалар ва бошқа воситалар (Су-Джок акупунктура ва ҳоказо)дан фойдалана олишни ўргатишдан иборат.

1. Б.135-158; 2. Б.55-67; 3. Б.229-249; 4. Б.26-42; 5. Б.19-42.



Имконияти чекланган кишиларнинг алоҳида нозологик гурухларида, асосан, таянч-харакат аъзолари шикастланганда ҳаракат орқали даволаш тиббиёт стационарида якунланмай, умр давомида ўзини-ўзи реабилитациялаш асосида давом этади. Шу муносабат билан, тиббиётда “жисмоний реабилитация” атамасидан вақтинча ўз функцияларини йўқотган имконияти чекланган кишилар билан ишни белгилаш учун фойдаланилади. Кейинги ўринларда муаллиф “жисмоний реабилитация” атамасидан фойдаланади.

Адаптив жисмоний маданиятнинг креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиёти – адаптив жисмоний маданиятнинг компоненти (тури) бўлиб, имконияти чекланган кишининг ўзини-ўзи намоён этиш, ўзини-ўзи ижодий ривожлантириш, ҳаракат, мусиқа, тимсол (шу жумладан бадиий), санъатнинг бошқа воситалари орқали маънавий моҳиятини ифодалашга эҳтиёжларини қондиради. Шубҳасиз, ижодий жиҳат адаптив жисмоний маданиятнинг ҳамма кўрсатиб ўтилган компонентлари (турлари)да мавжуд, бироқ айнан шу ерда у АЖМ мазкур турининг моҳияти, асосий, етакчи мақсади ҳисобланади.

Айнан креатив танага мўлжалланган амалиётларда жисмоний машқлар билан шуғулланишда инсоннинг маънавий ва тана хусусиятларини бирлаштириш фаолиятнинг мажбурий, қатъий атрибути ҳисобланиб, адаптив жисмоний маданият усиз мавжуд бўла олмайди.

Фрагментлар, элементлар, баъзан эса, илмий-услубий расмийлаштирилган креатив танага мўлжалланган амалиётлар тизими қуйидагиларда қўлланилади:

- эртак билан даволаш;
- ўйин билан даволаш;
- шаклни ўзгартирувчи ритмик пластика;
- стрессга қарши пластик гимнастика;
- ҳаракат пластикаси;
- психиатрия ва психик таҳдил,
- психосоматик ўз-ўзини тартибга солиш тизими;
- менталь тренинг;
- нейролингвистик дастурлаштириш;
- яхлит ҳаракат тизими;
- даволаш релаксация пластикаси;
- танага мўлжалланган актернинг психик техникаси;
- психик гимнастика.

Бу адаптив жисмоний маданиятнинг ушбу тури ҳақиқатда амалиётда зарур экани, бу боб муаллифининг фикрича, адаптив жисмоний тарбия, адаптив спорт, адаптив ҳаракат рекреацияси ва жисмоний реабилитацияга креатив танага мўлжалланган амалиётларни “киритиш” иложсиз эканини тасдиқлайди.

Креатив(бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётларнинг асосий мақсади деб имконияти чекланган кишиларни ўзини-ўзи намоён эта олиш, ижодий ривожланиш, фаолликдан қоникиш, жисмоний зўриқиши (“сиқилиш”ни) камайтириш, охир-оқибатда уларни адаптив жисмоний маданиятнинг бошқа турлари билан шуғулланишга жалб этиш имконини берувчикулай фаолият турларига ва истиқболда касбий меҳнат фаолиятига ошно қилиш ҳисоблаш мумкин.

Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари – адаптив жисмоний маданиятнинг компонентлари (турлари) бўлиб, имконияти чекланган кишиларнинг хатар, юқори кескинлик, ўзини объектив ва (ёки) субъектив жиҳатдан саломатлик ва ҳатто ҳаёт учун хавфли ноодатий, экстремал шароитларда синаш эҳтиёжини қондиради.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг бундай эҳтиёжлари биологик шарт-шароитларга асосланади. Масалан, хатар, ҳаёт учун хавфли ҳолат билан боғлиқ янги тажрибага эга бўлишга эҳтиёж механизмлари инсоннинг фрустрация, депрессия ҳолатларини профилактика қилиш вазифасини бажарувчи ўз эндоген опиат тизимини фаоллаштиришга эҳтиёжи билан ифодаланиши кўрсатилган.

Дельтапланеризм, парашют ва тоғ чанғи спорти, чўққига чиқиш, альпинизм, серфинг, юқоридан сакраш ва сузиш ҳавода эркин пастлашиш, тананинг тезкор кўчиши ва айланиши, кескин тезлашув ҳолати билан боғлиқ “кучли” ҳаяжонга сабаб бўлиб, улар, ўз навбатида, эндоген опиат тизимини фаоллаштиради, эндорфинлар – “баҳт” гармонларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бунда қўрқув ҳиссини енгиш инсонда ўзини хурмат қилиш, шахсан намоён этиш даражаси сезиларлича ошиши, социумнинг элитар гуруҳларига мансубликни ҳис этишга олиб келади. Замонавий нейробиологик тадқиқотларга кўра, алкоголь ва наркотикка мойиллик шаклланишининг муҳим сабаби эндоген опиат тизимининг гипофункцияси ҳисобланади.

Ҳаракат фаоллиги экстремал турларининг асосий мақсади руҳий номукаммаллик (ўз кучига ишончсизлик, ўзини етарлича хурмат қиласлик) ҳисларини енгиш; ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг зарур шартлари сифатида сезиларлича зўриқишлигарга эҳтиёжни шакллантириш; имконияти чекланган кишиларда фрустрация, депрессия ҳолатларида саломатлиқда тўлақонли ҳаётни ҳис эттириш ҳисобланади.

Адаптив жисмоний маданиятнинг кўрсатиб ўтилган турлари бир томондан,, мустақил кўринишга эга, чунки уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини ҳал этади, ўз тузилмаси, шакли ва мазмун хусусиятларига эга; бошқа томондан,

улар ўзаро узвий боғлиқ. Зеро, адаптив жисмонийтарбия жараёнида иккиламчи нуқсонларни коррекция ва профилактика қилиш мақсадида даволаш жисмоний тарбияси элементларидан фойдаланилади; рекреатив машғулотлар эса ўйин фаолияти; элементар спорт мусобақаларига эҳтиёжни қондириш, ривожлантириш, ўзгартириш учун қўлланилади. Кўпгина имконияти чекланган спортчилар стационар шароитдаги жисмоний реабилитациядан рекреатив соғломлаштириш спорти ва юқори натижалар спортига аста-секин ўтадилар.

Агар соғлом инсон учун ҳаракатланиш фаолияти ҳар куни амалга ошириувчи табиий эҳтиёж бўлса, имконияти чекланган киши учун эса яшаш қобилиятнинг объектив шартлари, мавжуд усулидир(С.П.Евсеев). У мустақиллик ва ўз кучига ишонч бағишлайди, билимлар ва мулоқот доирасини кенгайтиради, қадриятларни ўзгартиради, маънавий дунёни бойитади, ҳаракатланиш имкониятини яхшилайди, яшаш фаоллиги, жисмоний ва руҳий саломатликни оширади, бинобарин, биологик ва ижтимоий мавқени ижобий ўзгартириш имкониятларини очади.

Шу тариқа, умуман, адаптив жисмоний маданият ва унинг ҳамма турлари сақланиб қолган функциялар, мавжуд соғлик, табиий ресурслар ва маънавий қувватдан фойдаланган ҳолда яшаш фаолиятининг табиий рағбати сифатида оқилона ташкил этилган ҳаракат фаоллиги ёрдамида тўлақонли турмуш, ўзини намоён этиш ва ижод, ижтимоий фаоллик ва соғлом кишилар жамиятига интеграцияланиш учун шахс ва организм имкониятларини максимал даражада амалга оширишга қаратилган.

Назорат учун саволлар:

- 1) “Адаптив жисмоний маданият” атамасини қандай тушунасиз?
- 2) “Реабилитация” атамаси нимани англатади?
- 3) Имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий интеграцияси қандай йўллар билан юз беради?
- 4) Адаптив жисмоний маданият машғулотларида турмуши тарзи қандай ўзгаради?
- 5) Адаптив жисмоний маданият компонентлари(турлари)ни санаб беринг.

- 6) “Адаптив жисмоний тарбия” атамасини қандай тушунасиз?
- 7) Адаптив жисмоний рекреация қандай ташкил этилади?
- 8) Адаптив спортнинг қандай йўналишиларини биласиз?
- 9) Адаптив ҳаракат реабилитацияси билан кимлар шугулланади?
- 10) Креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжсалланган амалиётларга нималар киради?
- 11) Ҳаракат фаолигининг экстремал турлари нима учун керак?

Адабиётлар:

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
 2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.
 3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
 4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
 5. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.
-
- 6 www.ziyonet.uz
 - 7 www.zoj.ru
 - 8 www.libsport.ru
 - 9 www.bmsi.ru
 - 10 www.ocw.mit.edu
 - 11 www.edx.org
 - 12 www.universarium.org

2-маъруза. АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВОСИТАЛАРИ ВА УСЛУБИ

Режса:

1) Адаптив жисмоний маданиятда педагогик таъсир объектининг тавсифи.

2) Адаптив жисмоний маданиятда машғулотларни ташкил этиши шакл ва воситаларини танлаш хусусиятлари.

Таянч сўзлар: педагогик таъсир, патология, нозология, гурухлар, умумий ва ўзига хос вазифалар, АЖМ, машқлар, машқлар тавсифи.

2.1. Адаптив жисмоний маданиятда педагогик таъсир объектининг тавсифи

Педагогика жараёнини ташкил этиш учун таълим фаолиятининг дидактик йўналишлари ва принципларини аниqlаш, ушбу тоифадаги кишиларнинг саломатлик даражаси, жисмоний, руҳий, шахсий хусусиятларини билиш зарур, чунки педагогик таъсир объектининг хусусияти ҳар бир таълим жараёнининг дастлабки шарти ҳисобланади.

Бундай кишилар категорияси турли-туман: нозология бўйича (кўришқобилияти, эшитиш, нутқ, интеллект, таянч-ҳаракат аъзолари, марказий асаб тизими, шунингдек, мос шакллари зараланиши); ёш бўйича (туғилгандан қарилликка қадар), нуқсоннинг тузилиши ва оғирлик даражаси, юзага келиш вақти бўйича (туғилишда ёки ҳаёти давомида), касалликнинг кечиш қўриниши ва сабаблари, тиббий прогноз, ёндош касалликлар ва иккиласми касалликлар мавжудлиги, сақланган қункциялар ҳолати, ижтимоий мавқе и бошқа белгилар бўйича.

Имконият чекланишига сабаб бўлган ҳар бир нуқсон хатти-ҳаракатнинг мажбурий шакли сифатида камҳаракатлик билан давом этиб, гиподинамияга сабаб бўлади, у ўз навбатида қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради: ижтимоий алоқалар ва ўзини намоён этиш шартлари бузилиши, иқтисодий ва майиший мустакилликнинг йўқолиши, бу қатъий ҳиссий стрессга сабаб бўлади. Катта ёшда тасодифий ногиронлик кўпинча руҳий номукаммаллик ҳолатлари

билин давом этиб, хавотир, ўзига ишончни йўқотиши, пассивлик, яккаланиш ёки худбинлик, тажанглик, кўпинча эса ижтимоий ҳолатга қарши ҳолатлар билан ифодаланади.

Адаптив жисмоний тарбия функциялари



Имконияти чекланган болаларга табиий (биологик) хамда руҳий-жисмоний ривожланишда дизонтогенез ва ретардация юзага келиши хос бўлиб, бу боланинг ҳаракат, ўйин, ҳиссиёт, мулоқотга табиий эҳтиёжлари танқислигига сабаб бўлади ва таълим олиш жараёнини мураккаблаштиради.

Боланинг аномал ривожланиши доимо ҳаракат функциялари ёмонлашуви, ҳаракат ва руҳий соҳада иккиласми нуқсонлар билан давом этади. Бундай болалар жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича соғлом тенгдошларидан 1-3 ёш ва ундан кўпроқ йилга оқсайдилар.

Турли нозологик гурухларда ўзига хос иккиламчи нүқсонлар

Кўриш қобилияти бузилиши	Эшлиш қобилияти бузилиши	Интеллект бузилиши	Таянч-харакат аъзолари шикастланиши		
			церебрал	орка кисм	ампутациялар
Қомат бузилиши, умуртқа қийшайиши, яссиоёқлик, нафас олиш мушаклари заифлиги. Мухитдаги тимсоллар, ўз-ўзини назорат ва тартибга солиш, ҳаракатларни жамлаш даражаси бузилиши. Нафас олиш аъзолари, юрак-қон томир тизими, модда алмашинуви касалликлари, невроз. Эшлиш аъзолари касалликлари, минимал мия дисфункцияси. Тез чарчаш	Жисмоний ривожланишда дисгармония, Қомат бузилиши, умуртқа қийшайиши, оёқ панжаси қийшайиши. Нафас олиш тизими касалликлари, вегетатив-соматик бузилишлар, вестибуляр аппарат функциялари бузилиши, руҳий ва ҳаракат ривожланиши оқсаши, нутқ, хотира, эътибор, тафаккур, мулоқот функциялари бузилиши. Тез чарчаш, ҳаракатлар суръати, мувозанат, таъсирланиш қобилияти бузилиши, Мухит-вақтни фарқлаш қобилияти бузилиши	Дисплазия, қоматнинг ҳолати бузилиши, оёқнинг юзаси ва умуртқа қийшайиши, жисмоний ривожланишдағи дисгармония, ҳаракатларни мувофиқлаштириш даражаси бузилиши. Тұғма юрак нүқсонлари, ички аъзолар касалликлари, Эндокрин бузилишлар, сенсорли оқсашлар. Асаб жараёнларида ҳаракат ва кучнинг камайиши, ўрганиш фаолияти, юкори руҳий функциялар: тафаккур, хотира, нутқ, ҳиссий-иродавий соҳа бузилиши, МАТ анализик-синтетик фаолияти бузилиши	Жисмоний ривожланишдағи дисгармония, таяниш қобилияти, мувозанат, бўйлама туриш ҳолати, мухитда ҳаракатланиш ҳолати бузилиши, Микро ва макро ҳаракат мувофиқлашув и бузилиши. Умуртқа остеохондрози, мушак гипотрофияси, остеопороз, контрактура. Юрак-қон томир ва нафас олиш тизими фаолияти бузилиши, ишлаш қобилияти пасайиши ички аъзолар касалликлари, кўриш, эшлиш, интеллект бузилиши.	Тос аъзолари функцияси бузилиши, уродинамика. Вегетатив функциялар бузилиши мушакларнинг котиб қолиши. Остеопороз. Юкори (бўйин)шикастланишда – нафас олиш тизими бузилиши и, гемодинамика. Суст фалажда мушаклар атрофияси - Бўғимларнинг қийин ҳаркатланиши контрактура, спастика. Ихтиёрий ҳаракатлана олмаслик	Тартибли механизмлар бузилиши, асаб-мушак ва сүяқ тўқималарининг дегенератив, контрактура ўзгариши, қон айланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш тизими бузилиши, шамолллаш. Модда алмашинуви бузилиши, семириш. Умумий иш қобилияти камайиши, фантомли оғриқлар

Зеро, интеллекти бузилган кишиларда МАТ шикастланиши натижасида жисмоний ва руҳий ривожланиш нуқсонли давом этади, бунда нафақат асабрухият, балки соматик функциялар (юрак-қон томир тизими, ошғозон-ичак фаолияти), сүяк, мушак, эндокрин, сенсор тизимлар, юқори руҳий функциялар: нутқ, тафаккур, эътибор, хотира, ҳиссиётлар ва шахснинг ўзи етарлича ривожланмай қолади

Кўриш қобилиятини тўлиқ ва қисман йўқотиши кишиларнинг яшаш тарзини сезиларлича ўзгартиради. Мухитдаги тимсоллароламни ҳиссий ўрганиш, ўз-ўзини назорат ва тартибга солишининг бузилиши ёндош касалликлар билан давом этади. 40% болада минимал мия дисфункцияси (МАТ бирмунча шикастланиши) мавжуд, 30%дан ортиқ бола соматиккасалликлар (пиелонефрит, нафас олиш ва юрак-қон томир тизими касалликлари), 80 % бола невроздан азият чекади.

Иккиласми нуқсонларда умумий ва нафас олиш мушакларининг заифлиги, умуртқа қийшайиши, оёқ юзасининг қийшайиши кузатилади, бу табиий ҳолатда жисмоний тайёргарлик, иш қобилияти, боланинг ҳаракатларида салбий акс этади. Қоматнинг бузилиши 80 % кўзи ожиз ва кўриш қобилияти суст болаларда кузатилади.

Эшитиш қобилиятини йўқотиши кишилардаб 2% ҳолатда нотўғри жисмоний ривожланиш, 44 % таянч-ҳаракат аъзолари нуқсонлари (сколиоз, яссиоёқлик), 80% ҳаракатли ривожланишнинг оқсаши билан кечади. Ёндош касалликлар 70 % қулоғи кар ва яхши эшиitmайдиган болаларда кузатилади. Нафас олиш тизими касалликлари: ОРЗ, бронхитлар, пневмония, шунингдек, руҳий ривожланишнинг оқсаши, интеллект ривожланишидаги нуқсонлар, вегетатив-соматик нуқсонлар кўпроқ тарқалган.

Эшитиш қобилияти шикастланиши натижасида ташқи маълумотларнинг чекланиши унинг маъносини идрок этишни ёмонлаштиради, мулоқотни қийинлаштиради, руҳий-ҳаракатли ривожланиш шароитларини мураккаблаштиради, салбий ҳиссиётлар ва страссли кечинмаларга сабаб бўлади. Эшитиш қобилияти бузилиши нутқнинг ёмонлашуви, қатор ҳолатлардапп эса унинг батамом йўқолишига олиб келади, бу фикрлаш

имкониятларини чеклайди, хатти-ҳаракат хусусиятлари – яккаланиш, мулокотдан қочишда акс этади. Ҳаракат соҳасига ҳаракатлар аниқлиги, статик ва динамик мувозанат бузилиши, муҳитни англаш, берилган ҳаракат маромини ўзлаштириш қобилияти бузилиши хосдир.

Болалар церебрал фалажи (БЦФ) оқибатлар натижасида кишилар қўрлаб ҳаракатлардаги нуқсонларга: мушакларнинг гипертонуси, контрактура ривожланиши, ҳаракатларнинг мувофиқлашуви бузилиши, мшаклар атрофияси, МАТдаги оғир касалликлар натижасида келиб чиқувчи бошқа касалликларга эга бўладилар. Бош ва орқа миядаги нуқсонлардан ташқари, ҳаёт давомида асаб ва мушак толалари, бўғимлар, пайлар, тоғайларда иккиламчи ўзгаришлар юз беради. Кўпинча ҳаракатлардаги нуқсонлар қўриш қобилияти пасайиши, вестибуляр тизим, нутқ, рухият ва бошқа функциялардаги нуқсонлар билан давом этади.

Нуқсоннинг учта оғирлик даражаси фарқланади: енгил (болалар осон ҳаракатланишлари мумкин), ўртача (ҳаракатланиш ва ўз-ўзига хизматда ёрдамга муҳтоҷ бўладилар), оғир (болалар тўлалигича атрофдагиларга муҳтоҷ бўладилар). Имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари уюшмаси сўрови маълумотларига кўра, 6% БЦФга эга бола ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қобилиятига эга, 80 % бола тўлиқ ва қисман ўз-ўзига хизмат кўрсата олади ва 14 % бола ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайди. Бу категориядаги болаларда интеллектнинг сақланиб қолиши бўйича қуйидаги натижаларга эришилган: 60 % болада интеллект сақланган, 30 % болада қисман нуқсонлар мавжуд, 10 % бола жиддий нуқсонлар кузатилади.

Ҳаракат соҳасида таянч қобилияти, мувозанат, тўғри туро олиш, муҳитни англаш, микро ва макроҳаракатни мувофиқлаштириш, нафас олиш ва ҳаракатнинг мослашуви, онг-ҳаракат тизимининг шаклланмаганлиги, иш қобилияти пастлиги, тез чарчаш хосдир.

Оёқлар ампутацияси, биринчи навбатда ҳаракат стреотипи, таяниш ва юриш, ҳаракатлар мувофиқлиги бузилишига сабаб бўлади. Оёқлар ампутациясининг оқибати тана оғирлиги камайиши, томир оқими, рецептор қисмлар, таянч-ҳаракат аъзоларининг оғир касалликлари, гипокинезия ва стресс

ҳисобланади. Марказий бошқарув механизмлари пасайиши, асаб-мушак ва таянч-харакат аъзоларининг суюк компонентларидағи нұқсонлар, вегетатив функциялар, ёмонлашуви, мушакларнинг машқ даражаси бузилиши қон айланиши, нафас олиш, овқат ҳазм бўлиши ва бошқа ҳаёт учун муҳим функцияларга салбий таъсир этади, жисмоний ва руҳий ривожланиш суръатлари оқсаши, , ҳаракатланиш имкониятлари ва умумий иш қобилияти пасайишига объектив биологик шароит яратади. Тана аъзоларининг ҳаётий муҳим ўзгаришлари ифодаланиши оёқлар ампутацияси, тезкор аралашувлар кўриниши, ёш, имконияти чекланган кишининг алоҳида хусусиятлари даражасига боғлиқ.

Болаларда оёқни йўқотиш (ёки туғма ривожламаганлик) уларнинг ҳаракатланиш имкониятларини пасайтиради, бу иккиламчи қийшайишлар ва мушаклар атрофиясига сабаб бўлади. Агар ҳаракат фаоллиги мушак ҳаракатларининг ёшга мос равища шаклланишини таъминласа, протезлаш мақсадга мувофиқ ва муваффақиятли бўлади, чунки оёқлардаги протезларни бошқариш учун мушакларнинг алоҳида қисқариши, аниқ ҳаракатлар жихатидан уқувга эга бўлиш зарур.

Бу уқув нафақат жисмоний имкониятлар, балки боланинг руҳий-физиологик ҳолати билан ҳам белгиланади. Касалланиш, ижобий ҳиссиётларининг етишмаслиги, жисмоний нұқсонларни ҳис этиш нафақат болалар, балки катта ёшдаги имконияти чекланган кишиларнинг онги, феъл-атвори, ижтимоий фаоллигини ўзгартириши мумкин.

Педагогик таъсирлар объектигининг қисқача тавсифи ҳамма нозологик гурухларга хос ҳаракатланишдаги нұқсонларини фарқлаш имконини беради:

- гипокинезия омили сифатида ҳаракат фаоллигининг беихтиёр пасайиши, у ҳаракат фаолияти ҳажми ва тезлиги қисқариши, мушак ишида қувват сарфланиши пасайишида юзага келади;
- ҳаёт учун зарур жисмоний хусусиятлар: мушак кучи, ҳаракатлар тезлиги ва қуввати, чидамлилик, эпчиллик, бўғимлардаги ҳаракат ёмонлашуви;
- қоматдаги нұқсонлар, оёқ юзи, умуртқа қийшайиши, “мушак корсети” заифлиги;

– мувофиқлашув қобилияти бузилиши: таъсир тезлиги, аниқлик, суръат, маром, микро ва макроҳаракатлар мослашуви, кучлар, вақт ва мухитни фарқлаш, мувозанат ва вестибуляр асабийлашувларга барқарорлик, мухитни англаш, бўшашиш, улар ўқиши, меҳнат, майший, спорт фаолиятидаги (асосий ҳаракатлар – юриш ва югуришни киритган ҳолда) ҳаракатлар сифатига салбий таъсир этади.

Эшлиш, кўриш, интеллект, БЦФ сингари ривожланишдаги ўзгаришлар нафақат ҳаракат ва мувофиқлашув, балки юқори руҳият функциялари, айниқса нутқ, эътибор, хотира, ўрганиш, алоқа, ўқиши, меҳнат, ҳаракат фаолиятини чекловчи ва коррекцияга муҳтоҷ нуқсонлар билан давом этади.

Шу тариқа, саломатлик ҳолати, жисмоний ва руҳий ривожланиш хусусиятлари, бирламчи нуқсон ҳамда беихтиёр гиподинамия омиллари натижасида иккиламчи нуқсонларнинг юзага келиши, еталича умумлашув кўринишига эга. Қайд этилган ташхис кўрсаткичлари адаптив жисмоний тарбия бўйича турли дастурлар ишлаб чиқишида йўналишлар сифатида хизмат қилиши мумкин.

2.2. Адаптив жисмоний тарбияда машғулотларни тузиш шакл ва усулларини танлаш хусусиятлари

Адаптив жисмоний тарбиянинг вазифа ва воситалари. Адаптив жисмоний тарбия вазифаларининг асосий гурухи – коррекцияли, компенсаторли ва профилактикали вазифалар хисобланади. Асосий нуқсон (сенсор тизимлар, таянч-ҳаракат тизими, нутқ, интеллекта, соматик функционал тизимлар), ёндош касалликлар ва асосий нуқсон натижасида юзага келган ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш вазифалари. Асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш имконияти бўлмаганда организм функцияларини компенсациялаш вазифалари. Баъзи нуқсонлар мавжудлигида иккиламчи нуқсонлар ва ёндош касалликларни профилактика қилиш вазифалари.

Турли нозологик гурухлардаги имконияти чекланган кишилар учун жисмоний тарбиянинг таълим, тарбия, соғломлаштириш вазифалари анъанавий гурухини мослаштириш.

Жисмоний машқлар – адаптив жисмоний тарбиянинг асосий воситаси. Жисмоний машқларни таснифлаш. Адаптив жисмоний тарбияда табиий-муҳитли ва гигиеник омиллар. АЖТ умумпедагогик ҳамда бошқа восита ва усуллар (вербал, ғоявий-ҳаракатлива руҳий тартибга солувчи, кўргазмали, техник ва ҳоказо). Асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсон: тафакур, хотира, эътибор, идрок, нутқли тасаввур, ҳиссий-иродали соҳа, кўриш, эшитиш соматик касалликларни коррекция қилиш воситалари.

Ҳаракат соҳаси ва асосий, ҳаётий ва касбий муҳим ҳаракат таъсирларини коррекциялаш воситалари: қомат, яссиоёқлик, тана тузилиши; юриш, югуриш, сакраш, тирмасиб чиқиш ва ошиб тушиш, отиш ва кичик ҳаракат; заифлашиш, ҳаракатлар мослашуви, муҳит ва вақтни англаш; кучлар, муҳит, вақтни фарқлаш, мувозанат, ўзгараётган шароитлардан таъсирланиш тезлиги, тактил ҳиссиётларни фарқлаш, вестибуляр таъсирловчиларга барқарорлик.

Сюжетли ва ҳаракатли ўйинлар - важнейший компонент содержания адаптив жисмоний тарбия мазмунининг муҳим компоненти. Бошқа ўкув фанларига хос ҳаракат фаоллигини интеграцияловчи, математик тасаввур элементлари, нутқ фаолияти, атроф-муҳит ҳақидаги ахборот, тана қисмлари ҳақидаги тасаввур, ҳаракат йўналиши ҳақидаги ўйинлар. Эртак билан даволаш, ўйин билан даволаш, шаклни коррекцияловчи, ритмик пластика бўйича танага мўлжалланган воситалар.

Средства и методики адаптивной физической культуры

Адаптив жисмоний тарбиянинг восита ва методлари

адаптив жисмоний тарбиянинг восита

(профилактик ва коррекцион машқлар)

физиотерапия

(иклиний-, нурли-, балчиқли-, токли-, сувли)

массаж

(коррекцион, даволовчи-тикловчи, соғломлаштирувчи)

Нафас олиш гимнастикаси

(ақил бовар қилиб бўлмайдиган нафас олиш, йога, цигун)

ҳаракат рекреацияси

(юриш, терренкур, туризм, рақс, югуриш, сузиш, велосайр)

ўйин терапияси

(ҳаракатли ўйинлар, Мантессори, эртакли терапияси)

креатив-бадиий терапия турлари

(арт-, қум-, лой-, мусиқа-, нурли-, кулги-, сенсортерапия)

спорт терапияси

(паралимпия, маҳсус олимпиада, дефлимпия)

психопрофилактика

(маҳсус психология, психотерапия, аутоген машғулот)

овқатланиш

(фитотерапия, маҳсус диеталар)

Имконияти чекланган кишилар билан ишлашда аввалдан жисмоний тарбиянинг умумий: соғломлаштирувчи ва тарбияловчи вазифалари хос.

Соғломлаштириш вазифалари нафақат умумий ҳолатга таъсир этади, балки касаллик орқали организмнинг бузилган баъзи функцияларини тиклаш учун ҳам ишни ташкил этишни қўзда тутади. Бу вазифалар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- жисмонан соғломлаштириш;
- түгри жимоний ривожланиш учун шароит яратиши;
- чиниқтириш;
- соматик ҳолат хусусиятларини коррекциялаш (нафас олиш тизими, юрак-қон томир тизимини коррекциялаш).

Тарбия вазифалари феъл-атворга хос маълум хусусиятларни (ирода, қатъият, жамоавийлик ҳисси, ҳамжитҳатлик, фаоллик, дадилликни) ишлаб чиқиши кўзда тутиб, улар руҳий ривожланишни кучайтиришни таъминлайди. Тарбия вазифалари ҳал этилгач, эътибор, хотира, резултате решения воспитательных задач развиваются внимание, память, хозиржавоблик, мўлжал олиш яхшиланади, интеллект ривожланади.

Имконияти чекланган кишиларнинг асосий жисмоний сифатларини (куч, эпчиллик, тезкорлик, чидамлиликни) тарбиялаш ҳозирга қадар организмнинг комплекс шикастланиши ва уларда мустақил ҳаётга тўлиқ мослашув имконсизлиги ҳақида фикр мавжудлиги сабабли мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланган.

Имконияти чекланган кишилар билан ишлашда ҳаракатланиш уқув ва кўникумаларини шакллантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш, аввало, ёш жиҳатидан ҳаракат функциялари шаклланиши бўйича табиий жараёнга ёрдамлашишни кўзда тутади, шунинг учун имконтонияти чекланган киши ҳаракат соҳасида нуқсонли ўзгаришлар туфайли мустақил ўзлаштира олмайдиган уқув ва кўникумаларни шакллантириш зарур.

Имконияти чекланган кишиларнинг адаптив жисмоний тарбиясида мустақил аҳамиятга эга ўзаро боғлиқ бир қатор маҳсус коррекциялаш вазифалари аниқланади. Бу, аввало, асосий нуқсонни компенсациялаш ва асосий касаллик билан ифодаланувчи иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш ҳамда қуйидаги ҳолатларни ривожлантирувчи ҳаракатли топшириқларни бажаришга қаратилган вазифалар саналади:

- мушак-бўғимли ҳис этиш;
- муҳит ва вақтни англаш;

- мушакларнинг зўриқиши ва заифлашиши даражаси;
- ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича хотира;
- ўз ҳаракатларига эътибор бериш;
- оғзаки кўрсатма бўйича ҳаракатларни бажариш;
- уларни бажариш сифати бўйича ҳаракатлар таҳлили.

МАТнинг турли бўлимлари учун тўғри танланган, миқдорга ажратилган ва мўлжалланган машқлар, улар катта ярим шарларда қўзғатувчи ва тўхтатувчи жараёнлар нисбатини ўзгартириб, касаллик жараёнида юзага келган нуқсонли шартли рефлексларни қайта шакллантиришга қаратилиши мумкин.

Адаптив жисмоний тарбиянинг педагогик вазифалари. Адаптив жисмоний тарбияда педагогик вазифаларнинг ҳамма турлари АЖТнинг нисбатан ташкил этилган кўриниши сифатида бирмунча тизимли тақдим этилган.

Педагогик вазифалар каторига педагогик таъсиrlарнинг мазмuni ва йўналишларининг белгиланиши, муайянлаштирилиши ва аниқлиги, жисмоний тарбиянинг воситаларидан ҳамма йўналтирилган шаклларида услубий йўллари ва адекват кичик усуслари киради.

Педагогик вазифаларнинг турлари:

а) ҳамма учун умумий – соғлом ва имконияти чекланган кишилар учун оммавий ва маҳсус (коррекцион) таълим муассасалари учун давлат дастурларида акс эттирилган ва жамият эҳтиёжлари билан ифодалangan вазифалар.

б) асосий нуқсон, ёндош касалликлар, иккиламчи нуқсонлар мавжудлиги билан ифодалangan ривожланишда нуқсонига эга болалар ни жисмоний тарбиялаш хусусиятларини акс эттирувчи ўзига хос вазифалар.

Умумий вазифалар:

- саломатликни мустаҳкамлаш, меъёрда жисмоний ривожланишга кўмаклашиш;
- организмнинг ташқи мухит таъсирига қаршилигини ошириш;
- ҳаракат техникаси асосларини ўргатиш, хаёт учун муҳим уқув ва кўникумаларни шакллантириш;

- ҳаракатли мувофиқлаштириш қобилияларини ривожлантириш;
- шахснинг жисмоний тарбиясида зарур билимларни шакллантириш;
- жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланиш, уларни дам олиш, машқ қилиш, иш қобилиятини ошириш қобилияти ва эҳтиёжни тарбиялаш;
- ахлоқий ва иродали сифатларни тарбиялаш, ҳамжиҳатлик, масъулият, ўз ҳаракатлари учун жавобгарлик, қизиқувчанлик, фаоллик ва мустақилликка ўргатиш.

Ўзига хос вазифалар: коррекцияли, компенсаторли, профилактикали. Агар соғлом болаларнинг жисмоний тарбияси умумтайёргарлик йўналишига эга бўлса, адаптив тарбия ҳаракат ҳаракатлардаги нуқсонларни қайта мослаштириш сифатида ҳаракат етишмаслигига таъсирнинг ёрқин коррекцияли ривожлантириш, коррекцияли-компенсациялаш ва даволаш-соғломлаштириш йўналишига эга.

Хал этилувчи коррекцияли ривожлантириши вазифалари қуйидагича гурпухланган:

- 1) асосий ҳаракатлар – юриш, югуриш, сузиш, сакраш, тирмашиб чиқиш, ошиб ўтиш, ирғитиш, кичик ҳаракат, симметрик ва ассимитрик ҳаракатлар, нарсалар билан машқлартехникасини коррекциялаш;
- 2) мувофиқлаштириш қобилиялари ривожлантириш ва коррекциялаш – жисмоний машқларни бажариш, мұхитни англаш, интилишлар, вақт ва мұхит, заифлашувни фарқлаш, шароитлар, мувозанат, ҳаракатлар мароми, аниқлигишароитларини ҳис этиш тезлиги, мушак-бўғинни ҳис этиш, кўриш-ҳаракатланиш мувофиқлашувида тананинг алоҳида қисмлари ҳаракатларини мослаштириш;
- 3) жисмоний тайёргарликни ривожлантириш ва коррекциялаш – мушак кучи, тезкорлик, тезлик-куч сифатлари, эпчиллик, чидамлилик, бўғинлардаги ҳаракатчанлик.
- 4) йўқотилган ёки бузилган функцияларни компенсациялаш, коррекцияни амалга оширишнинг иложсизлиги ҳолатида сақланган функциялар ҳисобига ҳаракатларнинг янги турларини шакллантириш;

5) соматик нүқсонларни - қомат, сколиоз, яссиоёқлик, тана тузилиши, нафас олиш ва юрак-қон томир тизими, шамоллаш ва инфекцион касалликлар, шикастланиш ва микрошикастланишни коррекциялаш ва профилактика қилиш.

6) сенсор тизимларнинг ривожланиши ва коррекциялаш:

- куч, масофа, йўналиш бўйича кўриш, эшитиш, сигналларини фарқлаш;
- кўриш ва эшитиш хотирасини ривожлантириш;
- вестибуляр таъсирланишларга барқарорликни ривожлантириш;
- тактил ҳислар, тери-кинетик идрокни фарқлаш.

7) ҳаракат фаолияти жараёнида руҳий нүқсонлар: кўришли-предметли, кўришли-муҳитли идрок, кўргазмали-тимсолли, вербал-мантиқий фикрлаш, хотира, эътибор, нутқ, тасаввур, ҳиссий-иродали соҳани коррекциялаш. Амалий ишда қатъий чекловлар мавжуд эмас. Битта машқ бир неча вазифани ҳал этиши ва бир вазифани ҳал этишга бир неча машқни бажариш сабаб бўлиши мумкин.



Адаптив жисмоний маданият воситаларига жисмоний машғулотлар, табиий-муҳитли (табиий) ва гигиеник омиллар киради. Жисмоний машғулотлар асосий ўзига хос восита, унинг ёрдамида шугулланувчига йўналтирилган таъсирга эришилади ва тузатувчи-ривожлантирувчи, компенсаторли, даволовчи, профилактик, таълим, соғломлаштирувчи ва тарбиявий масалалар ҳал этилади.

Машғулотларни кўп маротатаба такрорлаш орқали ҳаракатлар таомиллаштирилади. Бунда ҳаракатлантирувчи фаолият биологик тузилма ва вазифаларнинг комплекс тарзда ўзгартирилиши билан олиб борилади.

Машқлар:

- таянч-харакат аппратини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, суяклар ўсиши рағбатлантиради, бўғим ва боғламаларни мустаҳкамлайди, мушакларнинг кучи, тонуси ва қайишқоқлигини оширади;
- қон ва лифо айланмасини, модда алмашувини яхшилайди;
- МАТга яхши таъсир этади, бош мия қобиғининг иш қобилиятини ва кучли қўзғалишларга барқарорлигини оширади;
- МАТнинг аналитик-сунъий фаолиятини ва иккита сигналли тизимни яхшилайди;
- Сенсорли тизимлар функциясини яхшилайди.

Жисмоний машқлар, онгли мақсадли ҳаракатлар қатор руҳий жараёнлар билан боғлиқ (эътибор, хотира, нутқ ва ҳ.к.), ҳаракатлар тўғрисидаги тасаввур, фикрлаш, ҳис-туйғу ва кечинмалар билан қизиқиши, маслак, мотив, эҳтиёжларни ривожлантирадилар, ихтиёр, характерни шакллантирадилар, хатти-ҳаракатлар инсоннинг организми ва шахсига таъсир этган ҳолда уни маънавий ривожлантирувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Жисмоний машғулотларнинг самарадорлиги қатор омилларнинг таъсирида аниқланади:

- 1) машғулотларнинг хусусиятлари, уларнинг мураккаблиги, янгилиги, эмоционаллиги, юкламанинг миқдори.
- 2) шуғулланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари: ёш, жинс, саломатлик ҳолати, ҳаракатаниш имкониятлари, нуқсонлар, ёндош касалликлар, бехато функциялар ҳолати билан чегараланган (ҳаракатлантирувчи, сенсорли, интеллектуал), ўқиши ва контактларга ҳаракатаниш тажрибаси, қобилиятлари билан;
- 3) ташқи шароитлар – машғулотдаги психологик мухит, машғулот жойларининг техник жиҳозланганлиги, шуғулланувчилар учун шахсий

құлайликлар яратидган асбоб-ускуна ва инвентарлар билан гигиеник таъминланғанлық.

Жисмоний машқларнинг умумий таснифи мавжуд эмас, чунки битта машқнинг ўзи турли белгиларга эга бўлиб, турли таснифий гурӯҳлардан ўрин олиши мумкин:

- *мақсадли йўналтирилганлик бўйича*: умумий ривожлантирувчи, спорт, рекреацион, даволаш, профилактика, коррекция, кабий-тайёарлик;
- у ёки бу жисмоний хислатларнинг ривожланишига асосий таъсир кўрсатиш бўйича: куч, тезлик, чидамлилик, мослашувчанлик;
- *белгиланган мушак гурӯҳларига асосий таъсир кўрсатиш бўйича*: бел мушаклари, қорин пресси, елка, билак, болдир, сон ва мимикани ифодалайдиган мушаклар учун машқлар;
- *мувофиқлаштирувчи йўналтирилганлик бўйича*: маконда йўналишни яхши аниқлаш, мувозанат, аниқлик, ҳаракатларни фарқлаш (ажратиш), бўшашиш, ҳаракатлар бир маромдалиги;
- *ҳаракатлар биомеханик структураси бўйича*: циклик (юриш, югуриш, сузиш, велосипед миниш, эшкак эшиш), ноциклик (улоқтириш, гимнастика машқлари, тренажерда ҳаракатланиш), аралаш (югуриб келиб узоқликка сакраш, ҳаракатли ва спорт ўйинлари) ҳаракатлар;
- *физиологик функцияларнинг қизғинлик даражасини акс эттирадиган топшириқларни бажарии интенсивлиги бўйича*: интенсивлик паст (ЧСС 100 зарба/мин. гача), ўртacha (ЧСС 120 зарба/мин.гача), тетиклантирувчи (140 зарба\мин.гача), машқ (160 зарба/мин);

Жисмоний юкламаларнинг меёrlашнинг методик усуллари



- *турли нозологик групкалар учун спорт турлари бўйича*: кўриш қобилияти, эшитиш қобилияти, ақлий жиҳатдан етуклигк бўйича ногиронлар, таяниш-харакатланиш аппарати шикастланган ногиронлар учун машқлар;
- *даволаши таъсири бўйича*: учламчи мушакларни, ноаниқликни, бўғимлар ҳаракатчанлигини, рағбатлантирувчи рефлексларни, трофик жараёнларни, қон айланишини тиклаш;
- *бошлангич ҳолат бўйича*: қоринда, белда, ёнбошлаб ётган ҳолда, ўтирган, тик турган, тиззалаган, чўккалаган, эмаклаган ҳолда;
- *машқларни бажарииш мустақиллик даражаси бўйича*: фаол мустақил, қўллаб-куватланган ҳолда, бирорнинг ёрдами билан, эҳтиётни таъминлаган ҳолда, ҳаракатларни тактил ҳамроҳлик қилган ҳолда, қўлтиқтаёқقا, ҳассага

таянган ҳолда, протезлар ва бошқа техник воситалар ёрдамида, ортопедик воситалар ёрдамида;

– *фанлараро алоқалар интеграцияси бүйича:* бадиий-музыкий, хореографик рақс машқлари, шаклий-коррекцион ритмопластика (лой билан ишлаш), расм чизиш, эртак-драма-ўйин-терапияси, фикрлашни, нутқни, эътиборни, хотирани, оддий математик қобилияларни фаоллаштирадиган тематик ўйин композициялари.

Ташқи шароитлар. *Табиий-муҳит омиллари,* соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниктириш мақсадида сув, ҳаво ва қуёш ваннаси. Табиий кучлар жисмоний машқларнинг ижобий самарасини кучайтиради. Машқ қилдириш ва чиниктириш таъсирини кўрсатади, тез-тез шамоллаш касалликларига чалинишни пасайтирган ҳолда организмнинг нокулай ташқи муҳит таъсирларига қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширади.

Гигиена омиллари, умумий ва шахсий гигиена қоидалари ва меъёрлари, майший ҳаёт, меҳнат, дам олиш, овқатланиш, атроф-муҳит, кийим-бош, оёқ кийими, спорт инвентари ва ускуналари. Турли нозологик гурухлар учун адаптив жисмоний маданият воситалари қаторига кирмайдиган тиббий ва психологик реабилитация қўшимча воситалари сифатида уларнинг уйғунлашуви инсон организмига кўрсатиладиган комплексли таъсирни кучайтиради.

Аппаратли физиотерапия, электростимуляция, массаж, мануал терапия, игна-рефлексотерапия, фототерапия, душ (чангли, ёмғир сувли, игнали, шарко, сувости) сув билан даволаш ванналар (маъданли, радонли, шифобахш балчиқли, карбонат ангидридли, кислородли), ҳаммоллар (буғли ва саunalар), психологик таъсир воситалари: электротуш, гипноз, психотерапия, психокоррекция, психологик маслаҳатлар, психотренинг. Бироқ уларни турли шахслар учун қўллаш кўплаб индивидуал қарши далилларга эга, шу сабабли физиотерапевтик процедуралар тайинлаш врачлар томонидан амалга оширилиши ва назорат қилиниши лозим.

Адаптив жисмоний тарбия воситалари ёрдамида ҳаракатланиш ва билиш қобиляйтларини қўшиб ривожлантириш



Адабиётлар:

1. Б.135-158; **2.** Б.55-67; **3.** Б.229-249; **4.** Б.26-42, 214-218; **5.** 583-603.

Назорат учун саволлар:

- 1) “Адаптив жисмоний маданият” атамасини қандай тушунасиз?
- 2) “Реабилитация” атамаси нимани англатади?
- 3) Имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий интеграцияси қандай йўллар билан юз беради?
- 4) Адаптив жисмоний маданиятмашғулотларида турмуши тарзи қандай ўзгаради?
- 5) Адаптив жисмоний маданияткомпонентлари(турлари)ни санаб беринг.
- 6) “Адаптив жисмоний тарбия” атамасини қандай тушунасиз?
- 7) Адаптив жисмоний рекреация қандай ташкил этилади?
- 8) Адаптив спортнинг қандай йўналишларини биласиз?
- 9) Адаптив ҳаракат реабилитацияси билан кимлар шугулланади?
- 10) Креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётларга нималар киради?
- 11) Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари нима учун керак?

12. Адаптив жисмоний маданиятнинг педагогик таъсирини таърифлаб беринг

13. Қандай нозологик груухларни биласиз?
14. Топшириқларни санаб ўтинг (умумий ва маҳсус)?
15. Адаптив жисмоний маданият воситаларига тавсиф беринг
16. Сиз қайси машқ таснифларини биласиз?

Адабиётлар:

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.
3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.

4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
5. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

- 6 www.ziyonet.uz
- 7 www.zoj.ru
- 8 www.libsport.ru
- 9 www.bmsi.ru
- 10 www.ocw.mit.edu
- 11 www.edx.org
- 12 www.universarium.org

З-маъзуа. АДАПТИВ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ РЕКРЕАЦИЯ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ

Режса:

- 1) Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация ва реабилитация воситалари*
- 2) Адаптив жисмоний маданият усуллари*

Таянч иборалар: адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация, адаптив ҳаракатга келтирувчи реабилитация, жисмоний реабилитация, жисмоний терапия, кинезотерапия, эрготерапия, усул, услугият

3.1. Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация ва реабилитация шакллари

Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация – адаптив жисмоний маданиятнинг саломатлиги меъёрда бўлмаган шахслар (жумладан, ногиронлар) дам олиш, кўнгилочарлик, бўш вақтни қизиқарли ўтказиш, фаолият турини ўзгартириш, ҳузур қилиш, мулоқотда бўлишига бўлган эҳтиёжларини қондиришига имкон берадиган таркибий қисми (тури).

Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация мазмуни ногирон шахс бирон-бир фаолият турли (мехнат, ўкиш, спорт ва б.) давомида толикишнинг олдини олиш, кўнгилочарликлар, бўш вақтни қизиқарли ўтказиш ва умуман соғломлаштириш, кондицияни яхшилаш, хузурланиш орқали ёки хузурланиш билан ҳаётий кучга эгалик (чидамлилик, бардошлилик) даражасини оширишга сарфлайдиган жисмоний кучларни фаоллаштириш, қўллаб-куватлаш ва тиклашга йўналтирилади.

Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреациядан энг катта самарани профилактик тиббиёт соғломлаштирувчи технологиялари билан таъминлаган ҳолда кутиш мумкин бўлиб, унинг асосий ғояси машғулот воситалари, шакллари ва усулларини танлаш борасида тўлиқ эркинлик ҳисобига шуғулланувчилар учун психологик қулайлик ва қизиқишни таъминлашдан иборат.

Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреациянинг асосий мақсади ногирон шахсга гедонизм фалсафасини (тамойилини) тарғиб қилган Эпикурнинг тарих синовларидан ўтган дунёқарашларини сингдиришдан, ногирон шахснинг рекреация усулларини ўзлаштиришидан иборат.

Унга хос жиҳатлар ҳамкорлар ва воситаларни танлаш эркинлиги, бошқа фаолият турларига ўтиш, алоқалар кенглиги, ўзини-ўзи бошқариш, ўйин фаолияти, ҳаракатлардан хузурланиш ҳисобланади.

Ногиронлар учун адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация бу - нафақат биологик жиҳатдан оқланган, эмоционал ҳолатни, соғлиқ ва ишга лпёқтлиликни қўллаб-куватлайдиган ўзини-ўзи тартибга соладиган ҳаракат фаоллиги, балки ёпиқ маконни бартараф қилиш усули, руҳий ҳимоя, мулоқот қилиш имконияти, шахсий манфаатларни қондириш, машғулот тури ва шаклини танлаш истагини қондириш ҳисобланади.

Орттирилган ногиронлик ёки оғир касаллик ҳолатларида адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация стрессни йўқотиш (бартараф қилиш) ва адаптив жисмоний маданиятда (адаптив жисмоний тарбиялаш, адаптив спорт ва б.) иштирок эттириш йўналишида биринчи босқич, биринчи қадам бўлиши мумкин ва лозимdir.



Соф атамаларга хос англашувчиликларга йўл қўймаслик учун, таъкидлаш жоизки, жисмоний маданият институтлари учун ўқув қўлланмада Л.П. Матвеев жисмоний маданиятнинг ушбу тури унга гигиеник (кундалик турмуш режими доирасида) жисмоний маданиятни қўшган ҳолда шароитга оид деб аталади.

Саломатлиги заифлашган кишининг (жумладан, ногирон шахснинг) дам олиш, кўнгилочарлик, бўш вақтни қизиқарли ўтказиш, фаолият турини алмаштириш, хузур олиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида мулоқот қилиш эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган адаптив ҳаракатга

келтирувчи рекреация турли ташкилот ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

СОҒЛЮМЛАШТИРИШ	Фитнес	Соғломлаштирувчи фитнес, жисмоний фитнес, Фельденкрайс (юмшок фитнес), CrossFit
	Муаллифлик методикалари	Калланетика, Пилатес, Брэгг, Купер, Бейтс тизимлари
	Харакат фаоллиги	Рақслар, тренажерлар, сузиш, велосипедда юриш, соғломлаштирувчи юриш, югуриш, яккакураш турлари, ўйинлар
	Аэробика	Фитбол, бодибол, спинбайқ, слайд, сайд, аква, тай-бокс, роуп-скипинг, гум-stick, тераробика, степ

		хатха-йога, медитация
	Кинезис	«Kinesis» тренажери, жирокинезис, Shape, Power, Sport, Breath, Play, Move дастурлари
	Рақслар	Европача ва Лотин Америкаси дастурлари, замонавий рақслар
	Кардио ва скуляр машғулот	Югуриш йўлакчалари, велоэргометрлар, степ-тренажерлар, эллиптик тренажерлар
	Туризм	Спортча, рекреацияловчи, экспедицион, пиёда, реабилитацияловчи, тоғ, сув, велосипед туризми ва б.
	Изотоник машғулот	Изотон, нафас гимнастикаси, Стрельникова, Бутейко гимнастикалари
	Аквааэробика	Акваданс, акваритмика, аквахореография, аквабилдинг, акваформинг, ватерпоутер, акватикгеймз, аквастеп, акватоника, аквастрайчинг, гидрорелаксация, акважогинг гидрошнейпинг, акваджим
	Дастурлар Mind&body	TRX (Training Resist Exercises), Muscle toning, PUMP, Суперпресс, функционал машғулот, Body power, Hard ball, BOSU, Total body, Bodybalance, плиометрика
	Болалар дастурлари	Сузишҳаракатли ва спорт ўйинлари, гимнастик элементлари, болалар фитнеси, бэби-йога
	Spa & Wellness	Гидро-ва бальнеотерапия, фото ва гелиотерапия, термо ва криотерапия, пелоидтерапия, талассотерапия, холистика, стоунтерапия

Уларнинг барчаси шартли равишда иккита йирик гурухга ажратилиши мумкин:

- 1) адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация асосий фаолият йўналиши ҳисобланган муассаса ва ташкилотлар;
- 2) адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация қўшимча фаолият йўналиши сифатида иштирок этадиган, асосий фаолият йўналиши адаптив жисмоний тарбия, адаптив спорт, жисмоний реабилитация ҳисобланган муассаса ва ташкилотлар.

Биринчи гурухдаги муассаса ва ташкилотлар қаторига ўз фаолиятини дам олиш, кўнгилочарликлар, бўш вақтни қизиқарли ўтказиш ва ҳ.к. мақсадларда

жисмоний машқлар билан машғулот ўтказишга қаратадиган ногиронлар жисмоний маданият-спорт клублари киради. Бу бюджет томонидан молиялаштирилмайдиган, вақти-вақти билан пул дотациялари оладиган жамоат ташкилотлариридир.

Худди шу гурұх таркибига аквапарклар, боулинг-клублар (марказлар), бильярд заллари, аттракционлар, рекреация парклари ва бошқалар ҳам киради. Қоидага күра, бу тијорат ташкилотлари ҳисобланади. Уларнинг айримларида соғлиғи меъёрда бўлмаган шахслар, жумладан, ногиронлар учун гурӯҳлар кўзда тутилади. Бундай гурӯҳлар билан адабтив жисмоний маданият бўйича мутахассислар (инструкторлар, ўқитувчилар, мураббийлар, услугчи инструкторлар ва б.) ишлаши лозим. Бундай гурӯҳларда тўловлар имтиёзли шартларда амалга оширилади.

I-VIII турдаги ихтисослашган таълим муассасаларида таҳсил олувчи ногирон болалар учун спорт-соғломлаштириш байрамлари, хилма-хил ўйинлар, эстафеталар, «кувноқ стартлар» ва бошқа тадбирлар тайёрлаш ва ўтказиш билан шуғулланадиган кам сонли марказлар ва клублар ҳам биринчи гурӯҳдаги муассаса ва ташкилотлар қаторига киради. Бу марказлар ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари уларнинг қарамоғида бўлган таълим ва ижтимоий ривожлантириш қўмиталари билан келишувга кўра маҳсус мактаблар, меҳрибонлик уйлари-интернатлар, психоневрологик интернатларнинг спорт базаларида сайёр тадбирлар ўтказади.

Марказ ходимлари маҳсус ёрқин безатилган асбоб-ускуна ва инвентарлардан фойдаланган ҳолда спорт-соғломлаштириш ва кўнилочарлик тадбирлари ташкиллаштиради ва ўтказади. Бу тадбирлар тантанали мажлислар (саф тортиш, хурматли меҳмонларни кутиб олиш), эстафета ва бошқа мусобақалар ўтказиш, спортчиларнинг кўргазмали чиқишилари, қатнашчиларни мукофотлаш ва ҳ.к.ни кўзда тутадиган маҳсус ишлаб чиқилган сценарий бўйича амалга оширилади. Бундай байрам тадбирларини ўтказишга ҳомийлар жалб этилади.

Асосий мақсаддан (ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болаларга турли эстафета ва мусобақаларда иштирок этиш ва мулоқот қилиш, улардан ҳузур олиш учун имкон бериш) ташқари, яна бир мақсад кўзда тутилади – таълим муассасалари педагоглари билан бундай тадбирларни ўз кучлари билан ўтказиш бўйича маҳорат дарслари берилади, педагогларга маҳсус асбоб-ускуна ва инвентарлар харид қилиш ёки тайёrlаш бўйича маслаҳатлар берилади.

Адаптив-рекреацион характердаги тадбирлар ўтказадиган муассаса ва ташкилотларнинг иккинчи гурухи таркибиغا қўйидагилар киритилади:

- ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болалар учун белгиланган тартибда тасдиқланган дастурлар бўйича адаптив жисмония тарбия дарсларидан ташқари ўқув дарси режасида жисмоний маданият-соғломлаштириш тадбирлари: ўқув машғулотларигача гимнастика, жисмоний маданият дақиқалари, жисмоний маданият паузалари, куннинг иккинчи ярмида қўшимча (жумладан, рекреацион характердаги) машғулотлар; спорт байрамлари ва бошқалар кўзда тутилган ихтисослашган таълим муассасалари;

- адаптив спорт билан ўқув-машқ машғулотларидан ташқари адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация бўйича машғулотлар ҳам ўтказиладиган адаптив жисмоний маданият соҳасида болалар қўшимча таълим муассасалари;

- жисмоний реабилитация, даволашга оид жисмоний маданият, шунингдек, адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация бўйича машғулотлар амалга ошириладиган реабилитация марказлари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари.

Бундай рекреацион машғулотлар адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация бўйича малака ошириш курслари ўтгандан сўнг даволашга оид жисмоний маданият бўйича мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Доимий равища фаолият қўрсатадиган ташкилот ва муассасалардан ташқари, адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация вақтинчалик ишлайдиган структураларда ҳам амалга оширилади. Бундай структуралар қаторига ногирон болалар ва уларнинг соғлом тенгдошлари (ака-укалари, опа-сингиллари, яқин

дўстлари ва б.) учун ёзги ва қишки соғломлаштириш лагерларини киритиш мумкин.

Ёзги ва қишки лагерларда кун тартибида рекреация тадбирларига катта эътибор қаратилади. Тоза ҳаво, сув ҳавзаси (ёзда), табиат дам олиш, турли ҳаракатлар, ўйинлар, эстафеталар, «қувноқ стартлар», турли саҳналаштирилган томошалардан қониқиши ҳиссини олиш учун ажойиб муҳит вужудга келтиради.

Ёзги ва қишки соғломлаштириш лаегарлари ходимларининг штатлар рўйхатида адаптив (даволашга оид) жисмоний маданият бўйича мутахассис учун албатта ставка ажратилган бўлиши лозим бўлиб, унинг вазифалари қаторига ногирон болалар билан рекреацион машғулотлар ташкил қилиш (жумладан, мустақил машғулотлар ташкил қилиш) ҳам киради.

Ногирон болалар ва уларнинг тенгдошларини битта гурухга бирлаштириш ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болаларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг жамиятга интеграциялашуви учун қулай шароитлар яратади, психологик комплексларни??? бартараф этишга хизмат қилади.

Адаптив жисмоний реабилитация – адаптив жисмоний маданиятнинг саломатлиги меъёрда бўлмаган шахснинг даволаниши, вақтинчалик йўқотилган функцияларни тиклаш (асосий касаллик, масалан, ногиронлик сабабчиси саналган касаллик туфайли узоқ муддатга ёки умрбод йўқтилган функциялардан ташқари) эҳтиёжларини қондиришига имкон берадиган маркибий қисми (тури).

Адаптив жисмоний реабилитациянинг асосий мақсади ногиронларнинг у ёки бу касалликка мос руҳий реакциясини шакллантириш, уларни организмнинг тезроқ тикланишини рағбатлантирадиган табиий, экологик жихатдан оқланган воситалардан фойдаланишга; мос келувчи жисмоний машқлар комплекси, гидровибромассаж ва ўзини уқалаш усуллари, чиниқтирувчи ва термик жараёнлар ва бошқа воситалардан (Су-Джок акупунктура ва ҳ.к.) фойдаланиш кўникмаларини ўрганишга йўналтириш ҳисобланади.

Ногиронларнинг айрим нозологик гурӯҳларида, асосан, таянч-харакатланиш аппарати шикастланган ногиронларда ҳаракат билан даволаш тиббий стационар билан якун топмайди, балки бутун ҳаёти мобайнида ўзини-ўзи реабилитация қилиши билан давом этади.


Жисмоний реабилитация бизнинг мамлакатимизда моҳиятан инсонга (физиотерапевтик жараёнларга) таъсир этиш (даволаш) жисмоний усуллари ва даволашга оид жисмоний маданиятга бориб тақалади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари, даволашга оид жисмоний маданият (жисмоний реабилитация) умумтаълим ва ихтисослашган таълим муассасаларида ҳам амалга оширилади.

Бироқ, даволашга оид жисмоний маданият (жисмоний реабилитация) бўйича мутахассисларни сертификатлаш, аттестациядан ўтказиш, лицензиялаш ва аккредитация қилиш масалалари таълим тизимида етарли даражада тартибга солинмаган ва кўплаб ҳолатларда расмиятчилик билан амалга оширилади. Даволашга оид жисмоний маданият машғулотларини ташкил қилиш тизими ижтимоий таъминот тизимида ҳам, ахолини соғломлаштириш ва дам олиш тизимида ҳам (соғлиқни сақлаш тизимига мансуб бўлмаган дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базалар, реабилитация марказлари ва х.к.) такомиллаштиришни талаб қиласди.

Жисмоний реабилитациядан фойдаланиш бўйича ижобий мисол тариқасида жисмоний терапия (кинезотерапия ва эрготерапия) қўллаш ва ташкил қилиш бўйича халқаро тажрибаларни келтириб ўтиш мумкин. Бундай тажриба дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатида (Германия, Англия, Швеция ва х.к.) мавжуд.





Жисмоний терапия (кинезотерапия) бу – жисмоний терапевт (кинезотерапевт) томонидан тақим этиладиган ҳамда машғулот ва процедуralарни баҳолаш, ташхислаш, режалаштириш, ўтказиш ва улар давомида рўй берадиган ўзгаришларни баҳолашни ўз ичига оладиган хизматлар туридир. Бунда бу ҳаракатларнинг барчасини битта шахс – қоидага кўра, олий маълумотга эга бўлган жисмоний терапевт бажаради. Жисмоний терапевтлар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам, бошқа муассаса ва ташкилотларда ҳам фанлараро жамоаларда ишлашга асосий эътибор қаратган ҳолда амалиёт юритади. Хусусан, жисмоний терапевтлар касалхоналар, амбулатория муассасалари, хоспис, таълим муассасалари, спорт марказлари ва х.к. жойларда ишлайди.



Охиригина йилларда имкониятлари чегараланган шахсларни (жумладан, ногиронларни) максимал дарајада реабилитация (абилитация) қилишни таъминлайдиган ва «эрготерапия» номини олган фаолият тури жадал риовжланмоқда.

Эрготерапиянинг асосий мақсади – саломатлиги ме'ерда бўлмаган шахсларга йўқотилган функцияларни тиклаш (ривожлантириш), маҳсус мосламалардан фойдаланиш, шунингдек, атроф-муҳитга мослашиш йўли билан кундалик ҳаётда максимал дарајада мустақилликни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу асосий мақсадга эришиш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- мавжуд камчиликларни аниқлаш, кундалик ҳаётда, профессионал фаолиятда, дам олиш, бўш вақт, ўйин ва қўнгилочарликларда зарур бўлган функционал имкониятларни тиклаш ёки ривожлантириш;
- имкониятлари чегараланган кишиларнинг ривожланиши ва ўзини-ўзи тартибга солиши, унинг турмуш сифатини яхшилаш учун оптимал шароитлар яратиш.

Эрготерапевт мижоз учун мазмунга эга бўлган, табиий шароитлар яратади, жумладан, ҳар бир шуғулланувчи шахс учун яроқли бўлган, қўйилган мақсадларга эришиш учун функционал имкониятларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган маҳсус мосламалар лойиҳасини ишлаб чиқсан ва шакллантирган ҳолда. Эрготерапевт фаолиятининг ўзига хос жиҳати мижознинг табиий муҳит шароитлари (уй, мактаб, офис, спорт майдончаси ва ҳ.к.) доирасида ёрдам бериш дастурини бажаришдан иборат.

Имкониятлари чегараланган шахсларни реабилитация (абилитация) қилишда энг катта самара мижоз билан врачлар, психологлар ва бошқа мутахассислардан ташқари, жисмоний терапевтлар ва эрготерапевтлар ҳам унинг teng ҳуқуқли аъзолари саналган фанлараро жамоа ишлайдиган ҳолларда кузатилади.

Хозирги пайтда олий касбий таълим тизимида жисмоний терапия ва эрготерапия бўйича янги ихтисосликлар очиш ҳамда мутахассислар тайёрлашнинг замон талаблари ва фалсафасига жавоб берадиган мос келувчи давлат таълим стандартларини тасдиқлаш учун мос келувчи хужжатлар тўплами ишлаб чиқилмоқда.

3.2. Адаптив жисмоний маданият усуллари

Усул – қўйилган мақсадга эришиш йўли, усули сифатида; услугий усул корекция, компенсация, профилактика, ўқитиши, тариялаш, соғломлаштириш борасида муайян вазифаларга мувофиқ усулни амалга ошириш варианти сифатида; ногиронлар ва bemorларни комплексли реабилитация қилишда фойдаланиладиган АФК усуллари: даволаш гимнастикаси (бўғимлар ва куч ишлатиладиган), массаж, ҳолат корекцияси, дозаларга ажратилган юриш (терренкур), гидрореабилитация (гидроаэробика, сувдаги ўйинлар ва б.), механотерапия, даволашнинг жисмоний усуллари (сув билан даволаш, иссиқик билан даволаш, нур билан даволаш, ўзини-ўзи массаж қилиш, вибромассаж, баро-даволаш ва б.), психосоматик ўзини-ўзи тартибга солиш ва аутоген машқ қилиш, аудиовизуал стимуляция (мусиқа, ранг, образ) ва б.

Адаптив жисмоний маданиятда коммникатив фаолиятни

оптималлаштириш ва ижтимоийлаштириш усуллари: эмпатия шаклантириш усуллари, тилни билиш, хилма-хилликка чидамлилик, ролга оид интизом, билим олиш қобилиятлари; белгиланган роль ва функцияларни бажариш топшириғи усуллари (хусусан, ҳакам, ҳакамлар коллегияси аъзоси, мураббий, мусобақа ташкилотчиси, спорт-тиббий таснифлашни ўтказишдаги эксперт, гандикап (фора) билан мусобақа қоидалари ишлаб чиқувчи функциялари); қоидали ўйинлар (сюжетли-ролли ўйинлар, саҳналаштириш ўйинлари), тақлид-ижро ва ижодий характерли машқлар, этюдлар, берилган вазиятларни тайёргарликсиз ижро этиш, моделлаштириш ва таҳлил қилиш (мимика, имо-ишоралар, ҳаракатлар ифодалилиги, пантомимика, ўз қадр-қимматини ҳис қилиш, ўзини-ўзи назорат қилишни такомиллаштириш учун); эртак-терапия усуллари ва б.

Адаптив жисмоний маданиятда ҳаракатга келтирүвчи ҳаракатларни ўқитиши усуллари (ўқув фаолиятини ташкил қилиш, рағбатлантириш, назорат қилиш ва ўқув фаолиятида ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари).

Жисмоний хислатлар ва қобилиятларни ривожлантириш усуллари (бир маромдаги, ўзгарувчан, тақрорланадиган, оралиқли, ўйинга оид, мусобақа, доиравий). Адаптив жисмоний маданият усулларини комплексли равища қўллаш.

Жисмоний маданият назарияси ва амалиётида «усул» сўзидан ясама сўз саналган тушунчалар: чунончи, услубий усул, услубият, услубий ёндашув, услубий йўналиш ва ҳ.к. фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири маълум бир мазмунга эга бўлиб, методологиянинг - «фаолият структураси, мантиқий ташкил қилиниши, усуллари ва воситалари ҳақида таълимот»нинг бир қисми ҳисобланади. Адаптив жисмоний маданият назариясида бу тушунчалар худди жисмоний маданият назарияси билан бир хилда талқин қилинади.

Усул бу мақсадга эришиш усулидир. У доимо предметли мазмунга эга бўлади ва мақсадли йўналтирилган педагогик фаолият жараёнида белгиланган натижага эришиш йўли сифатида қўлланади. Усул бу – педагог ва ўқувчининг ўзаро алоқалар жараёни бўлиб, бу ерда ўқувчининг жисмоний, ақлий, руҳий,

шахсий қобилиялари, унинг тана тузилиши, ривожланиши, хиссиётлари, иродаси ва хулқ-атвори фаолият майдони хисобланади ва бунда унинг ўзи педагогик таъсир объекти ва субъекти сифатида иштирок этади.

Услубият адаптив жисмоний маданият олдида турган коррекцион, соғломлаштириш, таълим ва бошқа вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган усуллар йигиндисини ифодалайди. Масалан, таянч-ҳаракатланиш аппарати шикастланган ногиронлар учун мувозанатни ривожлантириш услубияти ёки эшитиш қобилияти ва кўриш қобилияти суст бўлган шахсларнинг макон бўйлаб йўналишни топиш қобилиятини коррекциялаш (тўғирлаш) услубияти мақсадга эришишга олиб келадиган усуллар ва услубий йўллар мажмуидан изчилик билан ва оқилона фойдаланиш технологиясини назарда тутади.

Услубий йўналиши педагогик жараённи йўналтирадиган йўналишни тавсифлайди. Адаптив жисмоний маданият ва унинг барча кўринишларида етакчилик қиласиган йўналиш коррекцион-ривожлантириш ва соғломлаштириш йўналишини саналиб, бу шуғулланувчилар доирасининг хусусиятлари ва асосий педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг устувор роли билан асосланади.



Услубий ёндашув адаптив жисмоний маданиятнинг ўзига хос вазифаларини ҳал қилишда маълум бир концепция танлашни акс эттиради. Ушбу танловнинг негизида илмий изланиш, ўзини оқладиган мантикий тузилмалар, амалий тажрибалар ётади. Услубий ёндашув усул ва воситаларни оптималлашнинг муқобил варианлари мавжудлигини назарда тутади. Хусусан, ногиронлар ва имконияти чегараланган шахсларни ҳаракатга ўргатиш учун нафақат анъанавий услубий ёндашувлар, балки ноанъанавий ёндашувлар фойдаланилади, масалан, берилган натижа билан ҳаракатга келтирадиган ҳаракатга ўргатиш концепцияси; ақлий ривожланишда орта қолиш ва ЗПР кузатиладиган болаларда ҳаракат ва психомоторика бузилишини тузатиш учун шуғулланувчиларнинг ёшиджан қатъи назар энг самарали концепция сифатида ўйин фаолияти асосий концепция сифатида илгари сурилади.

Қуйидаги усуллар гурухлари адаптив жисмоний маданият учун энг одатий ҳисобланади:

- билимларни шакллантириш усуллари;
- ҳаракатга келтирадиган ҳаракатни ўргатиш усуллари;
- жисмоний хислатлар ва қобилиятларни ривожлантириш усуллари;
- шахсиятни тарбиялаш усуллари;
- педагог ва шуғулланувчиларнинг ўзаро алоқа қилиш усуллари.

Ушбу усуллар гурухларининг ҳар бири ҳар бир шахс ёки ўхшаш хусусиятларга эга бўлган шахслар гурухининг ўзига хосликларини акс эттирадиган хилма-хил услубий усулларни ўз ичига олади. Айнан услубий усулларни танлаш шуғулланувчиларнинг барча хусусиятларини: асосий нуқсон структураси ва оғирлигини, қўшимча ёки иккиламчи нуқсонлар бор ёки йўқлигини, шахснинг ёши, жисмоний ва руҳий ривожланиш даражасини, сесор тизимлар, таян-ҳаракатланиш органлари сақлангалиги ёки шискатланганлигини, ақл-заковатини, ўқиш қобилиятини, тиббий кўрсатмалар

ва қарши далиллар ва ҳ.к.ни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашувни амалга оширади.

Услубий йўллар ва усуллар йигиндисидан оқилона фойдаланиш педагогик таъсир воситасини ифодалайди ва педагогик фаолиятнинг бир қисми ҳисобланади. Уларнинг асосида ўқитиш қонуниятлари, ўкув-тарбия вазифаларини комплексли ҳал қилиш зарурати, умумуслубий ва маҳсус услубий тамойиллар ётади.

Билимларни шакллантириш усуллари. Ушбу усуллар кенг доирадаги вазифаларни ҳал этиши кўзда тутилган бўлиб, улар қуйидагиларга йўналтирилади:

- турли хилдаги ҳаракатга келтирувчи кўникмаларни муваффақият билан ўзлаштириш шартлари, тамойиллари, тушунчалари ва тасавурларини, тўлақонли ҳаракатланиш техникасини ўзлаштириш, жисмоний ва руҳий хислатлар ва қобилияtlарни, шунингдек, уларни амалиётда қўллаш тажрибасини ривожлантириш;
- жисмоний машқлардан онгли равиша фойдаланиш учун стимуллар, мотивлар, қадриятлар, меъёрлар, дастурлиамаллар яратиш.

Билимларни шакллантириш усуллари икки гурӯхга бўлинади: сўз усуллари (нутққа оид таъсир ахбороти) ва кўргазмалик усуллари (перцептив таъсир ахбороти).

Биринчи гурӯхга қуйидагилар киради:

- ахборотни тушунтириш, тавсифлаш, кўрсатиш, фикр юритиш, аниқлаштириш, изоҳ бериш, оғзаки баҳолаш, таҳлил қилиш, муҳокама қилиш, илтимос қилиш, маслаҳат бериш, сұхбат қилиш ва ҳ.к. кўринишида вербал (оғзаки) етказиш усули;
- ахборотни мимика, пластика, артикуляция, имо-ишоралар, эшитиш қобилияти бузилган шахслар учун кар-соқовлар алифбоси кўринишида новербал (нутқсиз) етказиш усули;
- туташ, боғланган нутқ усули – икки ёки ундан ортиқ шахснинг сўз ва ибораларни бир вақтнинг ўзида уйғунликда айтиши. Натқ ва эшитиш

қобилияти бузилганда «жүр» бўлиб айтиш мустақил гапиришдан кўра осонрок бўлади, шу сабабли гапириш билан боғлиқ нуқсонларни бартараф этиш усули бўлиб хизмат қиласди;

– идеомотор нутқ усули – уларни тўғри айтиш ва ҳаракатга келтирувчи фаолиятда ўзини-ўзи тартибга солишга ундейдиган алоҳида сўзлар, атамалар, топшириқларни мустақил равишда хаёлан «ичида» айтиш.

Иккинчи гурухдаги усуллар кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, кинестетика, вестибуляр, ҳарорат ва сенсорли-перцептив ҳаракат образини яратадиган бошқа воситалардан келиб тушадиган ахборотни ҳиссиёт орқали идрок қилишга асосланади. Ҳиссиётлар, зехн, идрок қилиш ва тасаввур қилиш ҳаракатга келтирадиган кўникмаларни шакллантириш, минимал хатолар билан ҳаракатга келтирадиган ҳаракатлар индивидуал техникасини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Турли нуқсонларга эга бўлган ногиронлар учун ахборотни ҳиссиёт орқали идрок қилишнинг алоҳида каналлари нуқсонларга эга эканлиги сабабли кўргазмалилик, намойиш, кўрсатиш ва ҳаракат усуллариайланма йўллар, нуқсонларнинг ўрнини босиш, сақланиб қолган функциялардан фойдаланишни мўлжаллаган ўзига хос характерга эга бўлади.

Кўрлар ва кўриш ва эшитиш қобилияти паст бўлган шахсларда кўргазмалик усуллари тактил анализатор орқали амалга оширилади, бунда сақланиб қолган кўриш, ҳис қилиш, эшитиш, ҳид билиш қолдик қобилиятлари фойдаланилади, лекин кўрсатма берувчи, йўналишни кўрсатуви ва тартибга соловчи функцияни бажарадиган нутқ муҳим роль ўйнайди. Ҳаракат ҳақида тасаввурларни шакллантириш учун қуйидагилар фойдаланилади:

- ҳаракатланадиган бўғимларга эга бўлган ясси ва бўрта тана макетлари;
- гавда вазияти, бўй-бости, тананинг алоҳида қисмларининг рельефли тасвири, магнитли кўргазмали қуроллар;
- турли фактурадаги кичик ва йирик инвентарлар: тўплар – кинестетик, тери, ҳид билиш, ҳароратни ҳис қилишни ҳисобга олган ҳолда силлиқ ва ғадир-будур тўплар, пластмасса, металл ва резина тўплар, ҳажми, ранги, вазни, ҳиди турлича бўлган тўплар;

– кўз орқали идрок қилишнинг ўрнини босадиган овозли сигналлар: овоз ёзиш аппаратураси, метроном, овозли сигнализаторлар, овоз чиқарадиган тўплар, макон бўйлаб йўналишни топишга ёрдам берадиган, тезлик ва бир маромдаликни белгилаб берадиган қўнгироқлар, нишонлар ва х.к.;

– мушак орқали идрок қилиш, мушаклар қисқариш кучи ва тезлиги, гавданинг макондаги ҳолатини тартибга солишга имкон берадиган техника деталларини эслаб қолиш ва такрорлаш, ҳаракатлар аниқлигини тўғирлаш учун тренажерлар;

– кўриш қобилияти паст бўлган шахслар учун ҳаракатга келтирадиган ҳаракатлар ва йўналишни белгилаб берадиган ҳаракатлар ҳақида қўшимча ахборот олишга имкон берадиган оптик воситалар (кўзойнаклар, линзалар ва б.).

Карлар ва эшитиш қобилияти паст бўлган шахслар учун кўргазмалилик усуллари оғзаки нутқнинг роли етакчи бўлган ҳолда сақланиб қолган бошқа барча ҳис-туйғу органларидан комплексли фойдаланишга асосланади. Улар учун энг одатий услугбий йўллар ва усуллар куйидагилар ҳисобланади:

– тана қисмлари, бўғимлар ва бошқаларнинг номи кўрсатилган ҳолда инсон танаси тасвирланган плакатлар – инсоннинг гавда тузилиши ҳақида яққол кўргазмали тасаввурлар, билимлар шакллантириш учун;

– ҳаракат схемалари ва расмлари, топшириқлар, кўрсатгичлар, йўналишни кўрсатадиган воситалар тасвирланган карточкалар – ўрганилаётган жисмоний машқлар ҳақида кўргазмали-амалий тасаввурлар шакллантириш учун;

– ҳаракатларни педагог ҳикояси билан ва шу билан бир пайтда тақлид ва боғланган нутқ бўйича машқларни бажарган ҳолда турли экспозицияларда кўрсатиш;

– ҳаракатларни оғзаки йўриқнома (таъриф, изоҳ) ва шу билан бир пайтда аниқлаштирувчи мимика, имо-ишоралар, юзидан ўқиб олиш учун нутқ билан кўрсатиш;

- маконга оид тасавурларни шакллантириш учун ясси ва бўртма предметлар, спорт инвентари ва ранги, шакли, ўлчами, вазни бўйича турли но-стандарт асбоб-ускуналарлар;
- эътиборни мужассам қилиш, ҳаракатнинг бошланиши ёки тугаши ҳақида ахборот учун ёруғлик, белгили ва вибрацияли сигналлар;
- бир маромдаги ҳаракатларни бажаришда эшитиш орқали қолдиқ идрок қилишдан фойдаланиш ва дифференциация учун мусиқий асбоблар овоз сигналлари.

Ўқитиш усулларини танлаш ва билимларни шакллантириш сенсорли тизимлар, нутқ ва ақл-заковатнинг сақланганлиги билан асосланади, лекин эшитиш қобилияти нуқсонини қоплаш асосан кўриш ёрдамида идрок қилиш, кинестетик ва вибрацион ҳиссиётлар ёрдамида амалга оширилади.

Ақлан заиф шахсларни ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий вазифаси бу бош мия қобигидаги нуқсонлар туфайли шикастланган билим олиш, эмоционал-ирода ва ҳаракатга келтирадиган соҳалар камчиликларини бартараф этиш ҳисобланади. Агар ахборот кўриш, эшитиш ва ҳаракат анализаторлари рецепторларидан бир вақтда келиб тушадиган бўлса, ўқитиш тезроқ рўй беради. Ҳаракатга келтирадиган образ шуғулланувчилар учун янада ёрқинлашади ва тезроқ ёдда қолади.

Шу сабабли усуллар ҳаракатга келтирадиган фаолиятда иштирок этадиган барча функцияларни фаоллаштириши лозим:

- жисмоний машқлар, оғзаки тушунтириш ва бажаришни кўрсатишни бир вақтнинг ўзида уйғуллаштириш;
- гавда структураси, бўғимлар ва асосий мушак гурухларининг функцияларини тушуниш учун инсон қиёфасини чизиш;
- кейинчалик намойиш этган ва бажарган ҳолда расм бўйича ҳаракатга келтирадиган ҳаракатни тасвирлаш-ҳикоя қилиш;
- битта машқни келгусида кўриб чиқкан ҳолда ёзма тавсифлаш;
- машқларни факат оғзаки йўриқнома бўйича, намойиш бўйича бажариш.

Бевосита машқларни кўрсатишга белгиланган талаблар қўйилади, чунки у аниқ, тўғри ва услубий жиҳатдан мос равища ташкил қилинган бўлиши лозим:

- фронтал юза бўйлаб бажариладиган машқлар ўкувчиларга қараб турган ҳолда бажарилиши лозим;
- саггитал юзада бажариладиган машқлар ён томонлаб кўрсатилиши лозим;
- ҳам фронтал, ҳам сагиттал юзада бажариладиган машқлар икки марта – ўкувчиларга қараб турган ҳолда ва ён томонлаб кўрсатилади;
- кўзгуда кўрсатиш машқ носимметрик ҳаракатлардан иборат бўлган ҳолларда зарур;
- ўтирган ёки ётган ҳолда бажариладиган машқларни максимал даражада ўзига эътибор қаратган ҳолда юқорида бажариш лозим.

Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган ногиронларнинг жисмоний машқлар бажаришида кўргазмалилик усуллари кинестетик ва проприоцептив ҳиссиётларга йўналганлик устунлигига барча органлар комплексли идрок қилиши орқали амалга оширилади. Бу мақсадда амалиётда биологик қайтувчан алоқа билан турли техник тизимлр ишлаб чиқилган ва фойдаланилади:

- оддий шароитларда бажарилмайдиган ҳаракатларни рағбатлантириш учун қўриш орқали қайтувчан алоқадан фойдаланишга асосланган компьютер ўйин тренажерлари;
- чуқур ҳис қилиш ва ҳаракатларни мажбурий бажариш асносида машқ қилиш йўли билан ҳаракатга келтирадиган ҳаракатларни ўзлаштириш учун қўлланадиган тандотерапия усули; соғлом ва ўқитилаётган кишининг механик алоқаси уни барча ҳис-туйғу органлари иштирок этадиган ҳар қандай ҳаракатларни биргаликда бажаришга мажбур қиласи;
- машғулотларга қизиқиши ошириш, ҳаракатларнинг йўналтириш асослари, ҳаракатлар образини шакллантириш учун видеофильм-ройтиқномалар.

Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган шахслар учун кўргазмалилик усулларини танлаш жароҳат ва касалликлар характеристи, сақланган функциялар

ҳолати, реабилитация-тикланиш даври босқичи, муайян вазифалар ва уларни ҳар бир машғулотда ҳал қилишнинг англаб етилганлиги билан изоҳланади. Ҳиссиётли образ қанчалик бой бўлса, ҳаракатга келтирадиган кўнималар шунчалик тезроқ ва осонроқ шаклланади, жисмоний, иродага оид ва интеллектуал қобилияtlар шунчалик самаралироқ намоён бўлади.

Ҳаракатга келтирадиган ҳаракатларни ўргатиши усуллари.

Оғзаки ва кўргазмали усуллар бевосиат жисмоний машқларни бажариш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўқитишнинг ахборот жиҳатларини акс эттиради. Ажратилган ҳолда ва тўлақонли ўқитиш усуллари анъанавий равища ҳаракатга келтирадиган ҳаракатларни шакллантиришга йўналтирилган усуллар ҳисобланади.

Тўлақонли машқни кичик қисмларга ажратиши ва уларни кетма-кетликда ўзлаштириши адаптив жисмоний маданиятнинг турли шаклларида ўқитишга хос жиҳат саналиб, қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- кўплаб жисмоний машқларанча мураккаб мувофиқлаштириш структурасига эга бўлиб, шуғулланувчилардан маконда йўналиш топа билишни, ҳаракатлар мувофиқлашганлигини, мувозанатни, ҳаракатнинг куч, вақт ва маконга оид тавсифномаларини аниқ такрор ишлаб чиқаришни талаб қиласди, лекин айнан шу қобилияtlар сенсорли, интеллектуал, ҳаракатга оид нуқсонларга эга кишиларда энг кам ривожланган бўлади;
- структураси бўйича мураккаб бўлган жисмоний машқларни ўрганиш кўп вақт талаб қиласди ва бу шуғулланувчиларда ўқиши фаолиятига қизиқишини пасайтириши мумкин. Психологик хусусиятлар туфайли ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болалар тез-тез ўзгаришлар ва муваффақияtlарга эҳтиёж сезади;
- алоҳида машғулот турларига ўқитиш аввалбошдан уларни кейинчалик бирлаштирган ҳолда алоҳида ҳаракат босқичларини кетма-кетликда ўрганишни кўзда тутади (сузиш);
- жароҳат ва касалликлардан сўнг реабилитация босқичида ҳаракат аппаратининг имкониятлари чекланганлиги сабабли тўлақонли ҳаракатланишнинг имкони бўлмайди.

- Реабилитация мақсадларида пассив ҳаракатлар фойдаланилади, масалан, ДЦПли бола учун умуртқа поғонасининг нормал ҳолатини шакллантириш учун шароитлар яратиш мақсадида тўп билан машқлар фойдаланилади: қўл, оёқ, гавда ва бошни навбатма-навбат қоринда ва белда ётган ҳолда қимирлатган ва мушакларни бўшаштирган ҳолда пассив эгиш;
- ҳаракатнинг алоҳида босқичлари ёки қисмларини алоҳида бажаришнинг устунлиги шундан иборатки, ўқитилаётган шахснинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда техниканинг индивидуал деталларига тузатиш киритиш, тананинг алоҳида қисмлари ҳолатини аниқлаштириш, ҳаракатга оид хатоларни тузатиш учун шароитлар яратилади.

Тўлақонли ўқитиш усули шундан иборатки, аввалбошдан жисмоний машқ унинг структураси тўлиқ ҳажмида ўрганилади. У ёки оддий машқларни ўргатишида, ёки қисмларга бўлинмайдиган машқларни ўргатишида, ёки қисмлар бўйича ўрганилган ва кейин бирлаштирилган машқларни мустаҳкамлашда фойдаланилади. Тўлақонли ҳаракатга келтирадиган ҳаракатни такомиллаштириш қўшимча усуллари бўлиб ўз структурасида асосий машқ элементларидан иборат бўлган *келтирувчи* машқлар ва асосий машқ структурасини, фақат бошқа шаротиларда тўлиқ тақрор ишлаб чиқарадиган *имитацион* машқлар хизмат қиласди. Бу маҳсус машқлар асосий ҳаракат босқичларини такомиллаштириш, динамик ва кинесматик техника тавсифномаларини мустаҳкамлаш ва тузатиш киритиш, шунингдек, ўрганилаётган ҳаракатга келтирадиган ҳаракатни бажариш учун зарур бўлган жисмоний хислатларни ривожлантириш учун мўлжалланган. Кичик синф ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини адаптив жисмоний тарбиялашда имитацион машқлар кўпинча турли ҳайвонлар, ҳашоратлар ва ҳ.к. овози ва ҳаракатларига тақлид қилиш учун фойдаланилади, бунда нафақат ҳаракатга келтирадиган ҳаракатлар, балки хаёл қилиш, тасаввур этиш ва фантазия ҳам ривожланади.

Жисмоний хислатларни ва қобилиятларни ривожлантириши усуллари.

Жисмоний машқларни кўп марта бажариш нафақат техника сифатини яхшилаш билан, балки машқ қилдирувчи таъсир, организмнинг барча тизим ва

функцияларини қамраб оладиган адаптация жараёнларини ривожлантириш билан биргаликда кузатилади. Жисмоний машқлар тартибга солинган тўплами, уларнинг интенсивлиги ва давом этишини тартибга солиш шуғулланувчилар организмига жисмоний юкнинг таъсир даражаси ва характеристи, унинг алоҳида қобилиятларини ривожлантиришни белгилаб беради.

Беш хил асосий жисмоний қобилиятлар (хислатлар) фарқланади: куч, тезлик, мувофиқлаштириш, чидамлилик ва мослашувчанлик.

Имкониятлари чегараланган шахсларда жисмоний хислатларни йўналтирилган тарзда ривожлантириш мақсадида худди соғлом кишилар учун бўлгани каби усувлар фойдаланилади:

– *мушак кучини ривожлантириши* учун - максимал ҳаракатлар, такрорий ҳаракатлар, динамик ҳаракатлар, изометрик ҳаракатлар, изокинетик ҳаракатлар усувлари, «зарба» усули ва электростимуляция усули;

– *тезлик хислатларини (тезликни) ривожлантириши* учун – такрорий, мусобақа, ўйин, вариатив (контрастли), сенсорли усувлар;

– *чидамлиликни ривожлантириши* учун – бир маромдаги, ўзгарувчан, такрорий, оралиқли, мусобақа, ўйин усувлари; имкониятлари чегараланган шахсларда чидамлилик, куч ва тезлик хислатларини ривожлантириш услубияти уларнинг соғлиғи ва функционал ҳолатини, машқ пайтида тўғри келадиган юкнинг оптимал ва очиқ режимларини аниқлашга (машқлар интенсивлиги ва давом этиши, дам олиш характеристи ва давом этиши, битта машғулотдаги жисмоний машқлар ҳажми, уларни навбатма-навбат бажариш мақсадга мувофиқлиги, толиқиши ва ишга лаёқатлиликни тиклаш омиллари), тиббий қарши далилларни ҳисобга олиш ва функционал, жисмоний, руҳий ҳолат динамикасини назорат қилишга таянади;

– *мослашувчанликни ривожлантириши* учун қуйидаги услубий йўллар қўлланади: динамик фаол ва пассив машқлар, статик машқлар ва аралаш машқлар. Уларнинг барчаси зарур ҳаракатлар амплитудасини таъминлашга, шунингдек, жароҳат, касаллик ва ҳ.к. натижасида бўғимларда йўқотилган ҳаракатчанликни тиклашга йўналтирилган. Чўздириш машқлари асосан бирлаштирувчи тўқималар – пай, мушак пардаси, мушак пайларига қаратилади,

чунки айнан улар бўшаши хусусиятига эга бўлмаган ҳолда эгилувчанликнинг ривожланишига тўсқинлик қиласи;

– *мувофиқлаштирувчи қобилиятларни ривожлантириши* учун гавданинг алоҳида қисмлари ҳаракатлари мувофиқлашганлигини такомиллаштириш ва тузатиш киритш, вақт, макон ва ҳаракатларни дифференциация қилиш, бўшашиш, мувозана, кичик моторика, ҳаракатлар бир маромдалиги ва бошқаларга қаратилган услубий йўллар кенг доираси фойдаланилади.

Шахсни тарбиялаш усуллари. Шахсни тарбиялаш усуллари тизими педагогик таъсир усуллари ва тарбия стратегик усуллари (омиллари) йигиндисидан ташкил топади.

Стратегик усуллар қаторига қўйидагилар киради:

- тарбияловчи муҳит усули;
- тарбияловчи фаолият усули;
- инсоннинг реал ҳаётда ўзини тушуниб этиш усули.

Бу усуллар кишининг шахсига унинг ҳаётидаги ҳар бир ҳаракатга бир вақтда узил-кесил таъсир этиш хусусиятига эга.


Тарбияловчи муҳит ҳар бир киши муҳит обьекти ва таъсир муҳити обьекти саналган атрофдаги олам билан ўзаро боғлиқликда ҳаёт фаолиятини ташкил қилишни англаатади. Мехрибонлар уйида тарбияланадиган бола бир хилдаги яшаш ва мулоқот қилиш муҳитига, атрофдаги олам ҳақида жуда тор тасаввурга, кичиккин хулқ-атвор тажрибасига эга бўлади. Табиийки, бу омиллар шахсни тарбиялашни чегаралайди. Маданий, инсоний, маконга оид, воқеа-ходисаларга оид, хулқ-атвор, экологик ва ахборот муҳити шахсни ижтимоий ривожлантирувчи омил сифатида муҳитнинг мазмуни тарзида намоён бўлади. Ижтимоий омиллар обьектив таъсиридан профессионал тарзда фойдаланадиган педагог ижтимоий вазиятни педагогик вазиятга айлантирган – шу тариқа тарбияловчи муҳит яратган ҳолда унга мақсадли йўналтирилганлик баҳшида этади.

Тарбияловчи фаолият инсоннинг реал воқеликка муносабатини фаолият билан тасдиқлаган ҳолда тарбияланувчиларни барча фаолият турларига жалб қилишни англаатади. Фаолият – шахс ривожланишининг моддий

субстанциясидир. Ҳар қандай тарбия тури – ахлоқий, эстетик, меҳнат ва жисмоний тарбия бу – доимо шахснинг мақсадли йўналтирилган фаоллиги, фаолият жараёнида дунёга келган шахс структурасидаги янгиликлардир. Инсон фаолияти, атрофдаги оламга таъсир этган ва уни ўзгартирган ҳолда хилма-хил эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб хизмат қиласи ва шу билан бир пайтда маънавий, жисмоний ва руҳий ривожланиш омили ҳисобланади. ҳар қандай тўлақонли муайян фаолият уни истиқбол учун баркарор ва англаб етилган қиласиган эҳтиёжлар, мотивлар, қизиқишлар, қадриятли йўналишлар билан изоҳланади.

Инсонинг реал ҳаётда ўзини тушуниб етиши унинг атрофдаги олам билан ўзаро алоқаларини, ҳаётдаги, ижтимоий муносабатлар ва мулоқот тизимидағи, қадриятлар йўналишини танлашдаги ўрнини англатади. Дунёда ўз «мен»ини ва ўзида дунёни шакллантириш – шахснинг ижтимоийлашувига тенг бўлган мураккаб, комплексли муаммо ҳисобланади. Ушбу жараённинг моҳияти шундан иборатки, киши оддийгина туғилиш билан маданиятдан ўрин топган ҳолда яшамайди, балки ўзи маданият соҳиби ва яратувчиси ҳам ҳисобланади. соғлом кишилар билан таққослаганда, сенсорли, ҳаракат ва интеллектуал нуқсонли кишиларда бу жараён ҳаракатчанликнинг пастлиги, коммуникация имкониятлари чегараланганлиги билан изоҳланадиган табиий мураккаблашувга эга. Шу сабабли ижтимоий мухит, ранг-баранг фаолият асосий тарбия омиллари сифатида шахснинг ушбу аҳоли тоифасида шаклланиши, ўзини-ўзи баҳолаши, ҳаётда алоҳида ўринга эга.

Педагогик таъсир усуллари. Тарбиялаш учун инсоннинг атрофдаги воқеликка муносабати ва унинг реал намоён бўлишлари бошланғич ҳисобланади. Муносабат уч хил шаклда – онг, ҳиссиёт ва ҳаракат шаклида мавжуд бўлиши сабабли, педагогик таъсирнинг уч хил тарбия каналларидан фойдаланиш табиий ва мантиқий бўлади. Муносабатнинг районал томони сўз орқали, амалий томони – ҳаракат орқали, ҳиссиётли томони – баҳолаш таъсири орқали амалга оширилади.



Ишонтириши усули услугий йўлларни: мулоҳаза, хабар қилиш, фикрлаш, сухбат қилиш, баҳслашиш, кенгашиш, таассуротлар алмасиниш, ички мазмунни очиб бериш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Машқ усули қуйидаги услугий йўллар билан амалга оширилади: педагогнинг шахсий намунаси, бирон нарса қилиш ёки ўзгартириш илтимоси, намойиш-йўриқнома, маҳсус тренинг (масалан, этикет кўниммалари), маҳсус ҳолатларда ҳаракат қилишга буйруқ (жанжални тўхтатиш, бирорнинг буюмини қайтариш) и др.

Педагогик баҳолаши усули икки хил турда бўлади: очиқ педагогик баҳолаш ва яширин педагогик баҳолаш. Яширин педагогик баҳолаш энг самаралидир, чунки у мустақлликни ривожлантиради.

Ривожланишда камчиликлар кузатиладиган болалар учун ижобий мустаҳкамлаш – болага бўлган муҳаббатни ифодалашда асосий операциядир. У ёки рағбат, ёки мақтов, ёки совға, сувенир, ёки хурсандчилик, ширинлик ёки ўйинчоқни ўз ичига олиб, шу тариқа боланинг маънавий кучини оширади. Бундан ташқари, боланинг омадсизлик олдидағи қўрқув ҳиссини йўқотиш (хеч қандай қўрқинчли нарска йўқ), болани ишонтириш (албатта қўлингдан келади), фаолият мотивини қучайтириш (бу сен учун жуда муҳим), шахснинг алоҳида хислатларини қайд этиш лозим.

Жазолаши худди шу тарзда ташкил қилинади, лекин баҳолаши йўналиши ўзгаради. Куйидаги усуллар фойдаланилади: маъқулламаслик, танбех бериш, хурсандчиликдан маҳрум қилиш ва б.

Ушбу тарбиялаш усулларини амшиш шахсга нисбатан жуда нозик психологи муносабатни амалга оширади ва шу сабабдан алоҳида педагогик маҳоратга эҳтиёж сезади.

Педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларини ташкил қилиши усуллари. Гап адаптив жисмоний мааддиятнинг ўзига хос вазифаларини ҳал қилишда педагог ва ўқувчиларнинг (катталар ва болаларнинг) ўзаро алоқаларини ташкил қилишнинг самарали усуллари ҳақида боради. Ногиронлар ва имконияти чегараланган шахслар учун индивидуал, индивидуал-гурух ва кичик гурух машғулотлари энг мос келадиган ҳисобланади.

Индивидуал машғулотлар. Мураккаб ҳаракатга оид нуқсонларига эга бўлган кўп сонли ногиронлар гурухи – орқа мия шикастланган ва касалланган, оёқ-қўллари туғма ривожланмаган, ДЦП асоратлари кузатиладиган болалар, ақлан заиф ногиронлар, турли нозологик гуруҳдаги ногирон болалар, уйида ўқийдиган болалар учун индивидуал усул қўпинча ягона мақбул келадиган ҳисобланади, чунки бу педагогнинг эътиборини факат бир кишига қаратишни талаб қиласди.

Индивидуал-гурух машғулотлари. Биргалиқда машғулот ўтказиш учун гурух аъзолари сони 2-3 кишидан 6-8 кишигачани ташкил қиласди. Улар ёки турли ёшдаги ногиронларни (масалан, 20 дан 50 шгача унда катта ёшдаги кўриш қобилияти бўйича ногиронларни реабилитация қилиш гурухлари), ёки битта нозологик гуруҳдаги ногиронларни (масалан, оёқ ёки қўли турли даражада ампутация қилинган, таянч-ҳаракат аппарати шикастланган шахслар), ёки турли нозологик гуруҳдаги ногиронларни (масалан, руҳий ривожланиш даражаси секинлашган, ақлан заиф, эшитиш қобилияти бузилган болалар) қамраб олади.

Кичик гурух машғулотлари. Бу маҳсус болалар боғчалари, мактаблар, интернатларда адаптив жисмоний тарбия бўйича ташкиллаштирилган машғулотларнинг энг тарқалган дарс шаклидир. Шуғулланувчилар сони 10-12

кишидан ошмайди. Қоидага күра, бу битта нозологик гурұхдаги, тахминан бир хил ёшдаги ҳамда рухий ва жисмоний имкониятлари бир хил бўлган болалар ҳисобланади. Гурӯхларни бутлаш ва дифференциация қилишни тиббий-психологик комиссия амалга оширади.

Адабиётлар:

1. Б.135-158; 2. Б.55-67; 3. Б.257-273; 4. Б.26-42; 5. Б.19-42.

Назорат учун саволлар:

- 1) «Адаптив ҳаракатга келтирувчи рекреация» деганда нимани тушунасиз?
- 2) «Адаптив ҳаракатга келтирувчи реабилитация» деганда нимани тушунасиз?
- 3) Жисмоний реабилитацияга нималар киради?
- 4) Қайси кинезотерапия воситаларини биласиз?
- 5) «Эрготерапия» атамасига таъриф беринг?
- 6) «Усул» ва «услубият» атамаларига таъриф беринг. Уларнинг фарқи нимада?
- 7) Педагогик таъсир усулларини санаб беринг
- 8) Жисмоний хислатлар ва қобиляяларни ривожлантириши усулларини санаб беринг?
- 9) Шахсни тарбиялашнинг қайси усулларини биласиз ва амалиётда фойдаланасиз?
- 10) Ҳаракатга келтирадиган ҳаракатга ўргатиш усулларини санаб беринг?

Адабиётлар

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.

2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.
3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
5. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

- 6 www.ziyonet.uz
- 7 www.zoj.ru
- 8 www.libsport.ru
- 9 www.bmsi.ru
- 10 www.ocw.mit.edu
- 11 www.edx.org
- 12 www.universarium.org

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотларда тингловчиларда адаптив жисмоний маданиятнинг ўрганилган назарий асослари мустаҳкамланади, амалий масалалар ҳал этилади. Олинган билимлар ва кўниқмалар дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, илмий мақолалар ва тарқатма материаллар бўйича мустаҳкамланади.

Амалий машғулот № 1.

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАМОЙИЛЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақсад: адаптив жисмоний маданият тамойилларини амалга ошириш хусусиятларини ўзлаштириш.

Зарур инвентарь: флипчарт, маркерлар.

Адаптив жисмоний маданият тамойилларини кўриб чиқиш.

Флипчартда (доскада) адаптив жисмоний маданият тамойиллари гурӯхлари жадвалини тузинг.

Ижтимоий тамойиллар	Умумуслубий тамойиллар	Махсус услубий тамойиллар
<i>Ижтимоийлашув</i>	<i>кўргазмалилик</i>	<i>Диагностика</i>
...

Ижтимоий (гуманистик йўналганлик, ижтимоийлашув, жисмоний маданият таълими узлуксизлиги, интеграциялар, микросоциум устувор роли), умумуслубий (илмийлик, яратвчанлик ва фаоллик, кўргазмалилик, очиқлик, тизимлилик, мустаҳкамлик) ва маҳсус услубий (диагностика қилиш, дифференциация ва индивидуаллаштириш, корекцион-ривожлантириш йўналиши, компенсаторли йўналганлик, ёшга оид хусусиятларни ҳисобга олиш, профилактик йўналганлик, оптимальлик ва вариативлик) тамойиллар ва адаптив жисмоний маданиятни қўллаш хусусиятларига тавсиф беринг.

**Адаптив жисмоний маданиятнинг илмий муаммолари макони
моделини тузиш.** Декарт координаталар тизимида (флипчартда, доскада)

адаптив жисмоний маданиятнинг илмий муаммолар макони моделини тузинг: биринчи ўқ – адаптив жисмоний маданият турлари, иккинчи ўқ – касаллик (ногиронлик) турлари, учинчи ўқ – инсон ҳаётининг ёшга оид даврлари.

Учала муаммолар ўқининг ўзаро алоқасига мисолларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини таҳлил қилинг.

Ўтказилган амалий машғулот бўйича хуносалар чиқаринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

- 1. C.135-158; 2. C.55-67; 3. C.257-273; 4. C.26-42; 5. C.19-42.**

Назорат учун саволлар:

- 1) “Адаптив жисмоний маданият” атамасини қандай тушунасиз?
 - 2) “Реабилитация” атамаси нимани англатади?
 - 3) Имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий интеграцияси қандай йўллар билан юз беради?
 - 4) Адаптив жисмоний маданиятмашғулотларида турмуши тарзи қандай ўзгаради?
 - 5) Адаптив жисмоний маданият компонентлари(турлари)ни санаб беринг.
 - 6) “Адаптив жисмоний тарбия” атамасини қандай тушунасиз?
 - 7) Адаптив жисмоний рекреация қандай ташкил этилади?
 - 8) Адаптив спортнинг қандай йўналишиларини биласиз?
 - 9) Адаптив ҳаракат реабилитацияси билан кимлар шугулланади?
 - 10) Креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётларга нималар киради?
 - 11) Ҳаракат фаолигининг экстремал турлари нима учун керак?
-
12. Адаптив жисмоний маданиятнинг педагогик таъсирини таърифлааб беринг
 13. Қандай нозологик гурухларни биласиз?
 14. Топшириқларни санаб ўтинг (умумий ва маҳсус)?
 15. Адаптив жисмоний маданият воситаларига тавсиф беринг

16. Сиз қайси машқ таснифларини биласиз?

Адабиётлар

6. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
7. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.
8. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
9. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
10. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

- 6 www.ziyonet.uz
- 7 www.zoj.ru
- 8 www.libsport.ru
- 9 www.bmsi.ru
- 10 www.ocw.mit.edu
- 11 www.edx.org
- 12 www.universarium.org

Амалий машғулот №2.

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ КОРРЕКЦИОН- РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШИ

Мақсад: адаптив жисмоний маданият услубиятларининг коррекчон-ривожлантириш йўналишларини ўрганиш.

Зарур инвентарь: флипчарт, маркерлар.

Тингловчилар грухини кичик грухларга ажратинг(5-6 кишидан иборат, турли ихтисослик ёки турли муассасалардан бўлиши мақсадга мувофиқ). Ҳар бир кичик грух флипчарт варакларида (доскада) адаптив жисмоний маданиятнинг тули усуллари, услубиятлари ва воситаларини қўллаш хусусиятлари тавсифномалари билан адаптив жисмоний маданият индивидуал йўналишига мсиоллар тузади

- 1) Сенсорли тизимлар функцияларини тузатиш, профилактика қилиш ва ривожлантириш (кўриш, эшитиш, кинестетик, тактил, вестибуляр ва б.).
- 2) Рухий нуқсонларни тузатиш (эътибор, хотира, нутқ, тасаввур, идрок қилиш, эмоционал-идора соҳаси, хулқ-атвор, мотивация, шахсий хислатлар).
- 3) Соматик ва вегетатив нуқсонларни тузатиш (гавдани тутиш, ясси оёқлик ва бошқа гавда бузилишлари, нафас олиш тизими, эндокрин тизим, юрак-қонтомир касалликлари ва б);
- 4) Мувофиқлаштириш қобилиятини тузатиш (гавданинг алоҳида қисмлари харакатлари муштараклиги, қўл моторикаси ва б.).
- 5) Жисмоний тайёргарлик етарли эмаслигини тузатиш ва ҳаракат фаоллигини чеклайдиган жисмоний хислатларни ривожлантириш.
- 6) Асосий ҳаракатлар техникасини тузатиш (маконга оид, вақтга оид, динамик, ритмик тавсифномалар).

Адаптив жисмоний тарбия борасида таклиф этилган дастурларни таҳлил қилинг, холосалар чиқаринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

- 1. C.135-158; 2. C.40-45; 4. C.120-173; 5. C.29-34.**

Назорат учун саволлар:

- 1) “Адаптив жисмоний маданият” атамасини қандай тушунасиз?
 - 2) “Реабилитация” атамаси нимани англатади?
 - 3) Имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий интеграцияси қандай йўллар билан юз беради?
 - 4) Адаптив жисмоний маданиятмашғулотларида турмуши тарзи қандай ўзгаради?
 - 5) Адаптив жисмоний маданияткомпонентлари(турлари)ни санаб беринг.
 - 6) “Адаптив жисмоний тарбия” атамасини қандай тушунасиз?
 - 7) Адаптив жисмоний рекреация қандай ташкил этилади?
 - 8) Адаптив спортнинг қандай йўналишларини биласиз?
 - 9) Адаптив ҳаракат реабилитацияси билан кимлар шугулланади?
 - 10) Креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётларга нималар киради?
 - 11) Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари нима учун керак?
12. Адаптив жисмоний маданиятнинг педагогик таъсирини таърифлаб беринг
13. Қандай нозологик груухларни биласиз?
14. Топшириқларни санаб ўтинг (умумий ва маҳсус)?
15. Адаптив жисмоний маданият воситаларига тавсиф беринг
16. Сиз қайси машқ таснифларини биласиз?

Адабиётлар

11. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
12. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.

13. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
14. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
15. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

- 6 www.ziyonet.uz
- 7 www.zoj.ru
- 8 www.libsport.ru
- 9 www.bmsi.ru
- 10 www.ocw.mit.edu
- 11 www.edx.org
- 12 www.universarium.org

Амалий машғулот №3.

ЖАРОХАТЛАНИШ ВА КАСАЛЛИКЛАРДА ТИКЛАНИШ БҮЙИЧА ЯККА ТАРТИБДАГИ ДАСТУРЛАР ЯРАТИШ

Мақсад: жароҳатланиш ва касалликларда тикланиш бүйича якка тартибдаги дастурлар яратиш хусусиятларини ўрганиш.

Зарур инвентарь: флипчарт, маркерлар.

Қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жароҳатланиш ва касалликларда тикланиш бүйича якка тартибдаги дастурлар яратиш хусусиятларига тавсиф беринг. Тингловчилар гурухини кичик гурухларга ажратинг (5-6 кишидан, турли ихтисосликдаги ёки турли таълим муассасаларидан бўлиши мақсадга мувофиқ). Ҳар бир кичик гурух флипчарт варақларида (доскада) адаптив жисмоний маданиятнинг турли усуллари, услубиятлари ва воситаларини қўллаш хусусиятлари тавсифномаси билан якка тартибдаги дастурларга мисоллар тузади.

- 1) Адаптив жисмоний маданият билан шуғулланувчилар ҳолатини режалаштириш ва комплексли (тиббий-психологик-педагогик) назорат қилиш.
- 2) Адаптив жисмоний маданиятда жорий, босқичма-босқич ва даврий назорат хусусиятлари.
- 3) Педагогик жараёнга нисбатан четдан бўлган шахслар (тиббий-ижтимоий экспертиза, реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича марказлар, адаптив спортда спорт-тиббий таснифлаш бўйича комиссиялар) томонидан амалга ошириладиган шуғулланувчилар устидан тиббий-психологик назорат.
- 4) Врач тавсияларини ҳисобга олган ҳолда якка тартибдаги реабилитация дастурлари тузиш.

Таклиф этилган реабилитация дастурларини таҳлил қилинг, хulosалар чиқаринг.

Адабиётлар:

1. С.99-115; 2. С.67-81; 3. С.229-235; 4. С.214-263.

Назорат учун саволлар:

- 1) “Адаптив жисмоний маданият” атамасини қандай тушунасиз?
 - 2) “Реабилитация” атамаси нимани англатади?
 - 3) Имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий интеграцияси қандай йўллар билан юз беради?
 - 4) Адаптив жисмоний маданиятмашғулотларида турмуши тарзи қандай ўзгаради?
 - 5) Адаптив жисмоний маданияткомпонентлари(турлари)ни санаб беринг.
 - 6) “Адаптив жисмоний тарбия” атамасини қандай тушунасиз?
 - 7) Адаптив жисмоний рекреация қандай ташкил этилади?
 - 8) Адаптив спортнинг қандай йўналишларини биласиз?
 - 9) Адаптив ҳаракат реабилитацияси билан кимлар шугулланади?
 - 10) Креатив (бадиий-музиқий) танага мўлжалланган амалиётларга нималар киради?
 - 11) Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари нима учун керак?
12. Адаптив жисмоний маданиятнинг педагогик таъсирини таърифлаб беринг
13. Қандай нозологик груухларни биласиз?
14. Топшириқларни санаб ўтинг (умумий ва маҳсус)?
15. Адаптив жисмоний маданият воситаларига тавсиф беринг
16. Сиз қайси машқ таснифларини биласиз?

Адабиётлар

16. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
17. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиет, 2014. – 84 с.

18. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
19. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
20. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

- 6 www.ziyonet.uz
- 7 www.zoj.ru
- 8 www.libsport.ru
- 9 www.bmsi.ru
- 10 www.ocw.mit.edu
- 11 www.edx.org
- 12 www.universarium.org

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

(ассессмент модуля)

Ассесмент – компетенция тушунчасида мужассамланган касбий сифатлар, билм, малака ва кўникмаларини баҳолаш мезони. Ассесмент кайсиdir саволга (касбий ўйинлар, тестлар, интервью, соровномалар) компетентциясини аниқлашга имкон берувчи боҳолашнинг турли методларини ўз ичига олади.

Ассесмент тўрт этапдан ташкил топади:

1) Касбий ўйин – сюжетлар бирлашмаси билан, ишчи холатларни моделлаштирувчи, барча билимлар мажмуаси. Касбий ўйинлар бир нечта асосий шаклларда ўтказилиши мумкин:

- гурӯҳли дискуссия (бўлинган ва бўлинмаган роллар билан);
- жуфт ролли ўйинлар (сухбат, музокаралар ва ш.к.);
- индивидуал аналитик презентацияла;
- инбаскет (ресурслар ва вақтни режалаштириш, хужжатлар таҳлили).

2) Интервью – экспертнинг иштрокчи билан иши ва меҳнат биографияси ҳақида сухбати.

3) Баҳолар келишилиши – компетенцияси бўйича иштрокчиларни интеграл баҳолаш жараёни, кайсики эксперталар баҳолаш жараёнида унинг хулқи, касбий ўйиндаги баҳоси, интервью ҳамда умумий хулосани ишлаб чиқишадилар.

4) Қайта алоқа – иштрокчи ва унинг раҳбарига оғзаки ва ёзма тарзда ассесментдан ўтиш натижалари ҳақида етказиш, унинг кучли ва заиф тарафларини айтган холда ривожланишига қаратилган тавсиялар бериш.

Ассесментни ўтказиш жараёнида асосий индивидуал ва гурӯҳли компетенцияларини баҳоланади (ёки малакалари):

- стратегияни тушуниши;
- келажакни прогнозлаштириш;
- студентга/ҳамкасбга йўналиш;
- фикрлаш ва қарор қабул қилиш (аналитик, тизимли);
- натижага йўналиш (мақсадни қўйиш, ташаббускорлик, муваффақиятга эришиш мотивацияси, стрессга турғунлик);
- янгиликка очиқлик (фикрларнинг эгилувчанлиги, гибкость мышления, мажбуриятларга мослашиш, ўзини-ўзи ривожланишига интилиш, ижодий фикрлаш);
- режалаштириш (вақтни бошқариш, ишларни режалаштириш, ресурсларни бошқариш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш, лойини бошқариш);
- бажаришни бошқариш (масалаларни қўйилиши, бажарилиш назорати);
- гурӯҳда лидерлик (айни вақтга қараб, эмоционал);
- таъсир қилиш (ишонтириш, музокаралар);
- коммуникатив компетентлик;
- устозлик;
- гурӯҳда ишлаш (кооперацияга қобилияти, командани шаклланиши, функционал ўзаро ҳаракатлар, камандада ишлаш).

«Кейс-стади» Ассесменти «Адаптив жисмоний тарбия» модулида

«Кейс-стади» (Case-study) – ҳам маделлаштирилган, ҳам ҳаққоний вазиятлар мухокамаси ва қарори, тахлилга ососланган таълим тизими. «Кейс-стади» методи ўзида таълимнинг ривожлантирувчи технологияларни интеграциялаштиради, индивидуал, гурухли ва жамоавий ривожланиш жараёнларини қўллаб, тингловчиларда кўп қиррали шахсий сифатларини шакллантиради.

«Кейс-стади» методи деганда таълимнинг фаол методи, таълим берувчи томонидан ўқувчилар гуруҳида аниқ ва ноаниқ муаммо юзасидан вазиятни ёритиб беришга қаратилган вазифани ташкил этиш ва ўтказиш тушунилади.

Кейсни мухокама қилиш ва тахлилида дискуссияни ташкил қилишнинг асосий ўрнини, ғоялар генерацияси - “ақлий хужум” деб ном олган метод ташкил этади. “Ақлий хужум” таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фиклашини ривожлантиришда асосий восита сифатида кўрилади. “Ақлий хужум” уч фазани ўз ичга олади.

Биринчи фаза – психологик холатга кириш, стериотиплардан, кулгили ва омадсиз кўринишдан, кўрқишдан воз кечиш; бунда ғоя муаллифлиги йўқолиб умумийга айланганда қулай психологик мұхитни ва ўзаро ишончни яратиш орқали эришилади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади - тинчланиш ва хотиржамлик.

Иккинчи фаза – бу аслида хужум; ушбу босқичнинг мақсади - ғоялар оқими шиддат билан ишлаб чиқиш; бу босқичда «ақлий хужум» қўйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- ғоя бор – айтаман, ғоя йўқ – жим эмасман;
- ҳар қандай тасавурлар рағбатлантирилади, ғоя қанчалик кутилмаган;
- таклиф қилинаётган ғоялар имкон қадар катта бўлиши керак;
- айтилган фикирлар бир-биридан олиниши ва бошқача (ўзгартириш ва яхшилаш)тарзда тақдим қилинишига йўл қўйилади;
- танқид истисно тарзида, қўрқмасдан ҳар қандай фикрни айтиб ўтиш мумкин, ким уларни ёмон деб хисобласа, танқидчилар фикр билдиришдан маҳрум бўладилар;
- ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳеч қандай ахамият касб этмайди, бу ҳақиқий демократия ва бир вақтнинг ўзида ғоялар авторитарлигидир;
- барча ғоялар ғояларни қайд этиш вароғига ёзиб борилади;
- фикрларни айтиб ўтиш вақти 1-2 дақиқадан ошмаслиги керак.

Учинчи фаза – қўйидаги қоидалар билан муаммога конструктив ечим топиш учун ижодий ғоялар таҳлили ҳисобланади:

- барча ғояларни, уларнинг бирор бирини биринчи ўринга қўймаган хорлда тахлил қилиш;
- тизимда ғоянинг ўрнини топиш ва ғояда тизимни топиш;
- заруратсиз моҳиятни кўпайтирмаслик;
- олинган натижанинг чиройи ва жозибаси бузилмаслиги керак;

- мутлақо янги тасаввурлар бўлиши керак (“ғўнгдаги марварид”).

«Кейс-стади» Ассесменти «Адаптив жисмоний тарбия» модулида

«Кейс-стади» (Case-study) – ҳам маделлаштирилган, ҳам ҳаққоний вазиятлар мухокамаси ва қарори, тахлилга ососланган таълим тизими. «Кейс-стади» методи ўзида таълимнинг ривожлантирувчи технологияларни интеграциялаштиради, индивидуал, гурухли ва жамоавий ривожланиш жараёнларини қўллаб, тингловчиларда кўп қиррали шахсий сифатларини шакллантиради.

«Кейс-стади» методи деганда таълимнинг фаол методи, таълим берувчи томонидан ўқувчилар гуруҳида аниқ ва ноаниқ муаммо юзасидан вазиятни ёритиб беришга қаратилган вазифани ташкил этиш ва ўтказиш тушунилади.

Кейсни мухокама қилиш ва тахлилида дискуссияни ташкил қилишнинг асосий ўрнини, ғоялар генерацияси - “ақлий хужум” деб ном олган метод ташкил этади. “Ақлий хужум” таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фиклашини ривожлантиришда асосий восита сифатида кўрилади. “Ақлий хужум” уч фазани ўз ичга олади.

Биринчи фаза – психологик холатга кириш, стериотиплардан, кулгили ва омадсиз қўринишдан, қўрқищдан воз кечиш; бунда ғоя муаллифлиги йўқолиб умумийга айланганда қулай психологик мұхитни ва ўзаро ишончни яратиш орқали эришилади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади - тинчланиш ва хотиржамлик.

Иккинчи фаза – бу аслида хужум; ушбу босқичнинг мақсади - ғоялар оқими шиддат билан ишлаб чиқиш; бу босқичда «ақлий хужум» қўйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- ғоя бор – айтаман, ғоя йўқ – жим эмасман;
 - ҳар қандай тасаввурлар рағбатлантирилади, ғоя қанчалик кутилмаган;
 - таклиф қилинаётган ғоялар имкон қадар катта бўлиши керак;
 - айтилган фикирлар бир-биридан олиниши ва бошқача (ўзгартириш ва яхшилаш)тарзда тақдим қилинишига йўл қўйилади;
 - танқид истисно тарзида, қўрқмасдан ҳар қандай фикрни айтиб ўтиш мумкин, ким уларни ёмон деб хисобласа, танқидчилар фикр билдиришдан маҳрум бўладилар;
 - ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳеч қандай ахамият қасб этмайди, бу ҳақиқий демократия ва бир вақтнинг ўзида ғоялар авторитарлигидир;
 - барча ғояларни қайд этиш вароғига ёзиб борилади;
 - фикрларни айтиб ўтиш вақти 1-2 дақиқадан ошмаслиги керак.
- Учинчи фаза – қўйидаги қоидалар билан муаммога конструктив ечим топиш учун ижодий ғоялар таҳлили ҳисобланади:
- барча ғояларни, уларнинг бирор бирини биринчи ўринга кўймаган хорлда тахлил қилиш;
 - тизимда ғоянинг ўрнини топиш ва ғояда тизимни топиш;

- заруратсиз мохиятни кўпайтирмаслик;
- олинган натижанинг чиройи ва жозибаси бузилмаслиги керак;
- мутлақо янги тасаввурлар бўлиши керак (“ғўнгдаги марварид”).

«Кейс-стади» методи бўйича машғулотлар намунаси

Маъзу: «Case-study – педагог фаолиятида замонавий қурол»

Мақсад: кейс методидан қўллаш орқали педагогнинг касбий компетентлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш заруратини уқтириш.

- Вазифалар:**
1. Педагогнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда кейс-стади методи интерактив метод сифатида тутган ўрнини аниqlаш.
 2. Касбий таълим жараёнида мазкур методни қўллашнинг ташкилий шартларини мутахассислик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда танлаб олиш.
 3. Кейс-стадини педагогик фаолиятига жорий қилишни моделлаштириш

Ўқитишининг самарадорлиги:

- иштрокчилар ўзларининг фаолиятларини такомиллаштириш учун интерактив таъсир этувчи кейс-стади методи ҳақида тасаввурга эгалар;
- келажакда ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган тушунчага танқидий ёндашув, баҳога, кузатиш асосида олинган ахборотлар таҳлили ва синтези, фикрлаш ёки мулохаза тажрибаси.

Муваффақиятлар мезонлари:

- педагогик махоратни камолотга етказиш заруратини тушуниш;
- бошқарув стратегиясини ислоҳ қилиш зарурати ҳақида ишончини шакллантириш;
- касбий махоратни такомиллаштириш доирасида кейс методи ҳақидаги маълумотларни эгаллаш;
- ўқув жараёнини бошқариш амалиётида интерактив методдан фойдаланиш муҳимлигини исботлай олиш қобилияти;
- ўқув методик фаолиятни замонавий кейс стади воситаларидан фойдаланиб режалаштира олиш қобилияти.

Асосий гоя: case-study интерактив методининг мохияти. Педагогнинг ўзини такомиллаштириши умумий методик таъсир ўтказиш самарадорлигини кучайтиришга имкон беради.

Воситалар, материаллар и ускуналар: Флипчарт, маркерлар, стикерлар, қоғоз вароқлари, проектор ва презентациялар «Кейс-стади – ўзаро тасир этувчи интерактив технологияси».

1 БОСҚИЧ. Муаммонинг ичига кириш.

Саломлашув. Визуаллашув.

Хурматли ҳамкаслар!

Келинг, аввал танишиб оламиз.

Ташриф қофози сифатида рангли варақалардан фойдаланишни тавсия қиласиз. Ўз исми шарифингизни ташриф қофозига ёзиб, флипчартга маҳкамлаб қўйинг. (қўйида ротация учун ҳар хил рангли варақалар)

Муаммони долзарблаштириш.

“Қора қути”

Хурматли ҳамкаслар!

Қаршиңгизда машхур қора қути турибди. Нима деб ўйлайсиз, бу қора қути қандай савол билан боғлиқ? (иштирокчиларнинг жавоблари)

Эҳтимолий жавоб: Қора қутида нима бор?

- Бу анъанавий савол, лекин биз бошқа йўлдан борамиз.

- Айтинг-чи, қора қутини нима билан боғлаш мумкин?

- Одамни қора қути билан боғлаш мумкинми? Нима учун?

Эҳтимолий жавоб: инсоннинг фикрлаш аппарати шу қадар мўъжизавий қурилмаки, унинг ичида айни топда қандай ғоялар, қандай хаёллар борлигини ҳеч ким билмайди. Бу, аслида, ўз жумбоқлари, кутилмаган, ноодатий хислатлари бўлган қора қутининг ўзи.

Биз уни фақат пайпаслаб, қулок тутиб, тарозида тортиб қўриб ўрганишимиз мумкин.

- Агар диққатимизни бевосита таълим масаласига қаратадиган бўлсак ва педагог фаолиятини тасаввур қилсак, у ҳолда ўзаро муносабатлар жараёнини тусмоллаб бошқаришга тўғри келаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин...

Хулоса. Бизнинг педагог сифатидаги вазифамиз – ҳар бир таълим олувчининг яширин имкониятларини ўрганиш ва уни касбий ҳамжамият доирасидаги ўзаро конструктив муносабатларга қизиқтиришдан иборат.

Қора қутига ва унинг ичида нима борлиги масаласига қайтадиган бўлсак, биз буни аниқ била оламизми? Биз уни очишимиз мумкинми?

Агар одам ҳақида гапирадиган бўлсак, уни ўз фикр ва ғояларини кўпчиликка маълум қилишга кўндириш учун нима қилиш зарур?

Хулоса. Ишонтириш – катта куч. Бунинг учун эса, бошқа кишилар билан бўлгани каби, одамда ўз фикр ва ғояларини кўпчиликка маълум қилишдан манфаатдорлик (маънавий, жисмоний, қизиги шундаки, ҳатто моддий) бўлиши лозим.

Бизда иш тизими шундай ташкил этилиши керакки, ҳар бир педагог ўз шахсий фаолиятини тақдим этишдан уялмасин. Бунга эришиш учун давримизнинг тезкор равишда ўзгариб турадиган воқеалари шиддатига мувофиқ тарзда такомиллашиб боришимиз шарт.

Мухокама учун саволлар.

- Бунинг учун нима қилиш керак? Иш тизимини қандай яратиш мумкин? - Дастлаб қолиплардан қутулиш, фаолиятни янги шакллар, метод ва приёмлар ёрдамида инновацион режимда режалаштириш зарур.

- Ўқув-методик фаолият йўналишларидан бирини кўриб чиқишни таклиф қиласман.

Иш тизими тақдимоти.

Биз шартли равища иш шаклларини уч гурухга тақсимладик:

- анъанавий (тарихан шаклланган)

- инновацион (замонавий фаолият қуроли сифатида кенг қўлланадиган замонавий шакллар)

- модификациялаштирилган (бу гурухга биз кенг қўлланмайдиган шаклларни киритдик)

Келинг, методик фаолиятнинг энг ёрқин шаклларидан бири кейс-стади устида батафсилоқ тўхталсак. Бироқ тақдимотга ўтищдан олдин муаммоли савол берамиз:

- Баъзан ноҳуш ҳодисалар бўлиб туради: тест ва меъёрлар ўз вактида топширилмайди, топшириқлар нотўғри бажарилади, ишда иштирок этишдан бош тортишади, лойиҳалар амалга оширилмайди... ва ҳ.к. Аммо бунда ҳар доим баҳона топса бўлади. Айборнинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда уни ўз хатоларини тан олишга мажбур қилиш мумкинми?

Эҳтимолий жавоб: уни эмпатиклик намоён қила олиши мумкин бўлган вазиятга сунъий равища тушириш.

Хуласа: Кейс технологиясининг моҳияти айнан шунда.

2 БОСҚИЧ. Мазмунини англаш (10 мин).

Янги ахборотни тақдим этиши.

Кейс-стади интерфаол ўзаро муносабатлар технологияси ҳисобланган кейс технологиясига асосланган шакл.

Кейс-стадининг асосий маъносини акс эттирувчи фикр:

«Машина ҳайдашини ўрганиши учун сизга ички ёнув двигателининг тузилиши ҳақидаги узундан-узоқ маъруза эшиштишининг кераги йўқ. Бунинг учун машина ва яхши йўриқчи бўлса бас.

Кейс-стади (инглизча *case* – реал вазият деган маънони билдиради) – муайян реал вазиятлар методи ҳисобланади.

Кейс-стадининг моҳияти – муайян вазиятларни таҳлил қилиш мисолида умумий қонуниятларни ўрганиш демак.

Технология XX асрнинг бошларида Гарвард тадбиркорлик мактабида (АҚШ) юзага келди. Кейинроқ ОТМ ларнинг ўқитувчилари ундан хуқуқшуносларни ўқитишида фойдалана бошладилар. Ёш хуқуқшуносларга, улар маҳоратни амалиёт орқали эгаллашлари учун эски, архивдаги суд материаллари устида ишлашни таклиф қилганлар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу метод маъруза тинглаш, адабиётлар ўқишига нисбатан юқорироқ натижка кўрсатган.

Кейс ўзи нима? Кейс – бу ҳаётий вазият бўлиб, қарор қабул қилиш, зиддият ёхуд муаммони ҳал этиш учун зарур бир ахборотни ўз ичига олади, уни гурухда муҳокама қилиб, масаланинг моҳияти бўйича тингловчиларнинг фикрларини аниклаш учун тавсия этиш мумкин.

Кейсларнинг тури кўп, лекин биз ҳар бир кейснинг назарияси устида тўхталиб ўтирмаймиз. Биз кейсларнинг бир тури билан танишамиз – бу кейс-

айсберг бўлиб, унда вазиятни ҳал қилишда қўшимча маълумотлар берилмайди, иштирокчилар бу маълумотларни ўз тажрибаларига таяниб, мустақил равишда топадилар. Бизнинг ҳолатимизда вазиятнинг ечими шахсий тажрибага асосланади.

Кейсни ишлаб чиқиши моделига эътибор беринг.

Сизга асосий кейс таклиф қилинади. Асосий кейсдаги вазиятнинг ечимини топиш учун бир қатор мини-кейслар ҳал этилишини назарда тутадиган ахборотни кўлга киритиш керак.

Кейсларни баҳолаш мезонлари:

- муаммонинг тўғри ҳал қилиниши;
- муаммонинг янгича ва ноодатий йўл билан ҳал қилиниши;
- назарий қисмнинг қисқа ва аниқ баён этилиши;
- муаммо ечимининг сифатли расмийлаштирилиши;
 - мунозара олиб бориш этикаси.

З-БОСҚИЧ. Кейс ишланмаси

Асосий кейс: (барча иштирокчиларга таклиф этилади)

Ўтган йили ўқувчилар (талабалар) жамоасига янги ўқувчи (талаба) – имконияти чекланган (ногирон), лекин ғайратли, иқтидорли ва умидли ўсмир (йигит) келиб қўшилди. Унда янги ғоялар кўп, шунинг учун спорт байрамлари, мусобақалар ва ҳ.к. ташкил этишни таклиф қиласди. Режалаштирган барча ишларини у вақтида амалга оширади, ўзи ҳам тадбирларда фаол қатнашар эди. Ғояларини тиришқоқлик билан рўёбга чиқарар, ҳар бир тадбирнинг ишланмасини тайёрлашга кўп вақт сарфлар, лекин борган сари бундан камроқ қониқиши ҳиссини туярди. Кайфияти ҳам ёмонлашиб борарди. Кўзларидаги учқун сўна бошлади. Миясида ўзининг ожизлиги ҳақидаги фикрлар тобора кўпроқ айланадиган бўлди.

Бунинг сабаби нимада? Вазиятни қандай қилиб изга солиши мумкин, маслаҳат беринг.

Хурматли ҳамкаслар! Уважаемые коллеги!

Асосий кейсда таклиф қилинган муаммонинг ечимини топиш учун сизга мини-кейсларни ҳал қилиш асносида топиш мумкин бўлган ахборотлар зарур.

Мини-кейсларни сиз гурухларда ҳал қиласиз.

Гурухлар ротацияси.

(Гурухларга тақсимлаш ташриф қоғозларининг рангига қараб амалга оширилади.

1-мини-кейс

«Эксперт кенгаши: дамокл қиличи (доимий таҳлика) ёки ютуқ?»

Аттестация доирасида кутилган баҳони олиш учун бажарилган меъёрларнинг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади. Эксперт кенгаши (бир педагог ёки ҳайъат) томонидан жисмоний тайёргарлиги даражаси маъқулланган ўқувчилар (талабалар) ўзларини жисмоний ривожланишнинг шу даражасида чегаралаб қўядилар. Тайёргарлиги даражаси ишлашни талаб қиласидан ўқувчилар (талабалар) кўпинча машғулотлардан “озод қилиниш” имконини излайдилар ва ўз ахволларини яхшилашга интилмайдилар.

Нега бундай бўлади? Ушбу вазиятдан чиқши ийлини тақлиф қилинг.

2-мини-кейс

“Технокомпетентлик – хато учун масъуллик..”.

“Инклузив таълим – ўқувчилар саломатлигини яхшилаш омили” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинар доирасида иккита кўргазмали дарс намойиш қилинди, шундан сўнг муаммонинг назарий асосланиши, тадқиқот натижалари ва ҳ.к. ни кўзда тутувчи мастер-класс ўтказилди. Семинарда факат тақдимотлар намойиш этилди, мастер-классда ҳамма “инклузия” тушунчаси атрофида ўралашди, аммо аниқ асослар кўрсатиб берилмади. Семинарда иштирок этган экспертлар инклузив таълим технологияси ҳақида умуман тушунча йўқлигини қайд этди. Бу технологиядан фойдаланишни ўрганиш учун келган семинар иштирокчилари инклузия технологияси тўғрисида сохта тасаввурга эга бўлиб кетдилар.

Экспертлар хulosасини изоҳлаб беринг. Вазиятни қандай изга солиши мумкин? Вазиятдан чиқши ийлини тақлиф қилинг.

3-мини-кейс

«Иқтидорли бола – алоҳида ёндашув...”

Мактаб ўқувчиларининг (талабаларнинг) функционал саводхонлиги даражасини аниқлаш бўйича олимпиадалардан бирида топшириқ ёзилган қатор рўпарасига ўқувчи (талаба) шундай деб ёзиб қўйди: топшириқ хато тузилган, реал ҳаётга мувофиқ эмас. Албатта, бу топшириқ учун унга балл берилмади, ўқувчи (талаба) норози бўлди. Унинг иши материалларини кўтаришди. Топшириқ мазмуни қуйидагича эди: “Деҳқон аёл бозорга тухум сотиш учун келди. Биринчи харидорга у ҳамма тухумларининг ярми ва яна яримта тухум сотди. Иккинчисига қолган тухумларининг учдан бирини ва яна бир тухумнинг учдан бир қисмини сотди, учинчи харидорга эса охирги 11 та тухумини сотди. Деҳқон аёл ҳаммаси бўлиб нечта тухум сотди?”

Қандай қилиб тухумнинг ярмини ёки учдан бир қисмини ажратиш мумкин? Бозорда бирорга яримта тухум сотилганини ҳеч кўрганмисиз?

Ким ҳақ, ким айбор? Юзага келган вазиятнинг ечимини топинг.

Эълон қилиш

Асосий кейс ишланмаси.

Ҳар бир гурух мини-кейсларни ечиш жараённида кўлга киритилган маълумотларга таяниб, асосий кейсни ҳал этиш бўйича ўз фикрини беради. У ёки бу қарорни қабул қилиш оқибатларининг таҳлили.

4-БОСҚИЧ. Рефлексия

«Рефлексив сават»

Иштирокчилар мастер-класс ишига баҳо берадилар.

Ўз мулоҳазаларини саватга жойлайдилар.

Кейс ўтказиш (ассесмент) бўйича умумий хулоса чиқаринг.



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари.

- 1) Қомат бузилганда адаптив жисмоний тарбия методларини комплекс равища қўллаш.
- 2) Мактаб ўқувчиларида (талабаларда) ортиқча вазнни коррекциялашда адаптив жисмоний тарбиянинг восита ва методларини оқилона танлаш.
- 3) Кун тартибида кичик (ўрта, катта) мактаб ёшидаги заиф кўрувчи болаларнинг ҳаракат фаоллигини текшириш.
- 4) Болалар церебрал фалажи билан касалланган болаларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш.
- 5) Қуий синф ўқувчиларини ҳаракат фаолиятларига ўргатиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари.
- 6) Мусиқа жисмоний тарбия дарсларида кичик мактаб ёшидаги болалар ўқув фаолиятини жадаллаштириш воситаси сифатида.
- 7) Жисмоний тарбия бўйича инклузив ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини тадқиқ қилиш.
- 8) Имконияти чекланган мактаб ўқувчилари (талабалар)да жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 9) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларида қуий синф ўқувчиларини ҳаракат фаолиятларига ўргатиш методикасининг хусусиятлари.
- 10) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларининг болалар жисмоний сифатларини ривожлантиришга таъсири.

- 11) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракатли ўйинлар тизими асосида жисмоний сифатларни ривожлантириш технологияси.
- 12) Жисмоний тарбия машғулотларида кичик мактаб ёшидаги болалар қомати бузилишининг олдини олиш воситаларини оптималлаштириш.
- 13) Йиллик тайёргарлик циклининг тайёрлов даврида ёш спортчиларда касалланиш сабабларини текшириш ва унинг олдини олиш.
- 14) Қизлар (йигитлар)да қоматнинг функционал ҳолати бузилишини тадқиқ қилиш ва уни адаптив жисмоний тарбия воситалари билан коррекциялаш.
- 15) Адаптив жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида мактаб ўқувчилари (талабалар)нинг жисмоний ўз-ўзини тарбиялашини фаоллаштириш.
- 16) Юрак-қон томир касалликлари бўлган маҳсус тиббий гуруҳ талабалари жисмоний тарбиясини ташкил этишга дифференциацияланган (табақалаштирилган) ёндашув.
- 17) Ўзбекистонда ва чет элларда адаптив жисмоний тарбиянинг ривожланиш тарихи.

Инклузив жисмоний

VII. ГЛОССАРИЙ

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
Абилитация	Ижтимоий муҳитга ҳали мослашмаган ёш болаларда меҳнат қилиш, ўқиш ва жамиятнинг фойдали аъзоси бўлиш имкониятини турғун йўқотишга олиб келадиган патологик ҳолатларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадидаги даволовчи-педагогик тадбирлар тизими	system of the medical and pedagogical actions aiming at the prevention and treatment of those pathological states at the children of early age who weren't adapting to the social environment yet who lead to permanent loss of an opportunity to work, study and be a useful member of society
Адаптация	организмнинг алоҳида физиологик тизимлари функцияларини ўзгартирган ҳолда ташқи муҳит таъсириларига мослашиш қобилияти; адаптив қайта қуришнинг маъноси организмнинг ички муҳитида доимийликнинг сақлаб турилишини таъминлаш, ташқи муҳит омилларининг вайрон қилувчи таъсирига тирикликтининг қарши турга олиш қобилиятини оширишдан иборат	ability of an organism to adapt to influences of external environment, changing functions of separate physiological systems; the sense of adaptive reorganizations consists in ensuring preservation of constancy of the internal environment of an organism, increase of ability live to resist to destructive action of factors of external environment
Адаптив	Атаманинг номланиши жисмоний тарбия воситаларининг имкониятлари чекланган шахслар учун мўлжалланганини таъкидлайди. Бу жисмоний тарбия ўзининг барча кўринишларида организмдаги ижобий морбофункционал ўзгаришларни рағбатлантиришини ва шу тариқа организмнинг ҳаётини таъминлаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган зарур ҳаракат координациялари, жисмоний сифат ва қобилиятларни шакллантиришини қўзда тутади.	the name underlines mission of means of physical culture for persons with deviations in a state of health. It assumes that the physical culture in all her manifestations has to stimulate positive morph functional shifts in an organism, forming thereby necessary motive coordination, the physical qualities and abilities directed to life support, development and improvement of an organism
Адаптив жисмоний	Имкониятлари чекланган кишиларнинг нормал ижтимоий муҳитга адаптацияси ва	package of measures of sports character, directed to rehabilitation and adaptation to the normal

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
маданият	реабилитациясига, тўлақонли ҳаётни ҳис этиш, шунингдек, жамиятнинг ижтиомий тараққиётига шахсий ҳиссаси заруратини англашга қаршилик қиласидиган руҳий тўсиқларни енгиб ўтишига йўналтирилган спорт-соғломлаштирувчи ҳусусиятли тадбирлар комплекси	social circle of physically disabled people, overcoming of the psychological barriers interfering feeling of full-fledged life, and also consciousness of need of the personal contribution to social development of society
Адаптив жисмоний тарбия	Адаптив жисмоний маданиятнинг имконияти чекланган кишиларда маҳсус билимлар комплексини, ҳаёт учун ва қасбий жихатдан зарур ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантириш; асосий жисмоний ва маҳсус сифатларнинг кенг доирасини ривожлантириш, турли орган ҳамда тизимларнинг функционал имкониятларини ошириш, имконияти чекланган кишиларда қолган ҳаракат сифатларини шакллантириш, сақлаб қолиш ва қўллаш ҳисобига шахснинг меҳнат ва турмуш фаолиятини амалга оширишдаги эҳтиёжларини қондира оладиган тури	as the type of adaptive physical culture capable to satisfy need of the personality for realization of labor and household activity, due to formation at people with deviations in a state of health of a complex of special knowledge, vitally and professional necessary motive skills; developments of a wide range of the main physical and special qualities, increase of functionality of various bodies and systems; formation, preservation and an using of the corporal and motive qualities of the physically disabled person which have remained available and disability
Адаптив ҳаракат рекреацияси	Адаптив жисмоний маданиятнинг тури бўлиб, у имконияти чекланган кишиларда дунёқарашни, гедонизм фалсафий қарашларини шакллантириш, рекреацион фаолиятнинг асосий приёмлари, йўллари, восита ва методларининг улар томонидан ўзлаштирилиши ҳисобига шахснинг дам олиш, бўш вақтини кўнгилли, қизиқарли ўтказиш, фаолият турини алмаштириш эҳтиёжларини қондира олади.	the type of adaptive physical culture capable to satisfy need of the personality for rest, entertainment, interesting carrying out leisure, change of a kind of activity at the expense of a forming at persons with deviations in an outlook state of health, the philosophical of views of hedonism, development of the main receptions by them, ways, means, methods of recreational activity

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
Адаптив жисмоний реабилитация	Адаптив жисмоний маданиятнинг тури бўлиб, у имконияти чекланган кишилар томонидан организмнинг тезлик билан тикланишини рағбатлантирувчи табиий, экологик жиҳатдан асосланган воситаларнинг ўзлаштирилиши, уларда тегишли машқ комплекслари, чиниқтирувчи ва термик муолажалар ҳамда АЖМ нинг бошқа воситаларидан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш ҳисобига вақтинча йўқотилган ёки бузилган функцияларни (асосий касаллик билан боғлиқ ҳолда узок муддатга йўқотилган ёки бузилган, масалан, ногиронликнинг сабабчиси бўлган функциялардан ташқари) тиклаш эҳтиёжини қондиради	the type of adaptive physical culture capable to satisfy need of the person with deviations in a state of health in restoration at him temporarily lost or the broken functions (besides those which are lost or destroyed for long term in connection with the main disease, for example, which is the reason of disability) due to development of the natural, ecologically justified means stimulating the fastest restoration of an organism by him; training by his ability to use the corresponding sets of exercises, tempering and thermal procedures, and other means of APhC
Адаптив спорт	Адаптив жисмоний маданиятнинг тури бўлиб, у имконияти чекланган кишиларни спорт маданиятига жалб қилиш, уларнинг муайян спорт тури техникаси, тактикаси ва бошқа таркибий қисмларини ўзлаштириши ҳисобига шахснинг мусобақалашув ва коммуникатив фаолияти, ўз қобилиятларини максимал рўёбга чиқариш, уларни бошқа кишиларнинг қобилиятлари билан таққослаш эҳтиёжларини қондиради.	the type of adaptive physical culture capable to satisfy need of the personality for competitive and communicative activity, for the maximum self-realization of the abilities, their comparison to abilities of other people due to familiarizing of persons with deviations in a state of health to sports culture, development of equipment by them, tactics and other components of a concrete sport
Психологик тўсик	Одамнинг у ёки бу харакатларни бажаришига тўсқинлик қилувчи сусткашлигига ифодаланадиган ҳолати; кўпинча алоҳида фаолият турларини танлашда иккиланиш кузатилади, бу ё илгариги мувваффакиятсизликлар, ёки тарбия билан боғлиқ психологик установкалар билан боғлиқ бўлади.	the psychological state which is characterized by the passivity of the person interfering performance of these or those actions by him; often possesses selectivity concerning separate kinds of activity that can be connected or with the previous unsuccessful experience, or with the

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
		mental sets created by education
Касаллик	Организмнинг ташқи ва/ёки ички мухит омилларининг узоқ муддатли ёки жуда кучли таъсири натижасида юзага келадиган ҳамда гомеостазни тиклаш ва ҳаётий фаолият механизmlарини меъёрга келтиришга йўналтирилган адаптацион-компенсатор реакцияси; организм функционал имкониятларининг пасайиши, морфологик ўзгаришлар, иммунитетнинг фаоллашуви ва ҳ.к. да намоён бўлади.	the adaptation and compensatory reaction of an organism arising at long or excessively strong influence of factors of external and/or internal environment and directed to restoration of a homeostasis and normalization of mechanisms of activity; it is shown in decrease in functionality of an organism, morphological changes, immunity activization, etc.
Валеология	Саломатлик ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда таъминлашнинг қонуниятлари, йўллари ва механизmlарини ўрганувчи фанлараро йўналиш	the interscientific and interdisciplinary direction studying regularities, ways and mechanisms of formation and ensuring health and a healthy lifestyle
Адаптив жисмоний маданиятнинг турлари (таркибий қисмлари)	Адаптив жисмоний тарбия, адаптив ҳаракатланиш рекреацияси, адаптив жисмоний реабилитация, адаптив спорт, тананинг йўналтирилган креатив (бадиий-музиқий) амалиётлари ва ҳаракат фаоллигининг экстремал турларини ўз ичига олади	adaptive physical training, adaptive motive recreation, adaptive physical rehabilitation, adaptive sport, the creative (art and musical) corporal focused practitioners and extreme types of physical activity include
Тананинг йўналтирилган креатив (бадиий-музиқий) амалиётлари	Адаптив жисмоний маданиятнинг тури бўлиб, имконияти чекланган шахсларнинг эртак терапияси, ўйин терапиясига хос тананинг йўналтирилган техникалари; қоматни коррекцияловчи ритмопластика ва б. хисобига ўз-ўзини ижодий ривожлантариш, ўз ички дунёсини ҳаракат, мусиқа, рамзлар (жумладан, бадиий), санъатнинг бошқа турлари орқали ифодалаш эҳтиёжларини қондиради.	the types of adaptive physical culture capable to satisfy need of persons with deviations in a state of health in creative self-development, self-expression of spiritual essence through the movement, music, an image (including art), drukgy means of art due to development by them focused the technician of a corporal skazkoterapiya, igroterapiya; formokorrektionsritmoplastika, etc.

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
Тарбия	Инсонга аниқ мақсадга йўналтириб таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, унинг шахс сифатида шаклланишига, унда маданиятнинг алоҳида турлари (жисмоний, маънавий, эстетик ва б.) ёки бутун комплекси таркиб топишига ёрдам беради; тарбия таълим билан чамбарчас боғлик, чунки унинг кўпгина вазифалари айнан таълим жараёнида амалга ошади.	the purposeful process of impact on the person promoting his formation as persons, to formation at him of a complex or separate types of culture (physical, spiritual, esthetic, etc.); education is closely connected with training as his many tasks are reached in the course of training
Гиподинамия	Организмнинг ҳаёт фаолиятидаги издан чиқишлиар комплекси бўлиб, гипокинезиянинг оқибати ҳисобланади: ўзгаришлар деярли барча функционал тизимларни (таянч-харакат аппарати, юрак-қон томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, айриш тизимлари, модда алмашинуви, МНТ ва б.) қамраб олади; организмнинг заҳира имкониятлари пасайиши, қувват алмашинувининг асосийси томон силжиши (кўпроқ ишчи алмашинув ҳисобига) ва ҳ.к. билан кечади; гиподинамия замонавий кишилар саломатлиги бузилишининг механизмларидан бири сифатида текширилади.	the complex of violations in activity of an organism which is a gipokineziya consequence; changes cover practically all functional systems (the musculoskeletal device, cardiovascular, respiratory, digestive, secretory systems, a metabolism, CNS, etc.); is followed by decrease in reserve opportunities of an organism, shift of a power exchange towards the basic (mainly due to decrease in the worker), etc.; the hypodynamia is considered as one of mechanisms of violations of health of the modern person
Гипокинезия	Эркин харакатлар ва улар ҳажмининг камайиши, харакат фаоллигининг етишмаслиги; камҳаракат турмуш тарзи, организмнинг физиологик етилмаганлиги шароитида ривожланади; брадикинезия (харакатларнинг секинлашуви), олигокинезия (харакатларни бошлашда қийинчилик, тез чарчаш, куч, харакатлар Амплитудаси ва тезлигини ихтиёрий равишда варианглаш муумкин эмаслиги) қўринишида	decrease in any movements and their volume, the lowered physical activity; develops at an inactive way of life, physiological immaturity of an organism; it is shown by a bradikineziya (slowness of movements), an oligokineziya (the complicated start of motion, fast fatigue, impossibility of any variation of force, amplitude and speed of the movement)

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
	намоён бўлади.	
Гипоплазия	Тўқима, орган, тана қисмининг етарли ривожланмаслиги, ўртача кўрсаткичлардан икки сигмадан ортиқ даражада бўлади.	the underdevelopment of fabric, body, part of a body exceeding a deviation from average values in two sigma
Харакат фаоллиги	Мазкур организм мунтазам бажарадиган мушак харакатларининг умумий миқдори; оптимал ўлчамлардан оғиш ноҳуш таъсир кўрсатади: мушакларниң ҳаддан зиёд ишлаши зўриқиши ва ўта зўриқишига, иш етарли бўлмаса, жисмонан детренировка ҳолатига олиб келади.	total of the muscular movements which are regularly carried out by this organism; deviations from optimum range work adversely: excessive muscular work leads to overfatigue and an overstrain, insufficient – to a physical defitness
Харакат малакалари	Ўзлаштирилган ва мустаҳкамланган, онг иштирокисиз (автоматик тарзда) бажарилиши мумкин бўлган харакатлар, улар харакат вазифаларининг оптимал ҳал қилинишини таъминлайди	the mastered and strengthened actions which can be carried out without participation of consciousness (automatically) and provide the optimal solution of a motive task
Харакат кўнгилмалари	Бу янги харакат вазифаларини мотор даражада бажариш қобилияти	it is ability at the motor level to cope with new problems of behavior
Декомпенсация	Организмда касаллик ёки ривожланишдаги издан чиқишлиар туфайли пайдо бўлган функционал ёки тузилмавий нуқсонлар компенсациясини таъминлайдиган тикланишнинг мослашув механизmlари етарли эмаслиги ёки бузилиши	insufficiency or failure of adaptive mechanisms of restoration of the functional and structural defects of an organism providing compensation caused by an illness or a condition of violations
Дефектология	Педагогиканинг жисмоний нуқсонлари ва ақлий ривожланишида издан чиқишлиари бўлган болаларниң ривожланиши хусусиятларини ўрганувчи бўлими	the section of pedagogics studying features of development of children with physical defects and deviations in intellectual development
Ташхис	инсоннинг саломатлиги ҳолати ва касаллигининг табиати ҳақида уни ҳар томонлама тиббий-	the conclusion about a state of health and the nature of an illness of the person on the basis of

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги маърифи</i>	<i>Definition in English</i>
	биологик текширувдан ўтказиш асосида хулоса чиқариш; дастлабки, аник, эрта, узил-кесил, клиник, комплекс, дифференциал ва б. ташхис турлари бор.	his comprehensive medical biological inspection; distinguish preliminary, exact, early, final, clinical, complex, differential, etc. Diagnoses
Ташхислаш	1) одамнинг индивидуал тиббий-биологик ва ижтимоий хусусиятлари, аҳволини аниқлаш учун уни текшириш, кузатиш ва таҳлилий баҳолаш жараёни; 2) алоҳида физиологик ҳолатлар ва саломатлик меъёрларидан оғишларни аниқлаш, ташхис қўйишнинг мазмуни, метод ва тамойиллари хақидаги таълимот	1) process of research of the person, supervision and analytical estimates for determination of specific medical biological and social features, his states; 2) the doctrine about contents, methods and the principles of recognition of special physiological states and aberrations of health, statement of the diagnosis
Дизонтогенез	Нотўғри, издан чиққан индивидуал ривожланиш	the broken, wrong individual development
Касалланишлар	Аҳолининг умуман ва алоҳида гуруҳларида (ёши, касбига кўра) саломатлик ҳолати кўрсаткичлари; муайян давр мобайнида касалликларнинг тарқалиши, тузилиши ва динамикасини, касалланганлар сонининг умумий аҳоли сонига нисбатан фоиз микдорини тавсифлайди	indicator of a state of health of the population in general and in separate groups (age, professional); characterizes prevalence, structure and dynamics of diseases in a percentage ratio of number of the diseased to the total number of the population for the concrete period of time
Соғлом турмуш тарзи	Мазкур инсоннинг ирсий тақозо қилинган типологик хусусиятлари ва унинг муайян яшаш шароитига мувофиқ ҳаёт фаолиятини юритиш усули бўлиб, у саломатликни шакллантириш, сақлаш ва мустаҳкамлашга, индивиднинг ўз ижтимоий-биологик функцияларини тўла бажаришига йўналтирилади.	the way of activity corresponding to genetically caused typological features of this person and specific conditions of his life, directed to formation, preservation and promotion of health, full performance by the individual of the social and biological functions
Саломатлик	Касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлигигина эмас, балки тўла жисмоний, маънавий ҳамда ижтимоий бардамлик, хотиржамлик ҳолати (Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти	condition of full physical, spiritual and social wellbeing, and not just absence of diseases and physical defects (definition of World Health Organization)

<i>Атама</i>	<i>Ўзбек тилидаги таърифи</i>	<i>Definition in English</i>
	таърифи).	
Реабилитация	Бошдан кечирилган (реабилитация) ёки туғма (абилитация) касалликлар натижасида имконияти чекланган шахсларнинг мустақиллиги, меҳнатга лаёқати ва саломатлигини тиклаш бўйича тиббий, психологик, педагогик, касбий ва юридик чоратадбирлар комплекси	complex of medical, psychological, pedagogical, professional and legal measures for restoration of independence, working capacity and health of persons with limited opportunities of health as a result of the postponed (rehabilitation) or congenital (abilitation) diseases and injuries
Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари	Адаптив жисмоний маданиятнинг турлари хисобланиб, имконияти чекланган шахслар томонидан ҳаракат фаоллиги экстремал турларининг техникаси, тактикаси, эҳтиётлаш воситалари ва бошқа таркибий қисмларини ўзлаштириш хисобига хавфга, ўзини ғайри-одатий, экстремал, саломатлик (ёки ҳаёт) учун объектив ёки субъектив хавфли шароитларда синаб кўришга интилиш эҳтиёжларини қондиради	the types of adaptive physical culture capable to satisfy needs of persons with deviations in a state of health in risk, aspiration to test itself in unusual, extreme conditions, objectively or subjectively hazardous to health (or lives) due to development of equipment, tactics, means of ensuring of an insurance and other components of extreme types of motive activity

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар.

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иктисодиет, 2014. – 84 с.
3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
5. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.
6. Аксенова О.Э., Евсеев С.П. Технологии физкультурно-спортивной деятельности в адаптивной физической культуре. – М., 2004. – 296 с.
- 7.Переверзева И.В. Технологии проведения занятий в специальном медицинском отделении. – Ульяновск: УлГТУ, 2008. – 58 с.
- 8.Светличная Н.К. Формирование здорового образа жизни. Ў Т.: Таффакур қаноти, 2015. – 140 с.
9. Светличная Н., Юнусов С. Инвалидный спорт: Учебно-методическое пособие. – Т., 2005. – 160 с.
Селуянов В.Н. Технология оздоровительной физической культуры. – М.: ТВТ Дивизион, 2009. – 192 с.
10. Умаров Д.Х. с соавт. Оздоровительно-развивающие виды основной гимнастики. – Т., 2006.
11. Усманходжаев Т.С. Физическое и психическое развитие детей средствами двигательной активности. – Т., 2009.

ИНТЕРНЕТ-САЙТЛАРИ:

1. www.ziyonet.uz
2. www.zoj.ru – Вестник здорового образа жизни
3. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси
4. www.bmsi.ru – Спорт маълумотлари кутибхонаси

5. www.ocw.mit.edu –MIT очиқ курслари
6. www.edx.org – Открытые дисциплинарные курсы
7. www.universarium.org –Университетларнинг очиқ курслари

Х.ИЛОВАЛАР
“Адаптив жисмоний тарбия” модули бўйича тест топшириқлари

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>
1.	Мутахассис шахсининг касбий жиҳатдан муҳим бўлган умумий сифатлари (мехнат ихтисослигидан қатъий назар)	виждонлилик, эмоционал барқарорлик ва қатъият	мақсадга интилувчанлик ва амбициялар	қатъият	киришимлилик, эҳтиёткорлик
2.	Адаптациянинг нисбатан соғломроқ орган шикастланган ёки касалланган органинг фаолиятини қисман ўз зиммасига олиб, унинг ишини енгиллаштиришдан иборат бўлган мураккаб шакли нима деб аталади?	компенсация	реабилитация	қўзғатиш	коррекция
3.	Инсоннинг ижтимоий мухитга фаол мослашуви жараёни характерли бўлган адаптация тури?	ижтимоий адаптация	сенсор адаптация	физиологик адаптация	психик адаптация
4.	Таянч-харакат аппаратининг турли деформацияларини тузатишида кўлланиладиган жисмоний машқлар қандай аталади?	коррекцияловчи	умумривожлантирувчи	имитацион	яқинлаштирувчи
5.	Инсоннинг ижтимоийлашувига хос энг муҳим омил –	оила	мактаб	коллеж	жамият
6.	Таълимни “инсонпарварлаштириш” тушунчасига нима киради?	шахс (маънавий ва жисмоний)	ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш	илемийлик ва рационаллаштириш	технологияларни жорий қилиш ва модернизация

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Түгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>
7.	Адаптив жисмоний тарбия адаптив жисмоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида имкониятлари чекланган индивиднинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	уни ҳаётга, турмуш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш; АЖМ га ижобий ва фаол муносабатини шакллантириш эҳтиёжлари	ўз қобилиятларини имкон қадар тўла рўёбга чиқариш, уларни бошқа кишиларнинг қобилиятлари билан таққослаш, ижтимоийлашув эҳтиёжлари	дам олиш, бўш вақтини қизиқарли, кўнгилли ўтказиш, фаолият турини ўзгартириш, мулоқот қилиш эҳтиёжлари	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари
8.	Адаптив спорт адаптив жисмоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида шахснинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	ўз қобилиятларини имкон қадар тўла рўёбга чиқариш, уларни бошқа кишиларнинг қобилиятлари билан таққослаш; ижтимоийлашув эҳтиёжлари	уни ҳаётга, турмуш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш; АЖМ га ижобий ва фаол муносабатини шакллантириш эҳтиёжлари	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ,, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари	дам олиш, бўш вақтини қизиқарли, кўнгилли ўтказиш, фаолият турини ўзгартириш, мулоқот қилиш эҳтиёжлари
9.	Адаптив ҳаракатланиш рекреацияси адаптив жисмоний тарбиянинг таркибий қисми сифатида имкониятлари чекланган индивиднинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	дам олиш, бўш вақтини қизиқарли, кўнгилли ўтказиш, фаолият турини ўзгартириш, мулоқот қилиш эҳтиёжлари	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари	ўз қобилиятларини имкон қадар тўла рўёбга чиқариш, уларни бошқа кишиларнинг қобилиятлари билан таққослаш; ижтимоийлашув эҳтиёжлари	уни ҳаётга, турмуш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш; АЖМ га ижобий ва фаол муносабатини шакллантириш эҳтиёжлари

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>
10.	Адаптив жисмоний реабилитация адаптив жисмоний тарбиянинг таркибий қисми сифатида имкониятлари чекланган индивиднинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	унинг вақтинча йўқотилган функцияларини даволаш, тиклаш (асосий касаллиги билан боғлиқ ҳолда йўқотилган ёки бузилган функцияларидан ташқари) эҳтиёжлари	дам олиш, бўш вақтини қизиқарли, кўнгилли ўтказиш, фаолият турини ўзгартириш, мулоқот қилиш эҳтиёжлари	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари	ўзини ижодий ривожлантириш, ўз ички дунёсини ҳаракат, мусика, рамзлар (жумладан, бадиий рамзлар), санъатнинг бошқа воситалари орқали ифодалаш эҳтиёжлари
11.	Адаптив жисмоний тарбиянинг креатив (бадиий-мусикий) амалиёти адаптив жисмоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида имкониятлари чекланган индивиднинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	ўзини ижодий ривожлантириш, ўз ички дунёсини ҳаракат, мусика, рамзлар, санъатнинг бошқа воситалари орқали ифодалаш эҳтиёжлари	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари	унинг вақтинча йўқотилган функцияларини даволаш, тиклаш (асосий касаллиги билан боғлиқ ҳолда йўқотилган ёки бузилган функцияларидан ташқари) эҳтиёжлари	уни ҳаётга, турмуш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш; АЖМ га ижобий ва фаол муносабатини шакллантириш эҳтиёжлари
12.	Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари адаптив жисмоний тарбиянинг таркибий қисми сифатида имкониятлари чекланган индивиднинг қандай эҳтиёжларини қондиради?	хавф, қаттиқ зўриқиши билан боғлиқ, экстремал, саломатлик ва ҳаёт учун хавфли ҳиссиётларни бошидан кечириш эҳтиёжлари	уни ҳаётга, турмуш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш; АЖМ га ижобий ва фаол муносабатини шакллантириш эҳтиёжлари	ўзини ижодий ривожлантириш, ўз ички дунёсини ҳаракат, мусика, рамзлар (жумладан, бадиий рамзлар), санъатнинг бошқа воситалари орқали ифодалаш эҳтиёжлари	унинг вақтинча йўқотилган функцияларини даволаш, тиклаш (асосий касаллиги билан боғлиқ ҳолда йўқотилган ёки бузилган функцияларидан ташқари) эҳтиёжлари

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>
13.	Харакатланишдаги нүқсонларнинг барча нозологиялық гурухларга хос бўлган энг типик кўринишлари –	харакат фаоллигининг пасайиши, харакат фаолияти ҳажми ва шиддатининг қисқариши, қувват сарфининг камайиши	жисмоний сифатларнинг (мушак кучи, тезлик, чидамлилик, чаққонлик, эгилиувчанлик) ёмонлашуви	координацион қобилиятларнинг ўқиши, меҳнат, турмуш фаолиятида зарур бўлган харакатлар сифатига салбий таъсир қилувчи камчиликлари	жисмоний сифатлар ривожланиш даражасининг пастлиги, қоматнинг бузилиши, оёқ кафтлари деформацияси
14.	Адаптив жисмоний тарбияда педагогик фаолият жараёни бошқарувини амалга ошириш учун мутахассис нималарни билиши керак?	шуғулланувчиларнинг индивидуал кўрсаткичлари динамикасини режалаштириш, моделлаштириш ва башорат килиш хусусиятлари	(педагогнинг) таъсир кўрсатиши жараёни (воситалари ва усуслари), реакцияларни қайд этиш ва таъсирларни коррекциялаш холати	дастлабки ҳолат (асосий нүқсоннинг даражаси, йўлдош касалликлар, қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиги) тўғрисидаги маълумотлар	жараённинг мақсади: шуғулланувчидаги жисмоний маданият қадриятларини шакллантириш, унинг ривожланиши, жамиятга интеграцияси ва ўз ўрнини топишига кўмаклашиш
15.	Таянч-харакат аппарати шикастланган ногиронлар адаптив жисмоний тарбиясини ривожлантиришнинг биринчи босқичи учун асос, база хисобланади.	даволовчи жисмоний тарбия	спорт гимнастикаси	фитнес&спа	рационал гимнастика
16.	Адаптив жисмоний тарбия тамойилларининг учта поғонасини кўрсатинг.	ижтимоий, умумий-методик, маҳсус-методик	илмийлик, кўрсатмалилик, тушунарлилик	тизимлилик, мустаҳкамлик, ташхислаш	микросоциумнинг устуворлиги, ижтимоийлашуви, онглилик
17.	Педагогик таъсирни дифференциациялаштириш (табақалаштириш) ва индивидуаллаштириш, унинг адекватлиги, оптималлиги ҳамда вариативлиги тамойиллари қайси гурухга мансуб?	умумий-методик тамойилларга	ижтимоий тамойилларга	маҳсус-методик тамойилларга	спортив машғулоти тамойилларига

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>	<i>Нотұғри жақын</i>
18.	Шахснинг ижтимоийлашувда “яширин” ўқув режасининг имкониятлари қандай?	индивидуал таълим траекторияси воситасида касбий ўқитишни ташкил этиш	ўқувчиларга (талабаларга) жамиятда ўзини тутиш қоидалари, мавжуд нормалар (меъёрлар) ва умум қабул қилинган урфодатлар, анъаналар ҳақида маълумот бериш	базис ўқув режасидаги фанларнинг ўзлаштирилиши ва таълим олувчиларнинг умумий таълим тайёргарлигига эга бўлиш имконияти	танлов ўқув фанларининг киритилиши таълим олувчиларнинг турли фаолият соҳаларида билишга қизиқишиларини кондириш имконини беради
19.	Қайси таълим методи шуғулланувчиларнинг ақлий ривожланишига энг катта таъсир кўрсатади?	муаммоли-изланиш методи	оғзаки метод	кўрсатмалик методи	ўйин методи
20.	Адаптив жисмоний тарбияда қайси тамойил етакчи хисобланади?	педагогик жараённи коррекциялаб ривожлантирувчи йўналиш тамойили	педагогик таъсирларнинг компенсатор йўналиши тамойили	инсонпарварлик йўналиши тамойили	ёш хусусиятларини хисобга олиш тамойили
21.	Тарбиявий таъсирлар ҳукми остида бўлган, инсоннинг бирон-бир фаолиятни ўзгалар ёрдамисиз амалга оширишини назарда тутувчи шахсий сифат қандай аталади?	мустақиллик	интизомлилик	қатъият	фаоллик
22.	Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланувчиларда кўникмаларни шакллантиришнинг биринчи босқичида қандай вазифалар ҳал этилади?	муайян машқларни мустақил бажариш учун зарур билимларни бериш, уларни мустақил машғулотларнинг аҳамиятлилигига ишонтириш	жисмоний қобилиятларни ривожлантириш ва ҳаракат кўникмаларини шакллантириш вазифаларини қўйишга ўргатиш	шуғулланувчиларни восита ва усусларни танлашга, машқ комплексларини тузиш ва бажаришга ўргатиш	идеомотор ва аутоген машғулот приёмларига ўргатиш, тўғри танловни амалга ошириш ва зарур қарорни қабул қилиш қобилиятини сингдириш

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>
23.	Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланувчиларда кўнікмаларни шакллантиришнинг иккинчи босқичида қандай вазифалар ҳал этилади?	машғулот юкламасини унинг ҳажми, шиддати, таъсирнинг йўналиши бўйича режалаштиришга ўргатиш	ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буюриш приёмларини, ўз-ўзини руҳий бошқаришнинг турли техникаларини кўллашга ўргатиш	шуғулланувчиларни ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз жисмоний ривожланиши даражасини баҳолашнинг энг оддий усуllibарига ўргатиш	жисмоний машқлар ва аутоген машғулотларни мустақил ташкил қилиш ҳамда ўтказиш қоидаларини очиб бериш зарур
24.	Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланувчиларда кўнікмаларни шакллантиришнинг учинчи босқичидаги асосий вазифалар – ...	асосий жисмоний қобилияtlарни ривожлантириш методикалари, психосоматик ўз-ўзини бошқариш техникалари ва руҳий коррекция элементлари билан таништириш	хавфсизликни таъминлаш йўллари, санитария-гигиена талаблари ва меъёрлари билан таништириш	кундаликлар ёки индивидуал фойдаланиш ва рақаларининг энг оддий вариантлари билан таништириш	муайян касалликлар учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, машқларни тақрорлаш миқдори, дам олиш танаffуслари бўйича билимлар бериш
25.	Индивидуал топшириқларнинг қандай турларини биласиз?	мажбурий (педагог томонидан берилган), танланган (педагог томонидан тавсия қилинган) ва шуғулланувчининг ўзи белгилаган топшириқлар	танлаш ва зарур қарор қабул қилиш қобилиятини талаб этувчи топшириқлар	муаммоларни мустақил аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топишни талаб қилувчи топшириқлар	ўз-ўзини назорат қилиш кундалиги бўйича топшириқлар
26.	Организмнинг индивидуал реактивлиги нималарга боғлиқ?	жинс, ёш, атроф-мухитга	йил фасли, об-хаводаги ўзгаришлар, ҳавонинг ҳарорати ва намлигига	мехнат ва ўқиш фаолияти шароитларига	ижтимоий ва шахслараро муносабатларга

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Тўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>	<i>Нотўғри жавоб</i>
27.	Организмнинг атроф-мухитга мослашиш жараёни нима деб аталади?	адаптация	коррекция	компенсация	реабилитация
28.	Соғлом орган ва тизимларнинг барбод бўлган тузилмалар функциясини ўрнини босиш гиперфункцияси ёки функцияларнинг сифат ўзгаришлари йўли билан ўз зиммасига олиши кўринишидаги организмнинг шикастланишларга реакцияси нима деб аталади?	компенсация	реабилитация	адаптация	коррекция
29.	Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий функцияси нимадан иборат?	Соғломлаштириш ва харакатлантириш	коммуникатив функция	томушабоплик ва эстетик функциялари	такомиллашув функцияси
30.	Адаптив харакат рекреациясининг асосий функциясини кўрсатинг.	соғломлаштирувчи-рекреацион функция	томушабоплик ва эстетик функциялари	такомиллаштирув функцияси	касбий-тайёргарлик функцияси
31.	Адаптив жисмоний реабилитациянинг етакчи функцияси нимадан иборат?	даволовчи-тиковчи функция	томушабоплик ва эстетик функциялари	профилактик функция	спорт ва мусобақалашув функцияси
32.	Адаптив жисмоний тарбиянинг (АЖТ) субъекти – ...	имконияти чекланган кишилар	саломатлик	ўсиб келаётган авлод	спортчилар
33.	Издан чиқиши, патология, касалликлар пайдо бўлишининг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар комплекси нима деб аталади?	профилактика	реакция	симуляция	адаптация
34.	Жисмоний тайёргарлик даражаси ким томонидан аниқланади?	педагог, мураббий томонидан	шифокор томонидан	ота-она томонидан	маъмурият томонидан
35.	Мушаклар ва улар ёрдамида бажариладиган харакатлар ҳақидаги фан деб аталади.	кинезиология	логопедия	дефектология	методология
36.	Шахс жисмоний маданиятини шакллантиришнинг асосий ўзига хос воситаси хисобланади.	жисмоний машқлар	табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари	гигиеник омиллар	тренажерлар ва тренажер қурилмалар

<i>№</i>	<i>Саволлар</i>	<i>Түгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>	<i>Нотүгри жавоб</i>
37.	Организмнинг у пайдо бўлган лаҳзадан то умрининг охиригача барча ўзгаришларини қамраб оладиган индивидуал ривожланиш жараёни деб аталади.	онтогенез	эритропоэз	патогенез	филогенез
38.	АЖТ машғулотларида педагогик ташхислашнинг оптимал усулларига киради.	тузилмавий кузатув	тажриба	тестлаш	лаборатория текшируви
39.	Қайси тамойил жисмоний тарбиянинг вазифалари, восита ва методларининг шуғулланувчилар имкониятларига оптимал мувофиқлигини кўзда тутади?	тушунарлилик ва индивидуаллаштириш тамойили	онглилик ва фаоллик тамойили	илемийлик тамойили	назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили
40.	Ривожланишида камчиликлари бўлган шахсларга жамият муносабатининг энг илғор моделини ажратиб қўрсатинг.	«интеграция» модели	«сегрегация» модели	«дискриминация» модели	ногиронликнинг тиббий модели

VI. БИТИРУВ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ

- 1) Қомат бузилганда адаптив жисмоний тарбия комплекс равишда қўллаш.
- 2) Мактаб ўқувчиларида (талабаларда) ортиқча вазнни коррекциялашда адаптив жисмоний тарбиянинг восита ва методларини оқилона танлаш.
- 3) Кун тартибида кичик (ўрта, катта) мактаб ёшидаги заиф кўрувчи болаларнинг ҳаракат фаолигини текшириш.
- 4) Болалар церебрал фалажи билан касалланган болаларнинг координацион қобилияtlарини ривожлантириш.
- 5) Куйи синф ўқувчиларини ҳаракат фаолиятларига ўргатиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари.
- 6) Мусиқа жисмоний тарбия дарсларида кичик мактаб ёшидаги болалар ўқув фаолиятини жадаллаштириш воситаси сифатида.
- 7) Жисмоний тарбия бўйича инклузив ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини тадқиқ қилиш.
- 8) Имконияти чекланган мактаб ўқувчилари (талабалар)да жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 9) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларида куйи синф ўқувчиларини ҳаракат фаолиятларига ўргатиш методикасининг хусусиятлари.
- 10) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларининг болалар жисмоний сифатларини ривожлантиришга таъсири.

- 11) Адаптив жисмоний тарбия машғулотларида харакатли ўйинлар тизими асосида жисмоний сифатларни ривожлантириш технологияси.
- 12) Жисмоний тарбия машғулотларида кичик мактаб ёшидаги болалар қомати бузилишининг олдини олиш воситаларини оптималлаштириш.
- 13) Йиллик тайёргарлик циклининг тайёрлов даврида ёш спортчиларда касалланиш сабабларини текшириш ва унинг олдини олиш.
- 14) Қизлар (йигитлар)да қоматнинг функционал ҳолати бузилишини тадқиқ қилиш ва уни адаптив жисмоний тарбия воситалари билан коррекциялаш.
- 15) Адаптив жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида мактаб ўқувчилари (талабалар)нинг жисмоний ўз-ўзини тарбиялашини фаоллаштириш.
- 16) Юрак-қон томир касалликлари бўлган маҳсус тиббий гурӯҳ талабалари жисмоний тарбиясини ташкил этишга дифференциацияланган (табақалаштирилган) ёндашув.
- 17) Ўзбекистонда ва чет элларда адаптив жисмоний тарбиянинг ривожланиш тарихи.
- 18) Инклузив жисмоний тарбиянинг ривожланиши.

VIII. “Адаптив жисмоний тарбия” модули бўйича назорат саволлари

1. Адаптив жисмоний тарбия ҳақида тушунча
2. Имконияти чекланган кишиларни ижтимоий интеграциялаш муаммолари.
3. Ўзбекистоннинг имконияти чекланган кишилар ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатининг тузилиши тамойиллари.
4. Адаптив жисмоний тарбияда жисмоний тарбия тамойилларини амалга оширишнинг умумий хусусиятлари.
5. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ҳаракатида адаптив жисмоний тарбиянинг роли, ўрни ва аҳамияти.
6. Базавий турлар (гимнастика, енгил атлетика, сузиш, спорт ва ҳаракатли ўйинлар, кураш турлари) бўйича ўқитиш ҳамда машқ қилдириш методикалари.
7. Соғломлаштирувчи машғулот имконияти чекланган ва ногирон кишилар билан машғулотларни ташкил қилишнинг асосий шакли.
8. Реабилитациянинг асосий тамойиллари ва мақсадлари.
9. Индивидуумни ҳаракат фаолиятларига ўргатиш ҳамда унинг жисмоний сифатларини ривожлантириш назарияси ва технологияси.
10. Реабилитация тизимида жисмоний тарбия ва спорт воситалари.
11. Адаптив жисмоний тарбияда психологияк тайёргарлик.

12. Адаптив спортни ривожлантириш тенденциялари.
13. Ҳаракат фаолиятларига ўргатиш ва методикаларнинг хусусиятлари.
14. Адаптив жисмоний тарбияда жисмоний тайёргарлик.
15. Адаптив жисмоний тарбияда тадбирларнинг таъсири ва самарадорлигини баҳолаш методлари.
16. Адаптив жисмоний тарбияда режалаштириш ва педагогик назорат.
17. Ўрта маҳсус ва касбий таълим муассасаларида имконияти чекланган кишилар билан жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш методикаси.
18. Реабилитациянинг индивидуал дастури.
19. Адаптив ҳаракат рекреациясининг асосий воситалари.
20. Адаптив жисмоний тарбияда тадқиқотнинг обьекти ва предмети.
21. Адаптив жисмоний тарбияда жисмоний ривожланишни тадқиқ қилиш ва баҳолаш.
22. Касаллик ва шикастланишлар, ҳаддан зиёд шуғулланиш ва зўриқиши, уларнинг сабаблари ва олдини олиш.
23. Адаптив жисмоний тарбияни (билимларни шакллантириш, ҳаракат фаолиятларига ўргатиш, жисмоний сифат ва қобилиятларни ривожлантириш, шахсни тарбиялаш) ташкил этишнинг метод ва шакллари.
24. Адаптив жисмоний тарбияда жисмоний иш қобилияти ва шуғулланганлик даражасини тестлаш.
25. Адаптив жисмоний тарбия ва спорт воситалари билан имконияти чекланган шахсларни ижтимоий интеграциялаш.
26. Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти технологиялари ўқув-педагогик ва илмий фан сифатида.
27. Адаптив жисмоний тарбияда мутахассиснинг касбий ва шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар.
28. Адаптив жисмоний тарбияда хусусий методикаларнинг базавий концепциялари.
29. Адаптив ҳаракат рекреацияси, жисмоний реабилитация ва ҳаракат фаоллигининг ижодий турларини ташкил этиш.
30. Адаптив жисмоний тарбияда функционал синовлар.
31. Адаптив жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари.
32. Ривожланиши издан чиқсан кишилар билан ишлашнинг асосий педагогик тамойиллари.
33. Адаптив жисмоний тарбия методикаларини тузишнинг тиббий-физиологик ва психологик асослари.
34. Адаптив жисмоний тарбияда жисмоний машқларнинг таснифланиши.
35. Имконияти чекланган кишиларнинг қариндошлари ва яқинлари билан ишлаш метод ҳамда шакллари.
36. Имконияти чекланган ва саломатлигига издан чиқишлиар бўлган шахсларнинг фаол дам олиши ва бўш вақтини ташкил қилиш учун адаптив жисмоний тарбиянинг восита ва методларини қўллаш.
37. Турли ёшларда жисмоний машқларни қўллашнинг методик хусусиятлари.
38. Адаптив жисмоний тарбия методикаларининг коррекцион-ривожлантирувчи йўналиши.

39. Имкониятлари чекланган болаларнинг оиладаги тарбиясига хос хусусиятлар.
40. Имконияти чекланган кишилар билан ишлашнинг асосий педагогик тамойиллари.
41. Ҳаракат реабилитацияси ва ўз-ўзини реабилитация қилиш бўйича индивидуал дастурлар тузиш.
42. Коррекционно-развивающее и дополнительное физкультурно-спортивное образование детей и учащейся молодежи.
43. Спорт иншоотларини спорт-соғломлаштириш ишларини ўтказиш учун жиҳозлаш.
44. Реабилитациянинг комплекс ва индивидуал дастурлари.
45. Адаптив жисмоний тарбиянинг предмети ҳамда вазифалари.
46. Адаптив жисмоний тарбияда шифокор назоратининг мақсади, вазифалари ва мазмуни.
47. Жисмоний сифатларни тарбиялаш..
48. Машғулотларни ташкил қилишнинг восита, метод ва шаклларини танлаш хусусиятлари.
49. Соғломлаштирувчи машғулот машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.
50. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ҳаракатида адаптив жисмоний тарбиянинг роли, ўрни ва аҳамияти. – мавзуу такрорланган.